

# **ARUZ**

# **SABOQLARI**

Mail: [saxroikabr@bk.ru](mailto:saxroikabr@bk.ru)

Telegram kanal: [t.me/sherkhan1117](https://t.me/sherkhan1117)

**УЎК: 821.512.133  
КБК 83.3(5Ў)6**

*Уибу қўлланма минг йиллик тарихга эга мумтоз шеърияти-  
мизнинг асосий ўлчови бўлган аruz вазнини назарий ва амалий жи-  
ҳатдан ўргатиш масалаларига багишланади.*

*Кўлланма олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти  
таълим йўналиши бакалавриат босқичи талабалари учун маъруза  
ва амалий машгулот дарслари ҳамда мустақил ишлар ташкил  
эттиш учун мўлжасланган, шунингдек, ундан аruz шеърий тизимини  
мустақил ўрганувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.*

**Масъул мухаррир:**  
филология фанлари номзоди, доцент А.Турдиалиев

**Тақризчилар:**  
филология фанлари номзоди, доцент М.Сиддиков;  
филология фанлари номзоди, доцент З.Қобилова

**83.3(5Ў)6  
Зоҳидова, Дурдана.  
3-43**

**Аruz сабоқлари: ўқув қўлланма / Дурдана Зоҳидова; масъул  
мухаррир А.Турдиалиев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 114 б.**

**УЎК: 821.512.133  
КБК 83.3(5Ў)6**

ISBN 978-9943-4552-8-3

© Д.Зоҳидова, 2016  
© “MUMTOZ SO‘Z”, 2016

## МУҚАДДИМА

“Халқымиз таянчи – аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим.”<sup>1</sup> Шу маънода, мумтоз адабиётимиз намуналари миллий маънавиятимиз хазинасидаги энг порлок дуру гавҳарлардандир. Уларнинг ёш авлод тарбиясида рухий-эстетик озуқа манбаига айланиши мазкур асарларни ўргатишни илмий асосда йўлга қўйишни тақозо этади. Мумтоз асарни тўлақонли таҳлил этиш Шарқ шеършунослигида шаклланган бадиий ижод қоидаларини чуқур ўзлаштиришни талаб этади. Маълумки, мумтоз шеър илми анъанавий равишда уч таркибий қисмга бўлиб ўрганилган: 1) илми бадеъ (бадиий санъатлар ҳақидаги илм); 2) илми аruz; 3) илми қофия. Булар орасида аruz нисбатан мураккаблиги билан фарқланиб, у ўзининг қатъий қонуниятлар асосида шаклланган илмий-назарий асосларига эга илмдир. Мумтоз ижодкорлар томонидан тараннум этилган ўлмас умумбашарий қадриятларни тўлиғича кашф этиш, бадиий тасвирдаги бемисл жозибадан баҳраманд бўлиш уларни тақдим этган вазн қонуниятларини ҳам ўқиб-ўзлаштиришни талаб этади. Шу ниятдан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда аruz илмини олий ўкув юртларида танлов фанлари доирасида ўқитиш йўлга қўйилди. Аruz илми фани талабаларда мумтоз шеърни ўз вазнида ўқий олиш кўнишка ва малакасини шакллантиришни, бу орқали шеърнинг жозибасини тўлиқ ҳис этиш ва уни эшитувчига ҳам етказа олишга ўргатишни назарда тутади. Бу мақсадга эришиш ўқитувчидан чуқур назарий билимдан ташқари ўзига хос ва мураккаб шеърий тизим бўлган арузни ўргатишга специфик методик ёндашувни, бугунги кун адабий таълим мининг муҳим талабларидан бўлган инновацион технологиялардан яхши хабардорликни, уларни дарс жараёнига татбиқ этишдаги касбий маҳоратни тақозо этади.

<sup>1</sup> Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Б.121

Ушбу қўлланмада олий таълимнинг бакалавриат босқичи ўзбек тили ва адабиёти йўналишида аruz илмини фан сифатида ўқитиш масаласига илмий-услубий асосда ёндашилган. Китобдан ўрин олган маъruzаларда арузниң илмий асослари юзасидан назарий маълумот, фикр-мулоҳаза, таҳлиллар режа ва таянч тушунчалар асосида баён этилган, ҳар бир мавзу бўйича назорат саволлари берилган. Уларда арузшуносликка оид мавжуд манба ва қўлланмалар, шунингдек, муаллифнинг шахсий тадқиқ ва тажрибаларига суянилган. Шунингдек, қўлланмада аruz амалиёти билан даҳлдор масалалар ҳам қамраб олинган бўлиб, унда талабаларга тақтесъ тузишни ўргатиш юзасидан услубий тавсиялар берилган, мактаб ва академик лицейларда ўрганиладиган мумтоз асарларнинг вазн кўрсаткичлари тақдим этилган.

## I. АРУЗ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

### 1-мавзу: Кириш. Арузшунослик тарихи.

*Режса:*

1. “Аруз илми” фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Жаҳон шеърий тизимлари ва аruz.
3. Арузшунослик тарихи.

**Таянч тушунчалар:** Вазн, мавзунлик, гоявий ният ва вазн мувофиқлиги, квантитатив (метрик), силлабик, квалитатив шеър тузилиши, тилнинг фонологик хусусияти, туркий аruz, арузшуносликка оид рисолалар.

Табиат ва жамият ҳодисаларига хос бўлган шакл ва мазмун бирлиги санъатнинг ҳам энг муҳим категорияларидандир. Бадиий асарнинг баркамоллиги ундаги юксак ғоянинг етук шаклда тақдим этилиши билан боғлиқдир. Вазн эса шеърий асарнинг муҳим шаклий жиҳатидир. Зоро, у шеър ритмидан ҳосил бўлувчи мусиқийликни юзага келтирувчи асосий унсурдир. Вазн шеърий нутқни ўлчайди, унинг муайян тартиб асосида яратилишини назорат қиласди. Шеър маълум ўлчов асосида ёзилгани учун ҳам ўзига хос оҳанг қасб этади, шунга кўра у орқали ифодаланган фикр ўқувчига настрий путқقا нисбатан кучлироқ эмоционал таъсир кўрсатади, завку шавқ пайдо қиласди. Мумтоз шеършуносликда назм айнан мавзунлик хусусиятига, яъни ўлчовга эга эканлиги билан насрдан устун қўйилган. Навоий ўзининг бадиий сўз кудрати ҳақидаги адабий-истетик қарашларини ифодалар экан, бу масала хусусида шундай дейди:

*Варду шажар шоҳид эрур боз аро,  
Лекин ўтун силкидадур тоз аро.  
Мунда паришонлиги ноҳуши қилиб,  
Анда мураттаблиги дилкаш қилиб...  
Бўлмаса эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.*

Навоий назмни боғда, насрни эса тоғда унган ўсимликларга қиёслар экан, гулў дарахтларнинг боғда тартиб билан саф тортгани сабабли дилкашлигини, худди шу гулу дарахтлар тоғда бетартиб

ўсганида қадр топмай ўтин қимматига тент бўлишини таъкидлайди. Шоир назмнинг қудратига юксак баҳо бериб, уни илоҳий мўъжиза деб баҳолайди.

Шеърдаги мазмун ва унинг бадиий ифодаси нечоғлик юксак бўлмасин, агар вазн талабларига эътиборсизлик қилинган бўлса, асарнинг ҳиссий таъсирига путур етади. Шу сабабли мазмунни шаклга қурбон қилувчи шоирлар билан бир қаторда вазнни бузиш орқали мазмун таъсирини қирқиб қўйишга имкон туғдирадиган қаламкашлар қораланганд. XIV асрда шоир Сайфи Саройи томонидан айтилган мисраларда айни ҳақиқат ўз ифодасини топган:

*Кими маъни қўйиб, лафzin тузотур,  
Кими вазнин бузиб, санъат кузтур.*

Араб шеъриятида пайдо бўлган аruz тизимининг туркий шеъриятга кириб келиши ёзма адабиёт тараққиётининг илк босқичларига тўғри келди. Шу сабабли туркий назм аruz билан биргаликда юксалиб, сайқал топди, ўзининг олий мақомига кўтарилди. Мумтоз шеърият намуналари асосан мазкур ўлчовда яратилганлиги сабабли ҳам “Классик шеър ўлчови” тушунчаси остида аruz назарда тутилади. Мумтоз шеърнинг эстетик моҳиятини англаб этиш унинг оҳанг жозибасини ҳис этиш билан бевосита боғлиқдир. Шеърда акс этган ҳис-туйғуларга шерик бўлиш, ижодкорнинг руҳий оламига кириб бориш шоирга илҳом авжида қўйилиб келган мисралар мусиқасини ифодали ўқиши жараёнида муаллиф дили ва тилида жаранглагани каби янграта олишни тақозо этади. Мумтоз шеъриятда ғоявий ният билан вазн мувофиқлиги масаласига алоҳида эътибор билан қаралган, кўпинча, асарнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб вазн танланган. Масалан, шоҳлар ҳақидаги асарлар мутақориби мусаммани маҳзуф (мақсур) вазнида ёзилиб, мазкур вазн хукмдорлар шахсига хос бўлган улугворлик, подшоҳлик ҳаётининг ажралмас қисми бўлган жанг жадалларга монанд жанговар оҳангга эга. Ҳазажи мусаммани солим (мусаббағ) вазнида яратилган ғазалларда аксар ҳолларда панд-насиҳат руҳи, ахлоқий мазмун ёки лирик қаҳрамонининг чуқур ички изтироби тасвири етакчилик қилган. Сабаби, ушбу ўлчовдан дилга яқин, бироқ мушоҳадага йўлловчи вазмин оҳанг ҳосил бўлади. Мазкур асарларни ўз вазнида ўқимаслик шоир назарда тутган ғоявий ниятга ҳамоҳангликка путур етказади.

Аruz илми фанининг тадқиқ обьекти бир неча асрлик тарих ва бой анъаналарга эга ўзбек мумтоз шеърияти намуналариdir. Фанининг мақсади арузнинг назарий асосларини пухта эгаллаган ҳолда мумтоз шеърий асарни ифодали ўқиши орқали унинг нафосатини тўлиқ туйиш ва эшитувчига етказа олишга ўргатишдан иборатdir. Бу мақсадга эришиш назарий ва амалий арузга хос қуидаги масалаларни ўрганишни вазифа сифатида белгилаб беради:

- Жаҳон шеърий тизимлари ва аruz
- Аruz илмининг шаклланиш ва тараққиёт жараёни
- Арузшунослик тарихи
- Арузнинг шеърий тизим сифатидаги хусусиятлари
- Арузнинг назарий асослари
- Туркий арузнинг ўзига хос жиҳатлари
- Ўзбек мумтоз шоирларининг вазн қўллаш маҳорати

Сир эмаски, бутунги кун адабий таълимида аruz вазнини ўргатиш савияси талаб даражасида эмас. Бу ҳолнинг ўз сабаблари бор. Биринчидан, аruz назарий жиҳатдан нисбатан мураккаб тизим бўлиб, уни тўлиқ ўрганиш учун ранг-баранг тузилишга эга бўлган баҳрларни, уларни юзага келтирувчи кўплаб руқнларнинг номи, сони, сифат таркиби, ҳосил бўлиш усусларини ёд олиш зарур. Иккинчидан, арузни мукаммал эгаллаш ўрганувчидан мумтоз лексика таркибини ўз ва ўзлашган қатлам нуктаи назаридан яхши билишни, прабий, форсий ва туркий сўзларни фарқлай олишни, уларнинг праб ёзувидаги ифодасидан хабардорликни талаб этади. Учинчидан, арузнинг турли ўлчовларида ёзилган асарларни ўз оҳангидаги ўқий билиш муайян даражада мусиқани эслаб қолиш салоҳиятини ҳам талаб этади. Тўртинчидан, шўролар даврида мафкуравий сабибларга кўра адабий меросимиз намуналарини ўрганишга, анъана ша қадриятлар тарғибиға етарли эътибор қаратилмагани туфайли аruz илмий доиралардагина тадқиқ этилди, амалий арузшунослик микстаби бўлган навоийхонлик, машраб-хонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик анъаналари завол топиб борди. Аruz баҳрларининг тушилишини китобда акс эттириш мумкин, лекин шу асосда ҳосил бўлувчи ўзига хос оҳангни факат ўқиб эшиттириш мумкин. Арузни мустакил равишда илмий адабиётлардан ўрганишнинг қийинлиги шу билан изоҳланади.

- Аruz илмини пухта ўзлаштириш бир қатор амалий афзалликларига ҳам эга:

• Шеърни ўз вазни оҳанги билан ёд олиш анча қулай. Чунки арунинг ҳар бир баҳри ўз мусиқасига эга. Қўшиқнинг оддий матнга нисбатан осон эслаб қолиниши каби ўз оҳанги билан ёдланган шеър тез хотирага ўрнашади ва ундан кўтарилимайди.

• Шеърни ўз вазнида ўқиш матбаа хатоларини бартараф этиш имконини берадики, бу каби камчиликлар мумтоз асарлар нашрида тез-тез учраб туради. Агар матнда сўз эмас, ҳаттоқи бирор ҳарф қўшилиб ёки тушиб қолган бўлса-да, бу оҳангнинг бузилишига олиб келади.

• Арунни яхши билган ўқувчида эски ўзбек ёзувидағи шеърий асарларни тўғри табдил этиш имкони кенгаяди. Чунки араб ёзувида бир хил асосга эга сўз бўгиннинг сони ва сифати нуқтаи назаридан турлича ўқилиши мумкин. Мос тушадиган сўзни танлашга вазн талаби билан ёндашиш тўғри ўқиш имконини беради

• Шеърий парча вазнини тўғри аниқлаш орқали унинг манбайнини аниқлаш мумкин. Масалан, маълум бир мисолнинг Навоийнинг айнан қайси достонидан олинганини билиш учун унинг вазнини аниқлаш кифоя. Натижа қуйидагича бўлиши мумкин. Агар байт сареъи мусаддаси матвийи макшуф (мавқуф)да бўлса, “Ҳайратул-аббор”, ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур)да бўлса, “Фарҳод ва Ширин”, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (мақсур)да бўлса, “Лайли ва Мажнун”, ҳафиғи мусаддаси маҳбуни маҳзуф (маҳбуни мақсур) ёки мақтуъ (мақтуъи мусаббағ)да бўлса, “Сабъаи сайёр”, мутақориби мусаммани маҳзуф (мақсур)да бўлса, “Сади Исқандарий”, рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)да бўлса, “Лисонут-тайр” достонига мансуб бўлади.

Ўзбек шеърияти истеъмолидаги асосий шеърий тизимлар бармоқ ва аруздир. Арунинг шеърий тизим сифатидаги табиатини, унинг бармоқ вазни билан муштарак ва фарқли жиҳатларини тушуниб этиш жаҳон назмиятида қўлланадиган шеър тузилишлари, уларнинг тасниф асосларидан умумий тарзда бўлса-да, хабардорликни тақозо этади. Шеърий тизимлар анъанавий равишда қуйидаги типларга ажратилади:

I. квантитатив (метрик)

II. силлабик

III. квалитатив:

1) тоник

2) силлабо-тоник

#### IV. мелодик

Шеър тизимларларини юқорида кўрсатилган турларга ажратишда бўғиннинг микдори ва қисқа-чўзиқлиги, ургунинг ўрни ва сони, овознинг паст-баландлиги каби омиллар эътиборга олинган.

Квантитатив (немисча “микдор” сўзидан) ёки метрик (юонча “ўлчов” сўзидан) деб аталадиган шеър тузилиши бўғинлар талаф-фузи учун кетадиган вақт микдорига кўра тенгликка асосланган. Бунинг учун муайян чўзиқ-қисқаликдаги бўғинлар қаторлараро бир хил тартибда такрорланиши лозим. Мазкур шеър тизими асосан унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги маъно фарқлаш хусусиятига эга тиллар учун хосдир. Араб тили шундай тиллар сирасига кириб, унинг заминида шаклланган аruz тузилишига кўра квантитатив тизим ҳисобланади. Қадимги юонон, ҳинд, фин шеър тузилишлари ҳам ушбу тизимга мансубдир.

Силлабик (юонча: “силлабе” – “бўғин” сўзидан) шеър тузилишида мисрани ташкил этувчи бўғинларнинг сони тенг бўлиши лозим. У ургунинг ўрни барқарор бўлган тиллар учун характерлидир. Ургу сўзнинг охирги бўғинида келадиган туркий тилларга хос бармоқ вазни ҳам шу тизимга киради.

Квалитатив (лотинча “сифат”, “урғули” сўзидан) шеър тузилишининг икки хил тури мавжуд бўлиб, улар ургули бўғинларнинг тенглигига асосланади. Тоник (юонча “тонос” – “урғу” сўзидан) шеър тузилишида ҳар бир қатордаги ургули бўғинларнинг микдор жиҳатидан тенглиги асосий талаб ҳисобланади, улар орасидаги ургусиз бўғинлар сони ҳар хил бўлиши мумкин. Квалитатив тизимнинг яна бир кўриниши бўлган силлабо-тоник шеър тузилишида ҳам ургули, ҳам ургусиз бўғинларнинг кетма-кетлик тартиби мисралараро мувофиқ бўлиши лозим. Ҳозирги рус шеър тизими силлабо-тоник характерга эга.

Мелодик шеър тузилишида мисралардаги бўғинларни ташкил этувчи унлилар овознинг паст-баландлигига кўра қатъий тартибда жойлашган бўлиши керак. Қадимги Хитой шеърияти намуналари мазкур тизим асосида яратилган.

Арузнинг бешиги араб шеъриятидир. У таъкидланганидек, араб тилининг фонологик хусусиятлари заминида шаклланган. Шеър-шунос олим ва мусиқашунос Халил ибн Аҳмад (VIII аср) араб шеъриятини чуқур ўрганиш асносида унинг шеър тузилишини қатъий тизимга солиб, назарий асосларини ишлаб чиқди ва тарихда

арузнинг асосчиси сифатида ном қолдирди. Арузнинг форс-тожик (IX аср) ва туркий шеъриятига татбики (IX-X асрлар) Ўрта Осиёга ислом маданиятининг кириб келиши билан боғлиқдир. Маълумки, бунга қадар туркий шеъриятнинг асосий ўлчови бармоқ вазни эди. Кўпгина таникли олимларнинг фикрига кўра аruzга хос айрим унсурлар туркий шеъриятда аruz кириб келгунига қадар ҳам мавжуд бўлган. Исломгача бўлган туркий шеъриятда арузий унсурларнинг қай даражада ўрин олгани илмда баҳсларга сабаб бўлган. Айрим олимлар ана шундай шеър намуналари ўрин олган “Девону луғотит-турк” асарида аruz мавжуд деган фикрда бўлсалар (И.Стеблева, X.Османов), баъзилар буни инкор этганлар (М.Бакиров). Аruz ва бармоқ тизимлари ўртасидаги энг муҳим муштарақлик ҳар иккаласида ҳам мисраларни ташкил этувчи бўғинлар сонининг тенглиги бўлиб, бу арузнинг туркий шеъриятда мустаҳкам ўрнашиши ва ўзига хос йўсинда тараққий этишига замин яратди. Арузшунос олим А.Хожиаҳмедов ҳақли равишда кўрсатганидек, маҳаллий шоирларнинг ўз асарларини энди адабий анъанага кўра араб тилида яратса бошлаганликлари арузни амалда синаш, бу жараёнда унинг қатор вазнларини ўз ижодларида қўллашларига олиб келди.<sup>1</sup>

Халил ибн Аҳмаднинг “Китобу-л-аруз” асаридан кейин Ўрта осиёлик олимлар томонидан арузнинг назарий масалаларига бағишиланган кўплаб рисолалар яратилди. Ўрта Осиёлик қомусий олимлардан Абу Наср Форобий “Китобу-ш-шеър”, Абу Али ибн Сино “Фанну-ш-шеър”, “Рисола фи-л-аруз” каби асарларида ўзларининг назмнинг маърифий-эстетик таъсири ҳақидаги қарашларини унинг вазн хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда баён этишган. Бу фикрларнинг амалий ифодаси сифатида Ибн Синонинг ўз тиббий достонларини арузнинг ражаз баҳрида яратиб, уларга уржузалар деб ном берганлигини ёдга олиш ўринли. Ватандошимиз Махмуд Замахшарий ҳам аruzга бағишиланган рисола яратиб, уни “Аruz ўлчовлари” деб атаган.

Юсуф Нишобурийнинг (X) “Аruz”, Шамс Қайс Розийнинг (XIII) “Ал-мўъжам фи маъйири ашъори-л-ажам”, Наср Тусийнинг (XIV) “Меъру-л-ашъор”, А.Жомийнинг (XV) “Аruz”, Дарвеш Мансурнинг (XV) “Аruz ҳақида рисола”, Сайфийнинг (XV) “Арузи Сайфий”, Воҳид Табризийнинг (XVI) “Жамъи мухтасар”, Муҳаммад Ғиёсуддин Ромпурийнинг “Ғиёсул-луғот” (1827) каби

<sup>1</sup> Хожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. Тошкент: Фан, 2006. Б.10

рисолалари аruzга багишиланган махсус асарлар бўлса, баъзиларида аruz хусусида Шарқ мумтоз шеър илмининг таркибий қисми сифатида сўз юритилади.

Арузшунослик масалаларини қамраб олган илк туркий рисолалардан бири Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға”си (1437) бўлиб, унда бадиият илми, шу жумладан, аruz ҳақида баҳс юритилади. Алишер Навоийнинг “Мезону-л-авzon” рисоласи аruz назариясини туркий оғзаки ва ёзма материаллар асосида талқин этгани ва бойитгани билан арузшунослик тараққиётига қўшилган бебаҳо улуш бўлди. Мазкур йўналиш аruzнинг забардаст амалиётчиси ва назариётчиси бўлган Заҳирiddин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”да ўзига хос услугда янада кенгайтирилди. Рисолада аruzнинг туркий шеъриятда қўллаш мумкин бўлган 537 та ўлчови қўрсатилиб, уларга мисоллар берилган, шулардан 400га яқини муаллифнинг ихтироси ҳисобланади. Бу ҳол Бобурнинг туркий тилнинг арузий имкониятларини илмий асосда далиллаш йўлидаги заҳматли меҳнати ва юксак хизматлари натижасидир. Зокиржон Фурқатнинг ҳам аruz илмига оид муҳтасар рисола яратгани ҳақида маълумотлар бор.<sup>1</sup>

XX аср бошларида аruzга бўлган муносабат зиддият ва илмий баҳсларга сабаб бўлди. Жумладан, Абдураҳмон Саъдий аruzни туркий тилнинг фонологик хусусиятларига номувофиқ, янада аниқроқ айтганда, унлиларнинг вазн талаби билан чўзиқ ёки қисқа айтилиши тилнинг бузилишига олиб келади, шунга кўра аruz ўзбек шеърияти учун яроқсиз деб билди. Фитратнинг “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида ” асарларида аruz масалаларига оид бир қатор диққатга молик фикрлар билдирилган. Олимнинг аruzни анъанага кўра мутахаррик ва сокин ҳарфлар асосида эмас, бўгин усулида туркумлар бўйича тушунтиришга ҳаракат қилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Айни шу усул бугунги кунда ҳам араб ёзувидан яхши хабардор бўлмаган ўқувчи учун аruzни ўрганиш имконини очади. Арузни миллий заминда соддалаштирилган кўринишда талқин ўтиш кейинроқ олим А.Рустамовнинг фаолиятида ҳам кўзга ташлашади. Аруз хусусидаги баҳслар олим ва шоирлар даврасида 80-йилларга қадар давом этди. А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, И.Султон шисърнинг вазн билан боғлиқ бадиий қиммати унинг бармоқ ёки

<sup>1</sup> Ҳожиахмедов А. Ўзбек арузи луғати. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бони таҳририяти, 1998. Б. 15

арузда ёзилгани билан эмас, шоирнинг маҳорати билан белгиланишини, арузни инкор этиш Юсуф Хос Ҳожибдан бошлиб Навоий, Фурқат, Муқимийларнинг безавоӣ ва ўлмас асарларини ўз ичига қамраб олган мумтоз шеъриятимизни инкор этиш эканлигини ҳақли равишда таъкидладилар. Шўролар давридаёқ арузшунослик соҳасида бир қатор жиддий тадқиқотлар юзага келдики, бу ҳол арузни назарий асосда ўрганиш адабиётшуносликнинг муҳим заруратларидан бўлганлигини кўрсатади. Бу борада А.М.Шчербак, И.Стеблева каби рус олимларининг тадқиқотлари билан бир қаторда, арузнинг туркий тилга мансуб миљий шеъриятга татбиқи ва ўзига хослиги масаласи озарбайжон (А.Жаъфар), тожик (Б.Сирус, Т.Зеҳний), уйғур (М.Ҳамроев), татар шеърияти (Х.Османов) мисолида чуқур ўрганилди. Мазкур масалада ўзбек олимлари ҳам жиддий изланишлар олиб бордилар. У.Тўйчиевнинг “Ўзбек поэзиясида аруз системаси” монографияси ўзбек арузи тарихи ва тараққиёти тадқиқига оид йирик илмий асардир. Арузга бўлган қизиқишни кенг ўқувчилар доирасида оммалаштиришга хизмат қилган бир қатор асарлар муаллифи Анвар Ҳожиаҳмедовдир. Олимнинг “Мактабда аруз вазнини ўрганиш”, “Мумтоз бадиият малоҳати”, “Ўзбек арузи лугати” каби китоблари арузни нафақат илмий, балки амалий асосда ўзлаштиришга қаратилгани билан қадрга лойикдир. А.Ҳожиаҳмедов тадқиқотларининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, уларда мумтоз ижодкорларнинг тажрибасидан ўтиб сайқал топган, туркий тилнинг ўзига хос жарангি ва латофатини жо қилган вазнларга асосий эътибор қаратилган.

Арузни ўрганувчилар учун амалий қимматга эга бўлган манбалардан бири илк марта С.Мирзаевнинг “Навоий арузи” номли номзодлик диссертациясида (1948) берилган, кейинроқ Ҳ.Сулаймонов томонидан 1959-1960 йилларда нашрга тайёрланган “Хазойину-л-маоний” девонларига илова қилинган Навоий шеърларининг вазнлари жадвалидир. Сўнгти йилларда А.Ҳожиаҳмедов “Хазойину-л-маоний” шеърларини матлаъига кўра эмас, тўлиқ матни асосида янгитдан аниқлаб чиқди. У С.Мирзаев томонидан йўл қўйилган айrim хатоликларни тузатди, “Хазойину-л-маоний” билан биргаликда “Девони Фоний”, “Назму-л-жавоҳир”, “Арбаин” асарларидаги шеърлар вазнининг ҳам кўрсаткичини тузиб, “Навоий арузи нафосати” (2006) номли китобига илова сифатида нашр эттирди.

Ўзбек арузшунослиги ривожида И.Султоннинг “Адабиёт назарияси” дарслигига аруз шеърий тизими юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалари, беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг II жилдидаги “Мезону-л-авзон” мақоласи, олим томонидан тайёрланган “Мезону-л-авзон”нинг илмий-танқидий матни, шунингдек, А.Рустамовнинг “Аруз ҳақида сұхбатлар”, “Навоийнинг бадиий маҳорати”, С.Ҳасановнинг “Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари” каби асарлари алоҳида ўринга эга.

### **Назорат саволлари:**

1. *Мумтоз шеър илми анъанавий равишда неча таркибий қисмга бўлинади?*
2. *Вазнга таъриф беринг.*
3. *Жаҳон назмиятига хос қандай шеър тузилишиларини биласиз?*
4. *Аруз қайси шеър тузилишига мансуб?*
5. *Туркий тилда арузда яратилган илк иирик асар қайси?*
6. *Ўзбек арузшунослигига оид қандай асарларни биласиз?*

### **2-мавзу: Аруз шеърий тизим сифатида**

#### **Режса:**

1. *«Аруз» атамаси ҳақида.*
2. *Аруз ва бармоқ вазнларининг қиёсий таҳлили.*
3. *Арузга хос асосий тушунчалар.*

**Таянч тушунчалар:** ритм, туроқ, туркум, бўғиннинг сифати, мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар, ҳижсолар таснифи, сабаб, ватад, фосила, солим ва музоҳаф рукнлар, садр, аруз, ибтидо, зарб, ҳашв.

“Аруз” атамасининг лугавий маъноси ҳақида турлича қарашлар мавжуд. “Аруз” сўзининг қай йўсинда истилоҳга кириб келиши хусусида “Жамъи мухтасар” асарининг муаллифи Ваҳид Табризий қўйидагича фикр билдирилган: “Сўзлашув тилида чодир уйни тутиб туриши учун унинг ўртасига қўйиладиган ёғочни “аруз” дейдилар. Арузийлар (яъни аруз билимдонлари) байтдаги биринчи мисранинг охирги рукнини аруз деб атайдилар. Чодир уйни шу ёғоч ушлаб турганидек байт ҳам шу рукинга таянади (яъни байтнинг ҳар иккала

мисрасини шу руқн бирлаштириб туради. – З.Д.). Зоро, бу руқн ўқилганда ушбу шеърниң қандай вазн асосида яратилғанлиги, унинг түғри ёки нотұғрилиги аёп бўлади.”<sup>1</sup>

Алишер Навоий “Мезону-л-авzon”да маълумот беришча, аруз асосчиси бўлган Халил ибн Аҳмад яшаган жой яқинида Арузномли водий бўлиб, араблар унда ўзларининг чодирга ўхшаш “байт” деб аталган уйларини тайёрлаб, баҳосини тайин этгандар. Шунга кўра шеър байтларини текшириб, уларнинг мавзун ёки номавзун (ўлчовли ёки ўлчовсиз) эканлигини ва бу орқали қимматини аниклаш воситаси бўлган фан ҳам аруз деб аталган. Навоий назм илмининг “рутбаси бағоят бийик рутба” эканлигини айтиб, унинг ўлчови бўлган арузга “шариф фан” деб баҳо беради. Фикрининг асоси сифатида Куръони каримнинг айрим оятлари, ҳадиси шарифнинг баъзи намуналари аруз қоидаларига мувофиқ эканлигини айтиб, улардан мисол келтириб, вазнини кўрсатган.

Халил ибн Аҳмад аруз илмига алоқадор асосий атамаларни араблар уйига нисбатан истеъмолга киритган. Чунончи, икки шеърий мисрани байт деб атаган. Чодирга ўхшаш уйни руқн – устунлар кўтариб турган. Шундан келиб чиқиб шеърий байтнинг бўлаклари ҳам руқн деб номланган. Руқнни ташкил этувчи қисмлардан сабаб “арқон”, ватад “қозик”, фосила “кигиз” маъноларини билдиради. Кўриниб турибдики, уларнинг барчаси чодир ясаш учун зарурий ашёлар номидир.

Аруз бармоқ вазни билан ёндош равиша туркий шеъриятда яшаб, тараққий этган экан, унинг ўзига хос жиҳатларини айнан бармоқ тизимиға нисбатан қиёсан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бармоқ вазнида шеърниң ўлчови мисраларни ташкил этувчи бўғинлар миқдори ва уларнинг маълум бўлакларга гуруҳланишидаги тенгликка асосланади. Мазкур тенгликнинг мисралараро такоридан ўзига хос ритм юзага келади. Ритм – бир хилликнинг муайян тартибдаги изчил такоридан ҳосил бўлувчи оҳангдир. Шеър ритми вазн унсурларидан ташқари, такрорланиш хусусиятига эга қофия, радиф, банд, айрим бадиий тасвир воситалари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бармоқ ўлчовида ёзилган шеърнинг вазн билан боғлиқ ритми, таъкидланганидек, мисралардаги бўғинлар сонининг бир хилдаги такоридан ва уларнинг талаффу-

<sup>1</sup> Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1998, Б. 9.

Чида бир хил ўринларда, яъни туроқларда тўхтам қилишдан ҳосил бўлишини мисол орқали кўриб ўтайлик:

4	5
Деразамдан / тушган тола нур	9
4	5
Сомон йўли / каби товланур.	9
4	5
Ҳайратки, шу / тола нур аро	9
4	5
Минг-минг зарра / кезар овора.	9
4	5
Ҳар бир зарра / балки бир дунё,	9
4	5
Эҳтимол, бир / ўзга сайёра.	9

(Э.Воҳидов)

Кўринадики, юқоридаги шеърнинг ҳар бир мисраси 9 бўғиндан ташкил топган. Бўғинлар сонини бармоқ билан санаб, уларнинг барча мисраларда тенглигини аниқлаб кўрилгани учун ҳам бу ўлчовга бармоқ вазни номи берилган. Ҳар бир мисрада аввал 4 бўғиндан, кейин 5 бўғиндан кейин тўхтам қилиб, туриш ўрни борки, у “туроқ” (яъни “туриладиган жой”) деб аталади. Демак, *туроқ – мисралардаги бўғинларнинг гуруҳларга бўлиншидан ҳосил бўлган ритмик бўлак*. Мисрадаги бўғинлар сонига кўра муайян туркум ҳосил бўлади. Мисолга олинган шеър 9 лик туркумда яратилган. Туркум дейилишига сабаб шуки, унинг турли кўринишларида мисрадаги бўғинлар сони тенг бўлса-да, улар ҳар хил туроқланиши мумкин. Масалан, юқоридаги шеър  $4+5=9$  типида турокланган. 9 лик туркум  $5+4=9$  ёки  $3+3+3=9$  кўринишига ҳам эга бўлиши мумкин. Туроқланишдаги ўзгаришга қараб ўзига хос оҳангига кўра бир-биридан фарқланувчи вазн тармоқлари юзага келади. Шу ўринда ўқувчида савол туғилиши мумкин: мисранинг туроқланиши, яъни қайси ўрнида тўхтам қилиш нимага асосланади? Бунда иккى жиҳатга эътибор қаратмоқ керак:

1. Туроқлана~~диган~~ бўлаклар ўзаро бўғин сони жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиши лозим.
2. Туроқ шеърнинг охирига қадар сўзни бўлиб қўймаслиги керак.

Бармоқ тизимида ҳар мисрадаги бўғинлар сонининг қатъий тенглигига асосланган вазилар содда вази, мисралардаги бўғинлар миқдори икки хил бўлган вазилар кўшма вазилар саналади:

4	4
Улугвор бир / қудрат билан	8
4	3
Чайқалади / чўнг денгиз.	7
4	4
Канча оғир / харсанг тошлар	8
4	3
Тубда унга / чўккан тиз.	7

(А.Орипов)

Кўшма вазиларда шеърнинг ритми икки хилликнинг ўзаро алмашиниб, муттасил равишда тартибли такрорланишидан ҳосил бўлади.

Хулоса қиласидаган бўлсак, бармоқ вазнининг шеърий тизим сифатидаги хусусиятлари куйидагилар:

1. Ҳар бир мисрада бўғинлар сонининг тенг бўлиши;
2. Бўғинларнинг маълум бўлакларга гурухланишида мисралар-аро бир хиллик;
3. Баъзан мисралардаги бўғинлар сонининг икки хил бўлиб, уларнинг навбатма-навбат тартиб билан такрорланиши.

Энди аруддаги шеърнинг вазн билан боғлиқ ритмик хусусиятлари нималарга асосланишини кўриб чиқамиз. Бунда бармоқка ҳос жиҳатлар унда мавжуд ёки мавжуд эмаслигига эътибор қаратамиз.

Мисол:

*Оразин ёпқоч, кўзимдин сочишур ҳар лаҳза ёши, 15  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгоч қуёши. 15*

Байтнинг ҳар бир мисраси 15 бўғиндан иборат. Бу ҳол ғазалнинг охирига қадар давом этади. Демак, бармоқ вазнига ҳос мисралардаги бўғинлар сонининг тенглиги арузда ҳам мавжуд.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Арузда ўта чўзиқ бўғин бир чўзиқ ва бир қисқа бўғинга тенг ҳисобланади. Ёзувда ўта чўзиқ бўғинли мисралар бошқаларидан бўғин миқдорига кўра фарқланса-да, талаффузга кўра тенг саналади. Айрим ўлчовларнинг маълум жойида икки қисқа бўғин ўрнида бир чўзиқ бўғин келиши мумкин. Шундай холларда ҳам шеърда квантитатив тузилиш учун ҳос хусусият – мисралар талаффузи учун кетадиган вакт миқдорининг бир хиллиги сакланиб қолади.

Мазкур байт қуидагича рукиларга бўлинади:

4                  4                  4                  3

Оразин ёп / қоч, кўзимдин / сочилур ҳар / лаҳза ёш,

4                  4                  4                  3

Бўйлаким пай / до бўлур юл / дуз ниҳон бўл / ғоч қуёш.

Кўринадики, бармоқ вазнидаги каби арузда ҳам мисралар маълум бўлакларга бўлинади. Бўғинларнинг гурухланиши бармоқда туроқни, арузда рукини вужудга келтиради. Уларнинг ўзаро фарқи шундаки, туроқ сўзни бўлиб қўймайди, руки эса сўзни ажратиб юбориши ҳам мумкин. Шунингдек, арузда айрим ҳолларда руки тугагандан кейин тўхтам қилиш талаб этилмайди.

*Арузга хос бўлган, бармоқда эътиборга олинмайдиган жиҳат бу – бўғинларнинг сифатидир.* Бу тушунча остида муайян чўзиқ-қисқаликдаги бўғинларнинг барча мисраларда бир хил кетма-кетликда такрорланиши назарда тутилади. Бўғинлар чўзиқ-қисқалиги қуидагича белгиланади: V қисқа бўғин, – чўзиқ бўғин, ~ ўта чўзиқ бўғин.

О-ра-зин ёп / қоч, кў-зим-дин/со-чи-лур ҳар / лаҳ-за ёш,

– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Бўй-ла-ким пай/до бў-лур юл /дуз ни-ҳон бўл/ ғоч қу-ёш.

– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Аруз ва бармоқ вазнларининг ўзаро умумий ва фарқли асосий жиҳатларини қуидаги жадвалда яққол кўриш мумкин.

#### Вазн ритмини юзага келтирувчи омиллар

Вазнлар	Мисралардаги бўғинлар миқдорининг тенглиги	Мисралараро бир хил бўлакларга бўлиниш	Мисралардаги бўғинлар сифатининг тенглиги
Аруз вазни	+	+	+
Бармоқ вазни	+	+	–

Арузда бўғин сифати билан боғлиқ қўшимча омил мавжудлиги учун ҳам у бармоққа нисбатан мусиқага яқинроқ туради. Бинобарин, мусиқа паст-баланд ноталарнинг муайян комбинациясига асослангани каби арузниң ҳар бир вазн қўринишида бўғинларнинг чўзиқ-қисқалиги маълум тартибда келади. Шунга кўра, айнан ушбу вазн қўринишига хос бетакрор оҳанг ҳосил бўлади. Аруз сабоқларини яхши ўзлаштириш билан биргалиқда мусиқани эслаб қолиш қобилиятига эга киши шеър вазнини унинг ўқилиш оҳангидан ҳам аниқлаши мумкин.

Анъанавий арузшунослиқдаги энг кичик вазн яратувчи бирлик ҳарфdir. У иккига бўлинади:

1. Мутаҳарриқ ҳарф.

2. Сокин ҳарф

Араб тилида қисқа унлилар ўзидан олдинги ундош усти ёки остига қўйиладиган тегишли белгилар – ҳаракатлар орқали ифодалangan, бундай ундошлар эса мутаҳарриқ, яъни ҳаракатли, давом этувчи ҳарфлар саналган. Ҳаракатлар қуйидаги қисқа унлиларни ифодалаган:

Фатҳа ( - ) а

Касра ( - ) и

Замма ( - ) у

Ўзидан кейин унли келмайдиган ундош устига сукн (‘) белгиси қўйилиб, у “сокин”, яъни тўхтаган, давом этмайдиган ҳарф ҳисобланган. Масалан, **ମଦାଦ** сўзи икки мутаҳарриқ *ma, da* ҳарфлари ҳамда бир сокин д ҳарфидан иборат. Араб ёзувда чўзиқ унлилар ҳаракатлар ва сукн белгиси остида қўлланадиган *алиф* (‘), *вов* (‘), *йо* (‘) ҳарфлари билан берилган:

‘ – алиф сукнили, ундан олдинги ҳарф фатҳали бўлса, чўзиқ о ни;  
‘ – вов сукнили, ундан олдинги ҳарф заммали бўлса, чўзиқ у ни;  
‘ – йо сукнили, ундан олдинги ҳарф касрали бўлса, чўзиқ и ни

билдирган. Бундай ҳолларда ‘, ‘, ‘ ларнинг ҳаммаси сукнили бўлгани учун сокин ҳарфлар саналган.<sup>1</sup> Масалан, **ମୋ** сўзи битта мутаҳарриқ иккита сокин ҳарфдан иборат.

<sup>1</sup> Мазкур ҳарфларга ёзувда белги қўйилмаса ҳам сукни бор деб саналган.


Хозирги ёзув (лотин ёки кирилл) асосида арузни ўрганишда ҳарф эмас, ҳижо (бўғин) усулинни қўллаш мақсадга мувофиқ. Унга кўра ҳижолар куйидагича тасниф этилади:

- I. Қисқа ҳижолар.
- II. Чўзиқ ҳижолар: 1) очик чўзиқ ҳижо; 2) ёпиқ чўзиқ ҳижо;
- III. Ўта чўзиқ ҳижолар: 1) содда ўта чўзиқ ҳижо; 2) қўш ундошли ўта чўзиқ ҳижо;

**Қисқа ҳижо** – қисқа талаффуз этиладиган унлидан иборат ёки шундай унли билан тугаган очик бўғин.

**Чўзиқ ҳижо** – чўзиқ талаффуз этиладиган унлидан иборат ёки шундай унли билан тугаган очик бўғин ҳамда таркибида қисқа унлиси бор ёпиқ бўғин.

**Ўта чўзиқ ҳижо** – таркибида чўзиқ талаффуз этиладиган унлиси бор ёпиқ бўғин ёки охири қўш ундош билан тугаган бўғин. Ўта чўзиқ ҳижо мисра охиридан бошқа ўринларда бир чўзиқ ва қисқа бўғинга teng ҳисобланади.




Арузда мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг турли тартибда бири-кувидан жузвлар деб аталадиган бўлаклар вужудга келади, улар эса муайян йўсинда бирлашиб руқнларни ҳосил қиласди. Жузв арабча

*“бүлак”* маъносини билдиради. Унинг уч хил тури мавжуд: сабаб, ватад, фосила. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида иккита қўринишга эга:

1. Сабаб: 1) сабаби хафиф (енгил сабаб)  
2) сабаби сақийл (оғир сабаб)
2. Ватад: 1) ватади мажмұъ (қўшилган ватад)  
2) ватади мафруқ (ажратилган ватад)
3. Фосила: 1) фосилаи суғро (кичик фосила)  
2) фосилаи кубро (кatta фосила)

Анъанавий арузшуносликда жуввлар таркиби ҳарфлар воситасида белгиланган. Масалан, сабаби хафиф битта мутаҳаррик ва битта сокин ҳарфдан иборат деб кўрсатилган: **с** (cap), **м** (май) каби сўзлар бунга мисол бўлади.

Жуввлар таркибини ҳам ҳижолар орқали кўрсатиш анча қулай:



Демак, жуввлар қуидаги таркибга эга:

Сабаби хафиф – битта чўзиқ ҳижо.

Сабаби сақийл – иккита қисқа ҳижо.

Ватади мажмұъ – қисқа ва чўзиқ ҳижо.

Ватади мафруқ – чўзиқ ва қисқа ҳижо.

Фосилаи суғро – иккита қисқа ва битта чўзиқ ҳижо.

Фосилаи кубро – учта қисқа ва битта чўзиқ ҳижо.

Навоий “Мезонул-авзон” рисоласида жузв турларини тартиби билан ёдда олиб қолишга қаратилган «Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим» деган мисрани келтирган:

Ул —	кўзи V V	қаро V —	дарду — V	ғамидин V V —	чидамадим V V V —
сабаби хафиф	сабаби сақиyll	ватади мажмуть	ватади мафрук	фосилаи сүгро	фосилаи кубро

Баъзи арузшунослар, жумладан, Бобур жузвлардан ҳар бирининг яна бир турини ажратиб қўрсатишиган:

1. Сабаби мутавассит (ўрта сабаб) бир ўта чўзиқ бўғиндан иборат:

қайд, нур

~ ~

2. Ватади касрат (кент ватад) бир қисқа ва бир ўта чўзиқ бўғиндан иборат:

нишон, кўарт

V ~ V ~

3. фосилаи узмо (узун фосила) тўрт қисқа ва бир чўзиқ бўғиндан иборат:

кораламадим

V V V V —

Бўғин амалда бўлмаган даврларда арузшунослиқда жузвларнинг вазифаси руқн таркибини қўрсатишдан иборат бўлган. Масалан, мафойлун руқни битта ватади мажмуть ва иккита сабаби хафифдан ташкил топган деб қаралган:

Мафо/ий/лун

V — / — / —

Хозирда руқн таркибини тўғридан-тўғри ҳижога бўлиб ўрганиш мумкин: мафойлун руқни битта қисқа ва учта чўзиқ бўғиндан иборат. Қадимда вазнни аниқлашда

ҳарф → жузв → руқн → байт

тамойилига амал қилинган бўлса, эндиликда бу кетма-кетлик қўйидаги кўринишга эга:

ҳижо → руқн → байт

Жузвнинг амалий аҳамияти тўлиқ сақлаимаган бўлса-да, у ҳақида аруз тарихига оид тушунча сифатида тасаввурга эга бўлмоқ керак.

Таъкидланганидек, ҳижолар биркувидан рукилар (арабча кўплиги “аркон”) юзага келади. У эса ўз навбатида байтни ҳосил қиласди. Демак, руки мисрадаги ҳижсоларнинг гурӯжланиб келишидан ҳосил бўлган ритмик бўлакдир. Арузда мисрани бўлакларга ажратиш учун уларга таркиб жиҳатидан мос келадиган қолип рукилардан фойдаланилади. Арабча “фаъала” (“харакат қиммоқ”) сўзи асосида ҳосил бўладиган бу рукилар “афоийлу тафоийл” ёки асллар, аслий рукилар деб юритилади. Улар 8 та бўлиб, тубандагилардир<sup>1</sup>:

1. фаувлун

V - -

2. фоилун

→ - V -

3. мафоийлун

V - - -

4. фоилотун

- V - -

5. мустафъилун

- - V -

6. мутафоилун

V V - V -

7. мафоилатун

V - V V -

8. мафъувлоту

- - - V

Хумосий

Субоий

Аслий рукилар уларни ташкил этувчи ҳарфлар микдорига кўра иккига бўлинади:

1. Хумосий (“хамса” сўзидан олинган бўлиб, беш ҳарфли аслларни билдиради. Булар фаувлун ва фоилун аслий рукилари)

2. Субоий (“сабъа” сўзидан олинган бўлиб, етти ҳарфли аслларни билдиради. Булар қолган б та аслий рукилар).

Бу рукиларнинг аслий дейилиштига сабаб шуки, уларнинг ҳар бири зихофлар – ўзгаришларга учраб, ўзидан тармоқ рукиларни

<sup>1</sup> Рукилар ҳозирги ёзувда берилганда а, у ҳарфлари кисқа унлиларни, о ҳарфи чўзик унлини ифодалайди, ъ билан тутаган бўғинлар ёпиқ бўғин ҳисобланади.

ҳосил қиласи. Шундан келиб чиқсан ҳолда рукилар икки хил бўлади:

1. Солим (“бутун”, “саломат” маъносини билдириб, юқоридаги 8 аслий рукининг ҳаммаси солим ҳисобланади.)

2. Музоҳаф (“ўзгарган” маъносини билдириб, аслий рукиларнинг зихоф – ўзгаришга учрашидан ҳосил бўлган рукилар.)

Рукилар байтнинг қайси ўрнида келишига қараб алоҳида номлар билан аталади:

Садр – биринчи мисранинг бош руки.

Аруз – биринчи мисранинг охирги руки.

Ибтидо – иккинчи мисранинг бош руки.

Зарб (ажуз) – иккинчи мисранинг охирги руки.

Ҳашв – ўртадаги руки ёки рукилар.

Рукилар сонига қараб байт мураббаъ, мусаддас ёки мусамман бўлиши мумкин:

Садр / аruz  
Ибтидо / зарб

Мураббаъ(тўртлик)

Садр / ҳашв / аruz  
Ибтидо / ҳашв / зарб

Мусаддас (олтилик)

Садр / ҳашв / ҳашв / аruz  
Ибтидо / ҳашв / ҳашв / зарб

Мусамман (саккизлик)

Агар байтда рукилар саккизтадан кўп бўлса, сони аниқ кўрсатилиб, улар мутатаввал (“узун, чўзиқ”) байтлар саналади. Масалан, 16 рукили мутақориби аслам: Рукиларга уларнинг байтдаги ўрнига кўра маҳсус ном бериш вазнни аниқ кўрсатиш имконини беради.

#### *Назорат саволлари:*

1. “Аруз” атамасининг лугавий маъноси ҳақида қандай қарашилар мавжуд?
2. Туроқ деб нимага айтилади?
3. Туркум нима?
4. Арузга ҳос бўлган, бармоқда эътиборга олинмайдиган жиҳат қайси?
5. Анъанавий арузуносликдаги энг кичик вазн яратувчи бирлик қайси?

6. Ҳижсонинг қандай турлари бор?
7. Жузвлар қандай кўринишларга эга?
8. Аслий рукиларни сананг.

### 3-мавзу: Зихоф ва фуруъ. Баҳрлар.

*Режса:*

1. Зихоф ва фуруъ.
2. Баҳр ҳақида маълумот.
3. Баҳрларнинг турлари ва таркиби.

**Таянч тушунчалар:** зихоф, фуруъ, баҳр, муттафиқул-аркон ва мухталифул-аркон, баҳрларнинг туркӣ шеъриятда қўлланиси даражаси.

Аслий руки устида бажариладиган ўзгартириши амали зихоф (арабча “ўзгариш”), уни қўллаш натижасида ҳосил бўлган рукилар фуруъ (арабча “тармоқлар”, бирлиги “фаръ”) деб аталади. Мисол учун мафоийлун асли “тасбиф” (“тўлдириш”) зихофига учраганда охирги “лун” чўзиқ ҳижоси ўта чўзиқ “лон” ҳижосига айлантирилади:

Асл	зихоф	фуруъ
Мафоийлун	→ тасбиф	→ мафоийлон
v - - -	v - - -	v - - ~

Ёки мафоийлун асли “ҳазф” (“ташлаш”) зихофига учраганда охирги “лун” ҳижоси ташлаб юборилади, колган “мафоий” эса унга вазн жиҳатидан teng “фаувлун” га алмаштирилади:

Асл	зихоф	фуруъ
Мафоийлун	→ ҳазф → мафоий	→ фаувлун
v - - -	v - -	v - -

Арузга оид манбаларда зихофлар сони турлича кўрсатилади. Жумладан, Шамс Қайс Розий ва Воҳид Табризий 35та, Бобур 44 та, Мухаммад Ғиёсиддин Ромпурий 47 та зихоф ҳақида маълумот берганлар. Айрим адабиётларда уларнинг 50 дан ортиқлиги айтилади. Биз туркӣ шеъриятда қўлланадиган зихоф кўринишлари ҳақида тўхтаб ўтамиз. Аввал зихофларнинг турлари ва улар орқали бажариладиган ўзгариш мазмунини умумий тарзда изоҳлаймиз. Сўнг туркӣ шеърият истеъмолида бўлган аслий рукиларга тегишли

зихофларни ва улар асосида ҳосил бўлувчи вазиларни кўрсатиб ўтамиш.

Зихофлар улар орқали кўзда тутиладиган ўзгариш моҳиятига кўра учга бўлинади:

1. Аслни ҳижо сони жиҳатидан ўзгарирадиган зихофлар.
2. Аслни ҳижо сифати жиҳатидан ўзгарирадиган зихофлар
3. Аслни ҳижо сони ва сифати жиҳатидан ўзгарирадиган зихофлар.

### Аслни ҳижо сони жиҳатидан ўзгарирадиган зихофлар

Зихоф номи	Зихоф моҳияти	Зихофлурғавий маъноси	Қайси асл устида бажарилади	Ҳосил бўлган фуруъ	Фуруъ номи	Фуруънинг лугавий маъноси
Харм	1-кисқа ҳижо туширилади	Бурунни кесиш	Мафойилун v - - -	Мафъувлун - - -	Ахрам	Бурни кесилган
Тингъис	2-кисқа ҳижо туширилади	Сочиш	Фоилотун - v - -	Мафъувлун - - -	Мушаъас	Сочилган
Салм	1-кисқа ҳижо туширилади	Бузиш	Фаувлун v - -	Фаълун - -	Аслам	Бузилган
Жабб	3-,4-чўзиқ ҳижолар туширилади	Бичиш	Мафойилун v - - -	Фаул v -	Ажабб (мажбуб)	Бичилган
Батр	1-қиска, 3-, 4-чўзиқ ҳижолар туширилади (жабб+харм)	Думини кесиш	Мафойилун v - - -	Фаъ -	Абтар	Думи кесилган
Ҳазоф	Охирги ҳижо туширилади	Ташлаш	Мафойилун v - - - Фоилотун - v - - Фаувлун v - -	Фаувлун v - - Фоилун - v - Фаул v -	Маҳзуф	Ташланган

**Аслни ҳижо сифати жиҳатидан ўзгарирадиган зиҳофлар**

№	Зиҳоф Номи	Зиҳоф мөхияти	Зиҳофнинг лугавий маъноси	Қайси асл устида бажарилади	Ҳосил бўлган фурӯъ	Фурӯъ номи	Фурӯъ - лугавий маъноси
1	Хабн	1-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади	Этакни қисқартири б тикиш	Фоилотун - v - Мустафъилун - - v - Фоилун - v -	Фаилотун v v - Мафоилун v - v - Фаилун v v -	махбун	Этаги қисқартириб тикилган
2	Тайй	2-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади	Йиғиш	Мустафъилун - - v -	Муфтаилун - v v -	Матвий	Йиғилган
3	Қабз	3-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади	Қисиш	Мафоийлун v - - - Фаувлун v - -	Мафоилун v - v - Фаувлу v - v	Мақбуз	Қисилган
4	Кафф	Охирги чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади	Боглаш	Мафоийлун v - - - Фоилотун - v - -	Мафоийлу v - - v Фоилоту - v - v	Макфуф	Боғланган
5	Шакл	1- ва охирги чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилди (хабн+кафф)	Тушовлаш	Фоилотун - v - -	Фаилоту v v - v	Машкул	Тушовланган
6	Тасбиг	Охирги ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Тўлдириш	Мафоийлун v - - - Фоилотун - v - - Фаувлун v - -	Мафоийлон v - - ~ Фоилотон - v - ~ Фаувлон v - ~	Мусаббағ	Тўлдирилган
7	Изола	Охирги ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Этакни узайтириш	мустафъилун - - v -	мустафъилон - - v ~	Музол	Этаги узайтирилган

Аслни ҳижо сони ва сифати жиҳатидан ўзгартирадиган зиҳофлар

№	Зиҳоф номи	Зиҳоф моҳияти	Зиҳоф нинг луғавий маъноси	Қайси асл устида бажарилади	Ҳосил бўйган фурӯъ	Фурӯъ номи	Фурӯъ нинг луғавий маъноси
1	Шатар	1-қисқа ҳижо туширилади ва 3-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади (харм+қабз)	Айбли килиш	Мафоийлун v - - -	Фоилун - v -	Алттар	Айбли килингандан
2	Сарам	1-қисқа ҳижо туширилади ва 3-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади (салм+қабз)	Олдинги тишини синдириш	Фаувлун v - -	Фаълу - - v	Асрар	Олдинги тиши синдирилган
3	Харб	1-қисқа ҳижо туширилади ва охирги чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади(харм+кафф)	Хароб килиш	Мафоийлун v - - -	Мафъувлудан - - v	Ахраб	Хароб килингандан
4	Ҳатм	Охирги 2 та чўзиқ ҳижо туширилади ва улардан олдингиси ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади (ҳазф+каср)	Тишини илдизидан синдириш	Мафоийлун v - - -	Фаувл v ~	Аҳтам	Тиши илдизидан синдирилган
5	Залал	Охирги 2 та чўзиқ ҳижо туширилади ва улардан олдингиси ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади ва 1-қисқа ҳижо туширилади (ҳатм+харм)	Соннинг гўштсиз бўлиб қолишни	Мафоийлун v - - -	Фоъ ~	Азалл	Сони гўштсиз бўлиб қолган
6	Қатъ	3-, 4-чўзиқ ҳижолар туширилади ва 2-қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога айлантирилади	Кесиш	Фоилотун - v - -	Фаълун - -	Мактуб	Кесилган

7	Қаср	Охирги чўзиқ ҳижо туширилади ва ундан олдинги ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Қисқа килиш	Мафойлун v - - - Фоилотун - v - - Фаувлун v - -	Мафойл v - ~ Фоилон - v ~ Фаувл v ~	Максур	Қисқа килинган
8	Хабн, ҳазф	1-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади ва охирги ҳижо туширилади	Этакни қисқартириб тикиш; ташлаш	Фоилотун - v - -	Фаилун v v -	Махбуни маҳзуф	Этаги қисқартириб тикилган, ташланган
9	Хабн, қаср	1-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади ва охирги чўзиқ ҳижо туширилиб, ундан олдинги ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Этакни қисқартириб тикиш; қисқа килиш	Фоилотун - v - -	Фаилон v v ~		Этаги қисқартириб тикилган, қисқа килинган
10	Тайй, қашф	Охирги қисқа ҳижони тушириб, 2-чўзиқ ҳижони қисқа ҳижога айлантирилади	Йигиш, Очиш	Мафъувлоту - - - v	Фоилун - v -	Матвийи макшуф	Йигилган, очилган
11	Тайй, вакф	Охирги қисқа ҳижони тушириб, ундан олдингисини ўта чўзиқ ҳижога ва 2-чўзиқ ҳижони қисқа ҳижога айлантирилади	Йигиш, тўхтатиш	Мафъувлоту - - - v	Фоилон - v ~	Матвийи мавқуф	Йигилган, тўхтатилган
	Хабн, изола	1-чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади ва охирги ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Этакни қисқартириб тикиш; этакни узайтириш	мустафъилун - - v -	Мафоilon v - v ~	Махбуни музол	Этаги қисқартириб тикилган, узайтирилган
12	Қатъ, тасбиф	3-, 4-чўзиқ ҳижолар туширилиб, 2-қисқа ҳижо аввал чўзиқ, кейин ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Кесиш; этакни узайтириш	Фоилотун - v - -	Фаълон - ~	Мактуви мусаббаг	Кесилган, тўлдирилган

Аслий руқнлар асосида маълум бир ном билан аталувчи баҳрлар юзага келтиради. *Баҳр* (арабча “дөңгиз”, кўплиги “буҳур”) – бир асосда ҳосил бўлувчи вазнлар турқумидир. Халил ибн Аҳмад асос солиган арузда 15 та баҳр бўлган, кейинроқ унга яна бир мутадорик деб аталган баҳрни қўшганлар. Форсий аруз олимлари ўз шеъриятирига хос қариб, ғариб (жадид), мушокил номли баҳрларни ижод қилиб, баҳрларнинг сонини 19 тага етказганлар. Улар қуидагилар:

- |                    |                        |
|--------------------|------------------------|
| 1. Ҳазаж баҳри     | 11. Сареъ баҳри        |
| 2. Рамал баҳри     | 12. Мунсаҳеҳ баҳри     |
| 3. Ражаз баҳри     | 13. Муқтазаб баҳри     |
| 4. Мутақориб баҳри | 14. Басит баҳри        |
| 5. Мутадорик баҳри | 15. Мадид баҳри        |
| 6. Комил баҳри     | 16. Тавил баҳри        |
| 7. Воғир баҳри     | 17. Қариб баҳри        |
| 8. Музореъ баҳри   | 18. Ғариб(жадид) баҳри |
| 9. Мужтасс баҳри   | 19. Мушокил баҳри      |
| 10. Ҳафиф баҳри    |                        |

Бобур “Мухтасар”да ариз ва амиқ баҳрларини “ғайри машҳур” – кенг тарқалмаган баҳрлар сифатида зикр этиб, баҳрларнинг умумий сонини 21 та деб кўрсатган.

Баҳрлар тузилишига кўра икки хил бўлади:

- 1) Бир аслий руқн асосидаги баҳрлар (муттафиқул-аркон)
- 2) Икки аслий руқн асосидаги баҳрлар (мухталифул-аркон)

Саккиз аслий руқндан еттитаси (мағъувлотудан ташқари) бир аслий руқн асосидаги (муттафиқул-аркон) баҳрларни ҳосил қиласди:

1. мафоийлун → ҳазаж баҳри
2. фоилотун → рамал баҳри
3. мустафъилун → ражаз баҳри
4. фаувлун → мутақориб баҳри
5. фоилун → мутадорик баҳри
6. мутафоилун → комил баҳри
7. мафоилатун → воғир баҳри

Мазкур етти аслий руқннинг ҳар бири уч йўсинда бир номдаги баҳрни юзага келтириши мумкин:

1. Асл кўринишида: аслий руқннинг айнан такрорланишидан ҳосил бўлган вазнлар солим вазнлар (“саломат”, “ўзгаришга учра-

маган” маъносида) дейилади. Демак, бир асл асосидаги етти баҳрнинг ҳаммаси ўзининг солим кўринишига эга. Мисол:

мафойилун/ мафойилун/ мафойилун/ мафойилун

v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

ҳазажи мусаммани солим

2. Фуруъ кўринишида: вазни ҳосил қилишда аслнинг ўзи эмас, унинг зиҳофларга учраб ўзгаришидан юзага келган тармоқ руқнлар – фуруълари иштирок этади. Мисол:

1            2            3

мафъувлу/ мафоилун/ фаувлун

- - v / v - v - / v - -

ҳазажи мусаддаси ахраби(1) мақбузи(2) маҳзуф(3)

3. Асл ва фуруъ кўринишида: вазни ҳосил қилишда асл руқн ўз фуруъси билан биргаликда иштирок этади.

Мисол:

мафойилун/ мафойилун/ фаувлун

v - - - / v - - - / v - -

солим        солим        маҳзуф

ҳазажи мусаддаси маҳзуф

Саккиз асллар орасида фақат мафъувлоту рукнигина мустақил равишда юкорида кўрсатилган уч кўринишида вазн ҳосил қила олмайди. Унинг фуруълари бошқа асл фуруълари билан бириккан ҳолда маълум баҳрларни ташкил этишда иштирок этади.

Икки аслий руқн асосидаги (мухталифул-аркон) баҳрлар 12 та. Улардан 8 таси биттадан олинган икки асл асосида ҳосил бўлади:

1. мафойилун + фоилотун      → музореъ баҳри
2. мустафъилун + фоилотун      → мужтасс баҳри
3. фоилотун + мустафъилун      → хафиҳ баҳри
4. мустафъилун + мафъувлоту      → мунсаҳеҳ баҳри
5. мафъувлоту + мустафъилун      → муқтазаб баҳри
6. мустафъилун + фоилун      → басит баҳри
7. фоилотун + фоилун      → мадид баҳри
8. фаувлун + мафойилун      → тавил баҳри

Қолган 4 баҳр эса иккита бир хил ва битта бошқа хил аслий руқн асосида юзага келади:

1. мустафъилун+мустафъилун+мафъувлоту      → сареъ баҳри
2. мафойилун+мафойилун + фоилотун      → қариб баҳри

3. фоилотун + фоилотун + мафоийлун → мушокил баҳри

4. фоилотун + фоилотун + мустафъилун → ғарип баҳри

Күйидаги жадвалларда 19 баҳрнинг тўзилишига кўра тури, угавий маъноси, қўлланиш доираси акс этган.

### *Туркий шеъриятда қўлланган баҳрлар*

Баҳр номи	Луғавий маъноси	Қайси аслий руҳн асосида ҳосил бўлиши	Туркий шеъриятда қўлланиш даражаси	Тузилиши га кўра тури
Ҳазиж	ёқимли овоз қилиш	мафоийлун v - - -	фаол қўлланади	Бир аслий руҳн асосидаги баҳрлар
Рамал	туюнинг югуриши	фоилотун - v - -	фаол қўлланади	
Рижаз	тезлик, изтироб	мустафъилун - - v -	қўлланади	
Мутакориб	бир-бирига яқинлашувчи	фаувлун v - -	қўлланади	
Мутадорик	бир-бирига уланувучи	фоилун - v -	кам қўлланади	Икки аслий руҳн асосидаги баҳрлар
Комил	камолга етган	мутафойлун v v - v -	кам қўлланади	
Музорсь	Ўхшаш	мафоийлун + фоилотун v - - - - v -	қўлланади	
Мужтасс	томиридан узилган	мустафъилун + фоилотун - - v - - - v -	қўлланади	
Хифиф	Енгил	фоилотун + мустафъилун - v - - - - v -	қўлланади	
Сарсъ	Тез	мустафъилун + мустафъилун + мафъувлоту - - v - - - v - - - v	қўлланади	
Мунисарех	Осон	мустафъилун + мафъувлоту - - v - - - - v	кам қўлланади	
Тивил	Узун	фаувлун + мафоийлун v - - v - - -	жуда кам қўлланади	

## Туркий шеъриятда қўлланмаган баҳрлар<sup>1</sup>

№	Баҳр номи	Лугавий маъноси	Қайси аслий руҳн асосида ҳосил бўлиши	Қўлланиш доираси	Тузилиши кўра тури
1	Воғир	Мўл	мағоилатун v - v v -	араб шеъриятига ҳос	Бир аслий руҳн асосидаги баҳр
2	Муқтазаб	Кесиб олинган	мағъувлоту + мустафъилун - - - v - - v -		
3	Басит	Ёйик	мустафъилун + фойлун - - v - - v -	араб шеъриятига ҳос	Икки аслий руҳн асосидаги баҳрлар
4	Мадид	Чўзиқ	фоилотун + фоилун - v - - - v -		
5	Кариб	Яқин	мағоийлун+мағоийлун+фоилотун v - - - v - - v -		
6	Ғариб (жадид)	Ғаройиб (янги)	фоилотун+фоилотун+мустафъилун - v - - v - - - v -	форс-тожик шеъриятига ҳос	
7	Мушокил	Ҳамшакл	фоилотун + фоилотун+мағоийлун - v - - v - - v - -		

### *Назорат саволлари:*

1. Зиҳоф ва фуруъга таъриф беринг.
2. Зиҳофларни қандай турларга бўлиши мумкин?
3. Ҳалил ибн Аҳмад асос солган аruzda нечта баҳр бўлган?
4. Баҳрлар тузилишига кўра неча хил бўлади?
5. Форсий аruz олимлари ижод қилган баҳрлар қайслар?
6. Баҳрларни санаб беринг.

### 4-мавзу: Арузий истилоҳлар

#### Режса:

1. Тақтөъ. Васл ҳодисаси.
2. Имола ва сакта.
3. Таслим, тазниб, тағиyr.

**Таянч тушиунчалар:** тақтөъ, васл, имола, сакта, таслим, тазниб, тағиyr.

Баҳрларнинг ҳосил бўлишини ўрганиш жараёнида уларнинг турли вазн қўринишларига шеърий мисолларни келтириш арузга

<sup>1</sup> Навоийнинг “Мезону-л-авzon” ва Бобурнинг “Аруз рисоласи”да мазкур баҳрларнинг турли қўринишларига туркий байтлар мисол сифатида келтирилган бўлса-да, улар ғазал ёки бошқа лирик жанрдаги шеърдан олинмаган. Бу байтларнинг аксарияти муаллифларнинг ушбу ўлчовнинг вазн имкониятини кўрсатиш мақсадидаги ижодидир.

хос айрим тушунча ва ҳодисаларни тушуниб олишни тақозо этади.  
Шу сабабли уларга изоҳ бериб ўтамиз:

1. **Тақтеъ**<sup>1</sup> (лугавий маъноси: “кесиш”) – байтни рукиларга бў-  
лиши асосида унинг вазнини аниқлаш усули. Бунинг учун ҳижоларниг чўзиқ-қисқалиги аниқланиб, уларниг муайян солим ёки  
тармоқ рукига мос келишига кўра мисралар рукиларга ажратилади.  
Бу рукиларниг қайси аслга тегишли эканлиги текширилиб, баҳри  
тонилади. Буни мисолда кўриб ўтамиз. Вазни аниқланиши лозим  
бўлган байтни ҳижоларга бўлиб, уларниг чўзиқ-қисқалигини бел-  
гилаб чиқилади:<sup>2</sup>

Ё Рабки, не маҳлиқо бўлурму?  
Не чехра дағи сафо бўлурму? (Лутфий)

Ё раб-ки, не маҳ-ли-қо бў-лур-му?

- - v v - v - v -

Не чех-ра да-ғи са-фо бў-лур-му?

- - v v - v - v -

Ҳижолари юқоридаги чўзиқ-қисқалик тартибида жойлашган  
мисрани қуйидагича рукиларга бўлинади:

Ё Rab-ki, /не маҳ-ли-қ o/ бў-лур-му?

- - v / v - v - / v -

Не чех-ра /да-ғи са-фо /бў-лур-му?

- - v / v - v - / v -

мафъ-ув-лу/ ма-фо-и-лун/ фа-ув-лун

- - v / v - v - / v -

ахраб мақбуз маҳзуф

Байтда б 6 та руки мавжуд, шунга кўра у мусаддас байт. Бу рукилар мафоийлун аслининг тармоқларидан ташкил топган: садр ва  
ибтидода мафъувлу(номи ахраб), ҳашвда мафоилун (номи мақбуз),  
шруз ва зарб ўрнида фаувлун (номи маҳзуф) фуруълари келган. Ма-  
фоийлун асли асосида ҳосил бўладиган баҳр эса ҳазаж баҳридир.  
Демак, мазкур байт ҳазажда ёзилган. Вазниниг тўлиқ номи ҳазажи  
мусаддаси садр ва ибтидо ахраб, ҳашв мақбуз, аruz ва зарб маҳ-  
зуф. Унинг қисқача ифодаси эса ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи  
маҳзуф. Вазнда аслий рукининг солим кўриниши қатнашса, ўлчов-  
шунг қисқа номида у, одатда, зикр этилмайди<sup>3</sup>. Мисол:

<sup>1</sup> Тақтеъ Гарб адабиётшунослигига “парадигма” деб аталади.

<sup>2</sup> Ҳижолар чўзиқ-қисқалини аниқлаш усулини кўлланманинг “Тақтеъ тузиш бўйича услубий  
инсониялар” қисмида батафсил баён этилган.

<sup>3</sup> Аслий рукининг солим кўриниши ўрнида тармоқ руки келиши мумкин бўлган вазн-  
шунг қисқа номида “солим” сўзи исплатилиши мумкин. У мазкур ўлчовни вариантдошидан

*Жамолин васфини қылдым чаманда,  
Қизорди гул уёттін анжуманда. (Атоій)*

Жа-мо-лин вас/ фи-ни қил- дим / ча-ман-да,  
v - - - / v - - - / v - -  
Ки-зор-ди гул / у-ёт-тин ан / жу-ман-да  
v - - - / v - - - / v - -  
ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун / фа-ув-лун  
v - - - / v - - - / v - -

Вазнинг түлиқ номи ҳазажи мусаддаси садр, ибтидо, ҳашв солим, аruz ва зарб маҳзуф. Қисқа номи ҳазажи мусаддаси маҳзуф.

**2. Васл** (яна бир номи идғом, луғавий маъноси: “қўшиш”) – сўз охиридаги ундошнинг вазн талаби билан ўзидан кейинги сўзни бошловчи унлига қўшилиб кетиш ҳодисаси. Мисол:

*Хазон яфроги янглиг гул юзунг ҳажрида саргардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим. (Бобур)*

Ха-зон яф-ро /ти янг-лиғ гул / ю-зунг ҳаж-ри/да сар-ғар-дим,  
v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Кў-руб раҳ-м+ ай/ла-ғил, эй ло /ла-рух, бу чеҳ /ра-и зар-дим.  
V - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Байт ҳазажи мусаммани солим (мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун) вазнига тушиши учун алоҳида олганда ўта чўзиқ бўғинга тенг бўлган “раҳм”(-v) сўзи охиридаги *m* ундоши кейинги сўз бошидаги *a* унлисига қўшиб “май” деб талаффуз қилинади. Чунки бу ўринда вазн тақозосига кўра “кўруб раҳ-м ай” (v - - v -) эмас, “кўруб раҳ май” (v - - -)га тенг келувчи руҳн талаб этилмоқда. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, васл фақат сўз охиридаги ёпиқ бўғин (ёпиқ чўзиқ ҳижко ёки ўта чўзиқ ҳижко) ва ундан кейинги сўз бошидаги унли ўртасида юз бериб, васлга учраган ўта чўзиқ ҳижко чўзиқ ҳижога, ёпиқ чўзиқ ҳижко эса қисқа ҳижога айланади.

**3. Имола** (луғавий маъноси: “бир нарсани бошқасига мослаштириш”) – вазн талаби билан бўғинни чўзиб талаффуз этиш. Имола икки хил бўлади:

- 1) имолаи мақбул (“ёқимли”, “қабул қилинган”)
- 2) имолаи мақдұх (“ёқимсиз”, “қабул қилинмаган”)

---

ажратиб кўрсатиб туради. Масалан: рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф (-v - - / v v - - / v v -), рамали мусаддаси махбуни маҳзуф (v v - - / v v - - / v v -).

Мақбул имолада ўта чўзиқ бўғинларнинг охирги ундошига тиллафуздагина ифодаланадиган қисқа и товуши қўшиб айтилади:

*Ёрдин ҳижрон чекар ушишоқи зор, эй дўстлар,  
Неча тортай ҳажр чун йўқ манда ёр, эй дўстлар. (Навоий)*

Ё-р(и)-дин хиж / рон чекар уш / шо-қи зор,+ эй / дўс-т(и)лар,  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
Не-ча тор-тай / ҳажр(и) чун йўқ / ман-да ёр,+ эй/ дўс-т(и)лар.  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
фо и-ло-тун /фо- и-ло- тун / фо- и-ло- тун / фо- и- лун

Байтдаги “ёр”, “дўст”, “ҳажр” сўзлари ўта чўзиқ ҳижога тенг бўлиб, улар мақбул имола билан ўқилади. Мақдуҳ имолада бўғин ўрама-зўраки, сохталик билан чўзиладики, бу қулоққа нохуш ўчилилади. Машрабнинг

*Меҳнату дардимни сўрмай, гунчадек оғзинг очиб,  
Элга ишрат боги ичра гули хандон сенмусан?*

Бийтида “гули” сўзининг биринчи бўғини чўзиқ ҳижо ўрнида кўл-шингани мақдуҳ имолани юзага келтирган:

Меҳ-на-ту дар / дим-ни сўр-май,/ ғун-ча-дек оғ / зинг о-чиб,  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
Эл-га иш-рат / бо-ғи ич-ра / гу-ли хан-дон / сен-му-сан?  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
фо и-ло-тун /фо- и-ло- тун / фо- и-ло- тун / фо- и- лун

4. Сакта (луғавий маъноси: “тўхташ”) – мисрадаги товушнинг шизи талабидан ортиқ ёки кам келиши. Мисол:

*Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат кўйида,  
Манга ҳам доре қурилгонда етар бу қисматим. (Машраб)*

Не-ча Ман-су / р+ ўл-ди ир-шод /манд му-ҳаб-бат / кў-йи-да,  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
Ман-га ҳам до/ре қу-рил-гон / да е-тар бу / қис-ма-тим.  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
фо и-ло-тун /фо- и-ло- тун / фо- и-ло- тун / фо- и- лун

Биринчи мисранинг 2-рукнида манð ўта чўзиқ ҳижоси чўзиқ ҳижко ўрнида қўллангани сабабли унинг охиридаги д товуши вазн талабидан ортиқча ҳисобланади. Кўпинча араб ёзувидаги матнни нотўғри ўқиши, котиб ёки матбаа хатоси туфайли сакталик юзага келади. Сактанинг қулоққа оғир ботмайдиган, вазнга жиддий пурт етказмайдиган кўринишни сактаи малеҳ (чиройли сакта) дейилади.

**5. Таслим** (лугавий маъноси: “бузиш”) – вазн тақозосига мувофиқ сўз таркибидаги ҳарф ёки ҳарфларни тушириб қолдириш. Масалан, *су(сув)*, *ари (ариз)*, *инчка (ингичка)*, *кўрнадур(кўринадур)* каби. Мисол:

*Ул иликким, сувдин оригдур, юмас они суда,  
Балки сувни пок бўлсун деб илик бирла ююр. (Атоий)*

Ул и-лик-ким, / сув-дин+ о-риг /дур, ю(в)мас о /ни су(в)да,  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
Бал-ки сув-ни / по-к бўл-сун / деб и-лик бир / ла ю-юр.  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -

**6. Тазниб** (лугавий маъноси: “дум ясаш”) – вазнга мослаш учун ҳарф ортириш. Масалан, *айт (айт)*, *шаккар (шакар)*, *юруса (юрса) каби*. Мисол:

*Битидим китоби мавоиз масал,  
Ўқиса татур тил емиштек асал. (А.Юғнакий)*

Би-ти-дим / ки-то-би / ма-во-из / ма-сал,  
v - - / v - - / v - - / v -  
Ў-қи-са /та-тур тил / е-миш-тек / а-сал.  
v - - / v - - / v - - / v -  
фа-ув-лун / фа-ув-лун / фа-ув-лун / фа-ул

Мутақориби мусаммани маҳзуф ўлчовида ёзилган бу байтда вазн талаби билан “битидим” сўзи “битидим” шаклида истифода этилган.

**7. Тағиyr** (лугавий маъноси: “ўзгартириш”) – вазнга мувофиқ лаштириш учун сўздаги ҳарфлар ўрнини алмаштириш. Дилситон (дилистон), фишон (афшон), сарфароз (сарафроз) каби. Мисол:

*Салму Манучехр ила Навзар қани?  
Баҳману Дорову Сикандар қани?  
(А.Навоий. “Ҳайрату-л-аброр”)*

Сал-му Ма-ну / чех-р+и - ла Нав /зар қа-ни?

- v v - / - v v - / - v -

Баҳ-ма-ну До / ро - ву Си-кан / дар қа-ни?

- v v - / - v v - / - v -

муф-та-и-лун /муф-та-и-лун / фо-и-лун

Байтда “Искандар” сўзи “Сикандар” шаклида қўллангани учун унинг 1-бўғини чўзиқ хижодан қисқа ҳижога айланган. Тағийр исосан форсий лексика учун хосдир.

### Назорат саволлари:

1. Тақтөъ сўзи қандай лугавий маъно билдиради?
2. Васл ҳодисасига мисол айтинг.
3. Сакта қачон юзага келади?
4. Тағийр нима?
5. Таслим қандай ҳодиса?
6. Тазнибнинг лугавий ва истилоҳ маъноларини тушунтириңг.

### 5-мавзу: Туркий шеъриятнинг асосий баҳрлари. Ҳазаж баҳри.

#### Режса:

1. Мафоийлун аслининг зихоф ва фуруълари.
2. Ҳазажс баҳри вазнлари.
3. Рубоий вазнлари.

**Таянч тушунчалар:** мафоийлуннинг фуруълари; мақбуз, макфуф, ахрам, ахраб, аштар, мусаббаг, мақсур, маҳзуф, ажабб, аҳтам, абтар, азалл; ҳазажс баҳрида ёзилган асарлар, ахраб ва ахрам шақисараси.

Ҳазаж ( лугавий маъноси “ёқимли овоз қилиш”) баҳри мафоийлун асли асосида ҳосил бўлади. Мафоийлун аслининг 12 зихофи бўлиб, улардан қуйидаги фуруълар ҳосил бўлади:

№	Зихофлар	Фуруъ	Номланиши	Қўлланиш ўрни
1.	Қабз	мафоийлун v - v -	мақбуз	Барча руқнларда
2.	Кафф	мафоийлу v - - v	макфуф	ҳашвларда(ўргадаги руқнларда)
3.	Харм	мафъувлун - - -	ахрам	садр,

*yod/a*

4.	Шатар	фоилун - v -	аштар	ибтидо, ҳашвда (охиргидан бошқа барча рукиларда)
5.	Харб	мафъувлу - - v	ахраб	
6.	Тасбиг	мафоийлон v - - ~	мусаббаг	
7.	Қаср	мафоийл v - ~	мақсур	
8.	Ҳазф	фаувлун v - -	махзуф	аруз ва зарбда (охирги рукиларда)
9.	Жабб	фаул v -	ажабб (мажбуб)	
10.	Ҳатм	фаувл v ~	аҳтам	
11.	Батр	фаъ -	абтар	
12.	Залал	фоъ ~	азалл	

Мафоийлун аслининг солим кўриниши ва фуруълари ҳазаж баҳрининг турли ички тармоқларини ҳосил қиласди. Мазкур баҳр мумтоз шеъриятда, жумладан, туркий назмда энг кўп қўлланган баҳрлар сирасига киради. Бобур берган маълумотга кўра, ҳазажнинг 105 та кўриниши мавжуд бўлиб, шулардан 61 таси мустаъмал (истеъмолдаги), 44 таси муҳтараъдир(ихтиро қилинган). Биз унинг туркийзабон ижодкорлар томонидан кўп қўлланган кўринишларига мисол келтирамиз.

I. Туркий шеъриятда ҳазаж баҳрининг мураббаъ шакли амалда деярли қўлланмаган. Навоий “Мезонул-авзон”да ҳазажнинг мураббаъ кўриниши араб шеъриятига хослигини таъкидлаб, унинг биргина ҳазажи мураббаъи солим шаклига мисол келтириш билан кифояланган. Бобурнинг “Мухтасар”ида ҳазажнинг тўрт рукилик кўринишига келтирилган мисолларнинг барчаси унинг ўз қаламига мансуб бўлиб, муҳтараъ вазнлардадир. XX аср ўзбек шеърияти вакилларидан Усмон Носир “Юрак” шеърининг вазн хусусиятларини текширсақ, унинг ҳазажи мураббаъи солим баҳрига мансублиги аниқ бўлади:

*Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр эттинг.*

Ю-рак, сен-сан / ме-нинг со-зим,

v - - - / v - - -

Ти-лим-ни най / га жўр эт-тинг.

v - - - / v - - -

мафоийлун / мафоийлун

Шеър қофияланишига кўра мумтоз жанр талабларига жавоб бермайди. Лекин шунга қарамай, ундаги бўғинлар қисқа-чўзиқлиги тартибининг ёқимли оҳанг ҳосил қилувчи муайян вазнга мувофиқлиги (факат бир ўринда қисқа бўғин ўрнида ёпиқ чўзиқ ҳижо низлатилган) тасодифий дейиш қийин. Усмон Носир мумтоз шеъриягтинг арузий анъаналарини ижодий ўзлаштирган кўринади.

## II. Ҳазаж баҳрининг мусаддаси вазнлари.

1) Ҳазажи мусаддаси маҳзуф

Варианти: ҳазажи мусаддаси мақсур<sup>1</sup>

Юзу қаддинг кўриб, женоно, чаманда,

Асиринг бўлди гул, шамиод бандада. (Фурқат)

Ю-зу қад-динг / кў-риб, жо-но, / ча-ман-да,

v - - - / v - - - / v - -

А-си-ринг бўл / ди гул, шам-шо / д. банда

v - - - / v - - - / v - -

мафоийлун / мафоийлун / фаувлун

солим солим маҳзуф

Ажални дастидин юз доду фарёд,

Ки умрим ҳосилини берди барбод. (Нодира)

А-жал-ни дас / ти-дин юз до / ду фар-ёд,

v - - - / v - - - / v - ~

Ки ум-рим ҳо / си-ли-ни бер / ди бар-бод

v - - - / v - - - / v - ~

мафоийлун / мафоийлун / мафоийл

солим солим мақсур

<sup>1</sup> Бундан кейинги ўринларда вазннинг варианти ёнида қавс ичидаги кўрсатиб борилади.

Ушбу вазн мумтоз шеъриятда кенг тарқалган ўлчовлардан бўлиб, унда яратилган биринчи йирик туркий асар Хоразмийнинг “Мұхаббатнома”сидир. Умуман олганда, форсийда ҳам, туркийда ҳам нома жанридаги асарлар шу вазнда битилган. Форсийзабон шоирлар Авҳадийнинг “Даҳнома”, Хожа Имомиддин Фақиҳ Кирмонийнинг “Мұхаббатномаи соҳибдилон” асарлари, уларнинг туркигүй издоплари. Хўжандийнинг “Латофатнома”, Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”, Сайид Аҳмаднинг “Таашшуқнома” лари ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур)да ёзилган. Шунингдек, бу ўлчовда анъанага қўра “Хамса”ларнинг Хисрав ва Ширин мавзусидаги достонлари, жумладан, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” и яратилган. Мазкур вазн Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” достони, Сайфи Саройининг “Сұҳайл ва Гулдурсун”, Хувайдонинг “Роҳати дил” маснавийлари ҳам вазнидир. Лирик шоирлардан Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий каби устоз ижодкорлар бу ўлчовга қайта-қайта мурожаат этганлар.

## 2) Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф(мақсур)

*Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет. (Нодира)*

Кел, даҳ-р /ни им-ти-ҳон / э-тиб кет,  
- - v / v - v - / v - -  
Сай-ри ча / ма-ни жа-ҳон / э-тиб кет.  
- - v / v - v - / v - -  
мағъувлу/ мағоилун / фаувлун  
ахраб мақбуз маҳзуф

Охирги руқнлар – аruz ва зарбда мағоийлун аслининг мақсур деб номланган мағоийл (v - ~ )тармоғи ҳам келиши мумкин:

*Мақсудга текурмай ул гуландом,  
Ошиқни қилур жаҳонда бадном. (Лутфий)*

Мақ-суд-га / те-кур-май+ ул / гу-лан-дом,  
- - v / v - v - / v - ~  
О-шиқ-ни / қи-лур жа-ҳон / да бад-ном.

- - v / v - v - / v - ~  
 мафъувлу / мафоилун / мафойил

Ушбу вазнда Шарқ шеъриятида Лайли ва Мажнун мавзусидаги достонлар ёзилган. Арузда икки қисқа ҳижонинг бир чўзиқ ҳижоги тенг келиши мумкинлиги қоидасига биноан юқоридаги вазнини ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф (мақсур) варианти ҳам мавжуд бўлиб, у асосан катта ҳажмли лиро-эпик жанр – достонлар таркибида айрим ўринларда келади.

мафъувлу / мафоилун / фаувлун (мафойил)

- - v/v - v - / v - - (v - ~)  
 мафъувлун / фоилун / фаувлун (мафойил)  
 - - - / - v - / v - - (v - ~)  
 ахрам аштар маҳзуф мақсур

Мисол:

Лайли ишқин танимда жсон қил,  
 Лайли шавқин рагимда қон қил.  
 (А.Навоий. “Лайли ва Мажнун”)

Лай-ли иш / қин та-ним / да жон қил,  
 - - - / - v - / v - -  
 Лай-ли шав / қин ра-гим / да қон қил.  
 - - - / - v - / v - -  
 мафъувлун / фоилун / фаувлун

### III. Ҳазаж баҳрининг мусамман вазнлари.

1. Ҳазажи мусаммани солим (мусаббағ) вазни ўзбек мумтоз шеъриятида кенг қўлланган севимли ўлчовлардан бўлиб, унда чукур лирик кечинмалар ҳамда фалсафий-маърифий қарашлар ифодаси бўлган кўплаб ажойиб ғазаллар яратилган.

Ҳазажи мусаммани солим вазнида барча руқнлар мафойилун аслининг солим кўринишидан ташкил топади:

*Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,  
Нечукким марҳамат бўлсун неча мендек дилафгора. (Увайсий)*

За-бо-нинг-ни / ке-тур-гил, эй / ша-кар-лаб, тў /ти гуф-то-ра,  
v - - - / v - - - / v - - - / v - -  
Не-чук-ким мар/ҳа-мат бўл-сун/ не-ча мен-дек / ди-лаф-го-ра  
v - - - / v - - - / v - - - / v - -  
мафоийлун / мафоийлун / мафоийлун / мафоийлун

Бу ўлчовнинг варианти бўлган ҳазажи мусаммани мусаббағ вазнида аruz ва зарбда мафоийлун аслининг мусаббағ деб номланган мафоийлон (*v - - ~*) фуруъси иштирок этади:

*Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл ахлоқидин ҳурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.(Навоий)*

Сен+ ўз хул-қинг/ни туз-гил, бўл/ ма эл ах-ло /қи-дин хур-санد,  
v - - - / v - - - / v - - - / v - - ~  
Ки-ши-га чун / ки-ши фар-зан /ди ҳар-гиз бўл/ма-ди фар-занд.  
v - - - / v - - - / v - - - / v - - ~  
мафоийлун / мафоийлун / мафоийлун / мафоийлон

2. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мақсур). Бу вазнда садр ва ибтидода мафоийлун аслининг ахраб, ҳашвларда макфуф, аruz ва зарбда маҳзуф ёки мақсур тармоқлари келади:

*Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма. (Лутфий)*

Сен-сан се / ва-рим, хо-ҳ / и-нон, хо-ҳ / и-нон-ма,  
- - v / v - - v / v - - v / v - -  
Қон-дур жи / га-рим, хо-ҳ / и-нон, хо ҳ / и-нон-ма.  
- - v / v - - v / v - - v / v - -  
мафъувлу / мафоийлу / мафоийлу /фаувлун  
ахраб макфуф макфуф маҳзуф

*Ул сарвки бордур ани мавзун қади озод,  
Машшота учун шона чекар зулфига шамиод (Нодира)*

Ул сар-в / ки бор-дур а / ни мав-зун қа / ди о-зод,  
 - - v / v - - v / v - - v / v - ~  
 Маш-шо-та/ у-чун шо-на / че-кар зул-фи / га шам-шод  
 - - v / v - - v / v - - v / v - ~  
 мафъувлу / мафоийлу / мафоийлу /мафоийл  
 ахраб макфуф макфуф мақсур

3. Ҳазажи мусаммани ахраби солим (мусаббағ). Бу вазн “бир руқи ахраб, бир руқи солим” кўринишинг ҳар мисрадаги такрорига асосланган. Аруз ва зарбда солим ўрнига мусаббағ тармоғи келиши мумкин. Мисол:

*Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
 Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек. (Фурқат)*

Сай-динг қў / я бер, сай-ёд, / сай-ё-ра / э-кан мен-дек,  
 - - v / v - - - / - - - v / v - - -  
 Ол до-ми / ни бўй-ни-дин, / бе-чо-ра / э-кан мен-дек .  
 - - v / v - - - / - - - v / v - - -  
 мафъувлу / мафоийлун / мафъувлу / мафоийлун  
 ахраб солим ахраб солим

4. Ҳазажи мусаммани аштари солим (мусаббағ). Бу вазн тузилишига кўра юқоридаги ўлчовга яқин туради. Унда “бир руқи аштар, бир руқи солим” кўриниши ҳар мисрада такрорланиб келади:

*Мехнату аламларга мубтало Увайсийман,  
 Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман. (Увайсий)*

Мех-на-ту / а-lam-лар-га / муб-та-ло / У-вай-сий-ман,  
 - v - / v - - - / - v - / v - - -  
 Қай-да дар/ д+ э-ли бўл-са,/ о-ш-но / У-вай-сий-ман.  
 - v - / v - - - / - v - / v - - -  
 Фоилун / мафоийлун / фоилун / мафоийлун  
 аштар солим аштар солим

Охирги руқнларда солим ўрнида мусаббағ келиши мумкин.  
Огаҳий қаламига мансуб

*Фаҳм қыл юзу хатдин ийүқлүкін баҳойи ҳусн,  
Ул варакда бу мазмун билгурур ёзилғон хат.*

байтининг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ ўлчовида ёзилган:

Фаҳ-м қыл / ю-зу хат-дин / ийүқ-лу-қин / ба-ҳо-йи ҳусн,  
- v - / v - - - / - v - / v - - ~  
Ул ва-рақ / да бу маз-мун / бил-гу-рур / ё-зил-ғон хат  
- v - / v - - - / - v - / v - - -

“Ўзбек арузи луғати”да ҳазажи мусаммани аштари солим вазнининг Навоий ижодида учрамаслиги, унда биринчи бўлиб Бобур ўзининг “тут” радифли ғазалини яратганилиги, кейинги асрларда бу ўлчовнинг ўзбек шеъриятидан тобора мустаҳкам ўрин олиб борганлиги ҳақида маълумот берилади. Дарҳақиқат, ушбу вазнининг қўлланиш доираси Бобурдан кейин кенгайиб борган. Шу билан биргаликда ҳазажи мусаммани аштари солим вазни таркиб жиҳатидан муқтазаби мусаммани матвийи мақтуъ (фоилоту / мафъувлун / фоилоту / мафъувлун ) ўлчовига teng келишини таъкидлаб ўтмоқ ўринли. Солиштиринг:

Ҳазажи мусаммани аштари солим:

- v - / v - - - / - v - / v - - -  
фоилун / мафойилун / фоилун / мафойилун

Муқтазаби мусаммани матвийи мақтуъ:

- v - v / - - - / - v - v / - - -  
фоилоту / мафъувлун / фоилоту / мафъувлун

Ҳар икки вазннаги ҳижолар чўзиқ-қисқалиги тартиби бир хил. Уларнинг руқнларга бўлинишида фарқ бор, холос. Бундай ҳолатлар, яъни бир ўлчовнинг икки баҳрга мансуб бўлиши мумкинлиги арузда учраб туради. Бобур уларни “Мухтасар”да муштабиҳ (ўхшаш) вазнлар деб атайди ва ҳар бир баҳрнинг ички кўринишларини тавсифлаб бўлгач, улардан қайсилари бошқа баҳр доирасидаги вазнларга мувофиқ келишини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Хусусан, юқоридаги вазн түғрисида шундай деб ёзади: “Хазаж баҳрида муштабиҳ бўлурлар...бу вазиким мусамман, бир рукиштар, бир руки солимдур: фоилун, мафоййлун, фоилун, мафоййлун муқтазаб баҳрида мусаммани матвийи мақтуъдурким: фоилоту, мафъувлун, фоилоту, мафъувлун бўлғай”<sup>1</sup> Навоий “Мезонул-авзон”да бу ўлчовга муқтазаб баҳрига мансуб вазн сифатида қараб, қуйидаги мисолни берган:

Эй ӣи-гит, бу / ён кел-ки, / шав-қ-дин ха /ро-бинг-ман,  
 - v - v / - - - / - v - v / - - -  
 Бўй-ни боғ-ли /+ им янг-лиғ / бас-та-и ку / шо-динг-ман  
 - v - v / - - - / - v - v / - - -  
 фоилоту / мафъувлун / фоилоту / мафъувлун

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод.

Мазкур вазн мустаҳзод жанрининг ўлчовидир. Унда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидаги (мафъувлу / мафоййлу / мафоййлу /фаувлун) мисрага бош ва охирги рукилар ўлчовига мос келувчи (мафъувлу / фаувлун), алоҳида қофияланган ярим мисра орттирилади. Бинобарин, “мустаҳзод” сўзининг лугавий маъноси ҳам “орттирилган” демакдир. Мисол:

Сен шоҳи мулук, салтанатинг олама тўлгон,  
 ким барҷадин аъло,  
 Бу жону кўнгул ишқинг аро волаю ҳайрон,  
 эй орази зебо. (Машраб)

Сен шо-ҳи / му-лук, сал-та / на-тинг о-ла / ма тўл-ғон,  
 - - v / v - - v / v - - v / v - -  
 ким бар ча / ди-н+ аъ-ло,  
 - - v / v - -  
 Бу жо-ну / кў-нгул иш-қи /нг+ а-ро во-ла / ю ҳай-рон,  
 - - v / v - - v / v - - v / v - -  
 мафъувлу / мафоййлу / мафоййлу /фаувлун  
 эй о-ра / зи зе-бо.  
 - - v / v - -  
 мафъувлу / фаувлун

<sup>1</sup> Бобур. Мухтасар. Тошкент: Фан, 1971, Б. 55

Бошқа вазнларда бўлгани каби мустаҳзод ўлчовида ҳам маҳзуф (фаувлун) ўрнида мақсур (мафойил) келиши мумкин:

*Дин оғати бир мугбачаи моҳлиқодур,  
майхораву бебок,  
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
сармасту яқом чок. (Навоий)*

Дин о-фа / ти бир муғ-ба / ча-и мо-ҳ / ли-қо-дур,  
- - v / v - - v / v - - v / v - -  
май-хо-ра / ву бе-бок,  
- - v / v - -

Ким иш-қи / ди-н+ о-нинг ва / та-ним дай-ри / фа-но-дур,  
- - - v / v - - v / v - - v / v - -  
мафъувлу / мафойилу / мафойилу /фаувлун  
сар-мас-ту / я-қом чок.  
- - - v / v - -  
мафъувлу / фаувлун

Навоий “Мезонул-авзон”да мустаҳзод ўлчовининг туркий халқ орасида тарқалаган қўшиқ вазни эканлигини айтган. Бобур ушбу вазн ҳақида тўхтамаган.


### Рубоий вазнлари

Рубоий Шарқ мумтоз шеъриятида кенг тарқалган жанрdir. Рубоийнинг муайян вазнда, яъни ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам тармоқларида ёзилиши унинг жанр хусусияти ҳисобланади. Рубоий вазнларини ҳосил қилишда мафойилун асли ҳамда унга тегишли 9 та фуруъ (мусаббағ, маҳзуф, мақсурдан ташқари) иштирок этади. Ахраб ва ахрам тармоқларининг ҳар бири 12 тадан вазн кўринишларига эга.

**Ахраб гуруҳи вазнлари.** Ахраб гуруҳи вазнларида руқнлар мисрада қўйидаги тартибда келади:

1-рукн (1 та руқн келади)	2-рукн (3 руқндан бири келади)	3-рукн (2 руқндан бири келади)	4-рукн (4 руқндан бири келади)
1. мафъувлу	1. мафойилун 2. мафойилу 3. мафойлун	1. мафойилун 2. мафойилу	1.фаул 2.фаувл 3.фаъ 4.фөъ

Ахраб гурухининг 12 та вазни қуидагида ҳосил бўлади:



Рубоий вазнларини яхши ёдда олиб қолиш учун уларнинг ҳосил бўлишидаи тайрим қонуниятларни билиб олиш зарур бўлади. Эътибор қиласиган бўлсак, 2-руки ўрнида келадиган рукилар ўзаро яқин кўринишга эга бўлиб, улар охирги икки ҳижонинг чўзиқ-қисқалигига кўра фарқланади, холос. Бу рукиларнинг охирги икки ҳижо таркиби шундай:

(Мафо) *и́йлу* – чўзиқ, чўзиқ

(v -) - -

(Мафо) *и́йлу* – чўзиқ, қисқа


(v -) - v

(Мафо) *и́лун* – қисқа, чўзиқ


(v -) v -

3-4-рукиларда арузда икки қисқа ҳижонинг бир чўзиқ ҳижога тенг келиши ва мисра охирда чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижо алмашиб қўлланиши мумкинлиги қоидаси амал қилган. Агар 3-рукинда охир қисқа ҳижо билан тугайдиган *мафоийту* (v - - v) келса, 4-рукинда ҳам қисқа ҳижо билан бошланувчи *фаул* (v -) келади. *Фаул* (v -) эса мисра охирда *фаувл* (v ~) билан алмашиниб келиши мумкин. Ва аксинча, 3-рукинда охир чўзиқ ҳижо билан тугайдиган *мафоийлун* (v - - -) келса, 4-рукинда ҳам чўзиқ ҳижога тенг *фаъ* (-) келади. *Фаъ* (-) эса мисра охирда *фоъ* (~) билан алмашиниб келиши мумкин. Бу ҳолнинг сабаби шуки, *мафоийлу* охирдаги ва *фаувлун* бошидаги икки қисқа ҳижо бирлашиб, битта чўзиқ бўғинни ҳосил қилади ва у 3-рукин таркибида келиб, *мафоийлу мафоийлунга* айланади, 4-рукинда қолган ул ўзига тенг бўлган *фаъга* алмаштирилади. Диққат қилинг:

*мафъувлу / мафоийлун / мафоийлу / фаул*




Ахрам тармоғи гуруҳи вазнларининг ҳосил бўлишида ҳам шу қоиди амал  
қиласи. Ахрам гуруҳининг 12 та вазни қўйидагича ҳосил бўлади:



Диккат қиладиган бўлсек, ахрам тармоқлари гурухининг 3- ва 4- руқнлари ахрабникидан фарқ қилмайди. 1- ва 2-руқнлардаги тафоутлар эса қўйидагича ҳосил бўлган:


*мафъувлу / мафоийлу* - ахраб тармоғида




Ахраб тармоғида келадиган *мафъувлу*(- - v) нинг охири ва *мафоийлу* (v - v) нинг бошидаги қисқа ҳижолар бир чўзиқ ҳижога бирлашиб, ахрам тармоғида мафъувлун(- - -) таркибига ўтади, 2- руқн ўрнида қолган *фоийлу*(- - v) ўзига сифат жиҳатидан тенг *мафъувлу*(- - v) кўринишига киради.

Ахраб тармоғида 2-руқнда *мафоилун* (v - v - ) келса, айни қоида асосида у ахрам тармоғида *фоилун* (- v - ) шаклига, *мафоийлун* (v - - -) эса *мафъувлун* (- - -) кўринишига ўтади:

1) *мафъувлу / мафоилун* - ахраб тармоғида



2) *мафъувлу / мафоийлун* - ахраб тармоғида



Ўзбек шеъриятида асосан ахраб тармоғи вазнлари ишлатилган. Ахрам тармоғи ўлчовларидан эса баъзи ҳоллардагина истифода этилган. Ҳар иккала тармоқ вазнлари бир рубой таркибида аралаш ҳолда келиши ҳам мумкин.

Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг,  
Юкраб элитинг жисми фигоримни менинг.  
Ўтру чиқарыб аҳли диёримни менинг,  
Кўйида қўюнг тани низоримни менинг. (Алишер Навоий)

Ўл-са / са-манг мун-да / ма-зо-рим- ни / ме-нинг,  
- - v / v - - v / v - - v / v -  
Юк-лаб э /ли-тинг жис-ми /фи-го-рим-ни / менинг.  
- - v / v - - v / v - - v / v -  
Ўт-ру чи / қа-риб аҳ-ли / ди-ё-рим-ни / ме-нинг,  
- - v / v - - v / v - - v / v -  
мафъувлу/ мафоийлу / мафроийлу /фаул  
Кў-йи-да / қў-юнг тани / ни-зо-рим-ни /ме-нинг.  
- - v / v - v - / v - - v / v -  
мафъувлу/ мафоилун / мафоийлу /фаул

Бу рубоийнинг уч мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб, охирги мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазнида ёзилган.

Кўйидаги рубоийда эса ҳам ахраб, ҳам ахрам тармоғидан фойдаланилган:

Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,  
Васлингга бериб йўл, ўзунга ёр эттинг.  
Охир бординг, даги ани зор эттинг,  
Ҳижрон алами бирла гирифтор эттинг. (Бобур)

Бо-бур-ни / бу-рун маҳ-ра / ми ас-ро р +эт / тинг,  
- - v / v - - v / v - - - / -  
Вас-линг-га /бе-риб йўл, ў/зу-нга ёр +эт /тинг.  
- - v / v - - v / v - - - / -  
О-хир бор /динг, да-зи / а-ни зо р + эт /тинг,  
- - - / - v - / v - - - / -  
Ҳиж-рон а /ла-ми бир-ла / ги-риф-тор+эт / тинг.  
- - v / v - - v / v - - - / -

1-2-, 4-мисралар вазни:

Мафъувлу/ мафоийлу / мафоийлун / фаъ  
Ҳазажси мусаммани ахраби макфуфи солими абтар

*2-мисра вазни:*

*Мафъувлун / фоилун / мафоийлун / фарь*

*Ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар*

### **Назорат саволлари**

1. “Зихоф” ва “фуруъ” сўзларининг лугавий ва истилоҳ маъноларини изоҳлаб беринг.
2. Мафоийлун рукнининг неча хил тармоқ рукилари мавжуд?
3. Мафоийлун аслининг қайси фуруълари фақат аruz ва зарбда келади?
4. Рубоий вазни мафоийлун аслининг қайси тармоқлари билан бошланади?
5. Мустаҳзод қайси ўлчовда ёзилади?
6. Ҳазаж бахрида битилган қандай мумтоз асарларини биласиз?

### **6-мавзу: Рамал ва музореъ баҳрлари.**

#### **Режа:**

1. Фоилотун аслининг зихоф ва фуруълари.
2. Рамал баҳри вазнлари.
3. Музореъ баҳри вазнлари.

**Таянч тушунчалар:** маҳбун, машкул, макфуф, мушаъас, мусаббаг, маҳзуф, мақсур, маҳбуни маҳзуф, маҳбуни мақсур, мақтуъ, мақтуъни мусаббаг, рамал баҳрининг мусаддас ва мусамман вазнлари, рамал баҳрида ёзилган асарлар.

Рамал (лугавий маъноси “туюнинг югуриши” бўлиб, бу вазнда ёзилган шеърлар шитоб билан ўқилишига нисбатан баҳр шундай номланган) баҳри мумтоз шеъриятимиздан кенг ўрин олган баҳрdir. Туркий назмиятда унинг олти ва саккиз рукили кўринишлари кўлланган. Бу баҳр илк бора Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида учрайди. Рамал баҳри фоилотун асли ва унинг фуруълари асосида вужудга келиб, улар қуйидагилар:

№	Зихофлар	Фуруъ	Номланиши	Кўлланиш ўрни
1	Хабн	фаилотун v v - -	маҳбун	Барча рукиларда

2	Шакл	фаилоту v v - v	машкул	садр, ибтидо, кейинги ханиди (1-, 3-рукиларда)
3	Кафф	фоилоту - v - v	макфуф	олдинги хашивда(3-рукида)
4	Ташъис	мафъувлун - - -	мушаъас	садр, ибтидо, хашвларда(охирги дан бошқа рукиларда)
5	Тасбиг	фоилотон - v - ~ (фоилийён) - v - ~	мусаббаг	
6	Хазф	фоилун - v -	маҳзуф	аруз ва зарбда (охирги рукиларда)
7	Қаср	фоилон - v ~	мақсур	
8	Хаби, ҳазф	фаилун v v -	махбуни маҳзуф	
9	Хаби, қаср	фаилон v v ~	махбуни мақсур	
10	Қатъ	фаълун - -	мақтуъ	
11	Қатъ, тасбиг	фаълон - ~	мақтуъи мусаббаг	

### Рамал баҳрининг олти рукили вазилари.

Рамали мусаддаси маҳзуф(мақсур)

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз. (Нодира)

Ё- р - нинг вас / ли э - мас о / зо-р-сиз,  
- v - - - / - v - - / - v -  
Гул-ша-н+ ич-ра / гул то-пил-мас / хо-р-сиз.  
- v - - - / - v - - / - v -  
Фоилотун / фоилотун / фоилун  
Солим солим маҳзуф

*Гул эмас рухсори тобонингча хўб<sup>1</sup>,  
Гунча ҳам йўқ лаъли хандонингча хўб. (Оғаҳий)*

Гул э-мас рух /со-ри то-бо / нинг-ча хўб,  
- v - - / - v - - / - v ~  
Гун-ча ҳам йўқ / лаъ-ли хан-до / нинг-ча хўб.  
- v - - / - v - - / - v ~  
Фоилотун / фоилотун / фоilon  
Солим солим мақсур

Мумтоз лирик жанрлардан туюқ фақат ушбу вазнда ёзилади.

*Мани беҳол айлаган ёр ойдуур,  
Ким аниг васли манга ёрайдуур.  
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим  
Ё Хуросон ё Хито ё Ройдуур. (Бобур)*

Ма-ни бе-ҳо / л+ ай-ла-ган ё/ р+ ой-ду-ур,  
- v - - / - v - - / - v ~  
Ким а-нинг вас / ли ма-нга ё /рой-ду-ур.  
- v - - / - v - - / - v ~  
Гар ви-со-ли / бўл ма-са, ке /тар е-рим  
- v - - / - v - - / - v -  
Ё Ху-ро-сон / ё Хи-то ё / Рой ду-ур.  
- v - - / - v - - / - v ~

Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур) ўлчовида Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достони ёзилган.

Рамал баҳрининг қуидаги вазнлари ўзаро вариантдош ҳисобланиб, уларни бир асар таркибида қўллаш мумкин:

1. *фоилотун / фоилотун / фоилун*

- v - - / v v - - / v v -

Солим махбун махбуни маҳзуф

Рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф (вазннинг қиска ифодасида, одатда, руҳи номи кетма-кет бир хил келса, биттаси кўрсатилади )

2. *фоилотун / фоилотун / фоilon*

- v - - / v v - - / v v ~

<sup>1</sup> “Хўб” сўзининг араб ёзувидаги ифодасида ў унлиси ёзувда акс этади, шунинг учун “хўб” ўта чўзиқ ҳижога тенг.

Солим махбун махбуни мақсур  
 Рамали мусаддаси солими махбуни максур  
 3. фоилотун / фаилотун / фальтун  
 - v - - / v v - - / - -  
 Солим махбун мақтуъ  
 Римали мусаддаси солими махбуни мақтуъ  
 4. фоилотун / фаилотун / фальон  
 - v - - / v v - - / - ~  
 Солим махбун мақтуъи мусаббаг  
 Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббаг

Арузда икки кисқа ҳижонинг бир чўзиқ ҳижо билан, мисра ўшидаги ўта чўзиқ ҳижонинг чўзиқ ҳижо билан алмашиниб келши мумкинлиги сабабли юқоридаги вазнларнинг охирги рукни (пруз ва зарб) *фаилун*, *фаилон*, *фальун*, *фальон* шаклларидан бириди кела олади. Ушбу ўлчовларнинг ўзига хос яна бир жиҳати шуки, ундирида бош рукн – садр ва ибтидода *фоилотун* (*солим*) ўрнига ишрим ҳолларда *фаилотун* (*махбун*) келиши ҳам мумкин. Унда қутидаги қўриниш юзага келади:

1. *фаилотун / фаилотун / фаилун*  
 v v - - / v v - - / v v -  
 махбун махбун махбуни маҳзуф  
 Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф  
 2. *фаилотун / фаилотун / фаилон*  
 v v - - / v v - - / v v ~  
 махбун махбун махбуни мақсур  
 Рамали мусаддаси махбуни мақсур  
 3. *фаилотун / фаилотун / фальун*  
 v v - - / v v - - / - -  
 махбун махбун мақтуъ  
 4. *фаилотун / фаилотун / фальон*  
 v v - - / v v - - / - ~  
 махбун махбун мақтуъи мусаббаг

Мисол:

*Лаъли алфози мени тиргузди,*  
*Кайси бир деб не қиласай таъйин лафз.*

Қаҳру лутфунг бори жонбахидурур,  
 Бўйлаким кўрди ҳаётойин лафз.  
 Англамон гояти маъни сўзунга,  
 Гояташ айлагамен таҳсин лафз. (Алишер Навоий)

Лаъ-ли ал-фо / зи ме-ни тир / гуз-ди,  
 - v - - / v v - - / - -  
 Фоилотун / фаилотун / фаълун  
 Қай-си бир деб / не қи-лай таъ / йин лафз.  
 - v - - / v v - - / - ~  
 Фоилотун / фаилотун / фаълон  
 Қаҳ-ру лут-фунг/ бо-ри жон-бах /ш-ду-рур,  
 - v - - / v v - - / v v ~  
 Фоилотун / фаилотун / фаълон  
 Бўй-ла ким кўр / ди ҳа-ё-то / йин лафз.  
 - v - - / v v - - / - ~  
 Фоилотун / фаилотун / фаълон  
 Анг-ла-мон го / я-ти маъ-ни / сў-зу-нга,  
 - v - - / v v - - / v v -  
 Фоилотун / фаилотун / фаильун  
 Го-я-таш ай / ла-га-мен таҳ / син лафз.  
 - v - - / v v - - / - ~  
 Фоилотун / фаилотун / фаълон

1-мисра: рамали мусаддаси солими маҳбуни мақтӯй

2-, 4-, 6-мисралар: рамали мусаддаси солими маҳбуни мақтӯйи мусаббағ

3-мисра: рамали мусаддаси солими маҳбуни мақсур

5-мисра: рамали мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф

Мазкур вазнда туркий адабиёт намуналаридан Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” достони ёзилган. Шоир бу вазннинг имконини янада кенгайтирди: ҳашвда келадиган маҳбун (*фаилотун v v - -*) рукни ўрнида унинг биринчи ва иккинчи қисқа хижоларини бир чўзиқ хижога алмаштириб, мушаъяс (*мафъувлун - - -*) рукнини ҳам қўллади.

Масалан асаддан олинган

Сан агар ваҳм қилурсан хондин,  
 Кеча олмассан бу ўғлондин

Байтингинг иккинчи мисраси рамали мусаддаси маҳбуни мушаъаси мақтуъ ўлчовида ёзилган:

Ке-ча ол-мас / сан бу ўғ / лон-дин  
v v - - / - - - / - -  
Файлутун / мафъувлун /фаълун  
Маҳбун        мушаъас        мақтуъ

Достонда садр ва ибтидода келадиган маҳбун (*файлутун v v - -*) руқнини ҳам мушаъас (*мафъувлун - - -*) билан алмаштириш ҳолати учрайди.

*Чун ҳукм айлади хони аъзам,  
Хоникахон қўлига олди қалам*

Байтингинг 1-мисраси рамали мусаддаси мушаъаси маҳбуни мақтуъ ёзилган:

Чун ҳук-м+ ай / ла-ди хо-ни / аъ-зам  
- - - / v v - - / - -  
Мафъувлун / файлутун / фаълун  
Мушаъас        маҳбун        мақтуъ

### Рамал баҳрининг саккиз руқнли вазнлари

I. Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур). Бу вазн қўлланиш даражасига кўра туркий шеъриятдаги энг фаол ўлчов ҳисобланади. Аксарият мумтоз шоирлар шеъриятининг асосини айнан шу вазн ташкил этади. Навоий “Мезонул-авзон”да туркий улус орасида машҳур бўлган қўшиқлар хусусида тўхталар экан, аргутак усулидаги суруд, арузворий ва туркий деб аталадиган қўшиқларнинг рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур баҳрларида бўлишини таъкидлайди. У, айниқса, мажлисларда куйланадиган “туркий” қўшиғининг бениҳоя ёқимли ва таъсири эканлигини, унинг ижроҷилари “туркигўй” номи билан элга танилиб, сultonлар назарига тушганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Навоий Ҳусайн Ўойқаро ўз девонини фақат шу ўлчовда ёзилган шеърлардан тузганини айтади. А.Хожиахмедов берган маълумотга кўра, Навоий газалларининг 55 фоизини шу ўлчовда ёзилган шеърлар ташкил этади.

Мисоллар:

Рамали мусаммани маҳзуф

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.*

(A.Навоий)

Ким-ки бир кўнг / ли бу-зуғ-нинг / хо-ти рин шо / д+айлагай,

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Он-ча бор-ким, / Каъ-ба вай-рон / бўл-са о-бо / д+айлагай.

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун

Солим солим солим маҳзуф

Рамали мусаммани мақсур.

*Ҳар неча элдин кўнгулда айласам тинҳон бу дард,  
Ашки олу чеҳраи зардим этар ифшиойи роз. (Фурқат)*

Ҳар не-ча эл /дин кў-нгул-да / ай-ла-сам пин / ҳон бу дард,

- v - - / - v - - / - v - - / - v ~

Аш-ки о-лу / чеҳ-ра-и зар / дим э-тар иф /шо-йи роз.

- v - - / - v - - / - v - - / - v ~

Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоilon

Солим солим солим мақсур

2. Рамал баҳрининг мусамман вазнларидан қўйидагилар ўзаро  
вариантдош ҳисобланиб, уларни бир асар таркибида қўллаш  
мумкин:

1. фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаилун

- v - - / v v - - / v v - - / v v -

Солим маҳбун маҳбун маҳбуни маҳзуф

Рамали мусаммани солими маҳбуни маҳзуф

2. фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаилон

- v - - / v v - - / v v - - / v v ~

Солим маҳбун маҳбун маҳбуни мақсур

Рамали мусаммани солими маҳбуни мақсур

3. фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаълон

- v - - / v v - - / v v - - / - - -

Солим маҳбун маҳбун мақтуъ

Рамали мусаммани солими маҳбуни мақтұъ

4. фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаълон

- v - - / v v - - / v v - - / - ~

Солим маҳбун маҳбун мақтұъи мусаббаг

Рамали мусаммани солими маҳбуни мақтұъи мусаббағ

Ушбу вазннинг мусаддас кўринишида бўлгани каби мусамман  
шаклида ҳам бош руҳи – садр ва ибтидода *фоилотун* (*солим*)  
Ўринига айрим ҳолларда *фаилотун* (*маҳбун*) келиши мумкин.

Мисоллар:

*Мени шайдо қиласурган бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Хору расво қиласурган бу кўнгулдур, бу кўнгул . (Лутфий)*

Ме-ни шай-до / қи-ла-дур-гон /бу кў-нгул-дур, / бу кў-нгул,

- v - - / v v - - / v v - - / v v -

Хо-ру рас-во / қи-ла-дур-гон /бу кў-нгул-дур,/ бу кў-нгул .

- v - - / v v - - / v v - - / v v -

Фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаълон

Солим маҳбун маҳбун маҳбуни маҳзуф

Рамали мусаммани солими маҳбуни маҳзуф.

*Тушуб ул сарву саман барқ дамидин айру,  
Богнинг кунжисида савсан тили хомуши ҳануз. (Нодира)*

Ту-шу-б+ул сар / ву саман бар /қ да-ми-дин / ай-ру,

- v - - - / v v - - / v v - - / - -

Фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаълон

Бо-ғ-нинг кун /жи-да сав-сан / ти-ли хо-му / ш ҳа-нуз.

- v - - - / v v - - / v v - - / v v ~

Фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаълон

Солим маҳбун маҳбун маҳбуни мақсур

1-мисра вазни – рамали мусаммани солими маҳбуни мақтұъ

2-мисра вазни – рамали мусаммани солими маҳбуни мақсур

Мазкур вазнда лирик ғазаллар билан бир қаторда ўткир ижти-  
моий-танқидий руҳдаги сатирик шеърлар ҳам яратилған. Жум-

ладан, Махмурнинг “Хапалак” ҳажвий ғазали, Турдиний “Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари ҳақида” мухаммад шу ўлчовда ёзилган.

3. Рамали мусаммани машкул. Бу вазн ўзбек шеъриятида кўлланган бўлиб, унга биринчилардан бўлиб Лутфий мурожа этган. Навоий, Машраб, Огажий, Фурқат каби шоирлар ижоди учрайди.

*Кечалар эмас фалакни ёрга айлаган ситора,  
Чиқар оҳим оташидан бўлинниб неча шарора.* (Фурқат)

Ке-ча-лар / мас фа-лак-ни / ё-ру ғ+ай-ла / ган си-то-ра,  
v v - v/ - v - - / v v - v / - v - -  
Чи-қа р+ о-ҳи / м+ о-та-ши-дан/ бў-ли-ниб не / ча ша-ро-ра  
v v - v/ - v - - / v v - v / - v - -  
фаилоту / фоилотун / фаилоту / фоилотун

### Музореъ баҳри вазилари

Музореъ (луғавий маъноси “ўхшаш” бўлиб, ҳазаж баҳри яқинлигидан шундай ном олган) баҳри тузилишига кўра иккиси аслий руҳи асосидаги (мухталифул-аркон) баҳрлар сирасига кириб у мафойлун ва фоилотун асллари асосида (мафойлун+фоилотун) хосил бўлади. Ўзбек шеъриятида музореъ баҳри солим шаклда кўлланмаган. Лирик шоирларимиз унинг қуйидаги саккиз руҳни кўринишларидан унумли фойдаланганлар:

#### 1. Музореъи мусаммани ахраб

*Эл ичра ишқ дөгин ифши қилиб бўлурму?  
Монанди лола ўзни расво қилиб бўлурму?* (Фурқат)

Эл ич-ра / иш- қ до-ғин / иф-ши қи / либ бў-лур-му?  
- - v / - v - - / - - v / - v - -  
Мо-нан-ди / ло-ла ўз-ни /рас-во қи /либ бў-лур-му?  
- - v / - v - - / - - v / - v - -  
мафъувлу / фоилотун / мафъувлу / фоилотун  
ахраб солим ахраб солим

Тиңсъдан күриниб турибди, ушбу вазнда 1- ва 3-рундарда фонийлун аслининг ахраб тармоғи, 2- ва 4-рундарда фоилотун чи солим күринишда иштирок этади. Сүнгги руңндар, яъни аруз шарбда фоилотун ўрнига фоилийён – фоилотун аслининг мусаббаги тармоғи келиши мумкин. Бу ҳолда музореъи мусаммани ахраб мусаббағ деб номланадиган вариантдош вазн юзага келади.

*Чилтан шаробин ичмай, бош ўйнамай чу Мансур,  
Дор узра деб аналҳақ гавго қилиб бўлурму?*

Шининг биринчи мисраси ўта чўзиқ бўғин билан якунланган:

Чил-тан ша / ро-би н+ич-май, / бош ўй-на / май чу Ман-сур  
- - v / - v - - / - - - v / - v - ~  
мафъувлу / фоилотун / мафъувлу / фоилотун  
ахраб солим ахраб мусаббаг

## 2. Музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (максур).

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим. (Бобур)*

Жо-ним-ди / н+ўз га ё ри / ва-фо до-р / топ-ма-дим,  
- - v / - v - v / v - - v / - v -  
Кўнг-лум-ди / н+ўз-га маҳ / ра-ми ас-ро-р / топ-ма-дим  
- - v / - v - v / v - - v / - v -  
Мафъувлу / фоилоту / мафойилу / фоилун  
Ахраб макфуф макфуф маҳзуф

1-рунда мафойилун аслининг ахраб фуруъси, 3-рунда макфуф фуруъси, 2-рунда фоилотун аслининг макфуф фуруъси, 4-рунда маҳзуф фуруъси келган. Демак, бу вазн факат тармоқ руңндардан ташкил топган. Уларнинг қайси аслдан ҳосил бўлиши ва тартиби куйида схематик тарзда акс этган:

Мафойилун / фоилотун / мафойилун / фоилотун  
↓ ↓ ↓ ↓  
Мафъувлу / фоилоту / мафойилу / фоилун

Ахраб            макфуф            макфуф            маҳзуф

Сўнгги руқнларда фоилун(маҳзуф) ўрнида фоilon (мақсур) келиши мумкин:

*Ҳар одамики давлату ҳимматга топти даст,  
Йўқтур анга хазинаи Корунга эҳтиёж.*            (Оғаҳий)

Ҳар о-да / ми-ки дав-ла / ту ҳим-мат-фа / топ-ти даст,  
- - v / - v - v / v - - v / - v ~  
Йўқ-тур а /нга ха-зи-на /и Ко-рун-фа / эҳ-ти-ёж.  
- - v / - v - v / v - - v / - v ~  
Мафъувлу / фоилоту / мафоийлу / фоilon  
Ахраб            макфуф            макфуф            мақсур

Музореъ баҳрининг мазкур вазнлари ўйноқи ва ёқимли оҳангга эга бўлиб, Атоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Навоий, Бобур, Фурқат каби шоирлар ижодида, айниқса кўп қўлланган.

#### Назорат саволлари:

1. Фоилотун аслининг қандай фуруълари бор?
2. Рамал баҳрининг туркий шеъриятда фаол қўлланган ўлчовлари қайсишлар?
3. Қайси мумтоз лирик жанрнинг жанр хусусияти рамал баҳри билан боғлиқ?
4. Рамал баҳрининг қайси ўлчовлари бир асар таркибида қўллаш мумкин бўлган вариантдоши вазнлар саналади?
5. Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достони вазнини айтинг
6. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достони қайси ўлчовда ёзилган?
7. Музореъ баҳрининг қандай ҳосил бўлишини тушунтиринг.

## 7-мавзу: Ражаз, хафиф, мужтассс баҳрлари.

### Режса:

1. Мустафъилун аслининг зихоф ва фуруълари.
2. Ражаз баҳри вазнлари.
3. Мужтассс баҳри.
4. Хафиф баҳри.

**Таянч тушунчалар:** маҳбун, матвий, музол, маҳбуни музол, راجاز баҳрининг мураббаъ ва мусамман кўринишлари, мужтассс ва хафиф баҳрининг туркӣ шеъриятдаги истифодаси.

Мустафъилун аслининг туркӣ шеъриятда қўлланадиган зихоф ва фуруълари қуйидагилардир:

№	Зихофлар	Фуруъ	Номланиши	Қўлланиш ўрни
1.	Хабн	мафоилун v - v -	маҳбун	Барча рукиларда
2.	Тайй	муфтаилун - v v -	матвий	садр, ибтидо, ҳашвда (охирги- дан бошқа бар- ча рукиларда)
3.	Изола	мустафъилон - - v ~	музол	аруз ва зарбда (охирги рукиларда)
4.	Хабн, изола	мафоилон v - v ~	маҳбуни музол	

Мустафъилун асли асосида раЖаз баҳри ҳосил бўлади. Шунингдек унинг ўзи ва тармоқлари бошқа рукилар билан бириккан ҳолда мужтассс, хафиф, сареъ, мунсарех баҳрларини юзага келтиришида иштирок этади.

### Ражаз баҳри вазнлари

Ўзбек шеъриятида раЖаз (луғавий маъноси: “тезлик, изтироб”) баҳрининг мураббаъ ва мусамман кўринишидаги вазнлари қўллишиб келинган бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Ражази мураббаъи солим (музол). Ушбу вазнда саёҳатнома жинридаги асарлар ёзилган. Муқимий, Тажаллийнинг “Саёҳатномалар”и шу ўлчовда яратилган. Завқийнинг “Обид мингбоши ҳажши” асари ҳам раЖази мураббаъи солим вазнида ёзилган. Мисол:

*Фарёдким, гардуни дун  
Айлар юрак-багримни хун.  
Кўрдики бир аҳли фунун  
Чарх анга кажрафтор экан. (Муқимий)*

Фар-ё-д-ким, / гар-ду-ни дун  
- - v - / - - v ~  
Ай-лар ю-рак / бағ-рим-ни хун.  
- - v - / - - v ~  
Кўр-ди-ки бир / аҳ-ли фу-нун  
- - v - / - - v ~  
мустафъилун / мустафъилон  
солим музол  
Чар x+ а-нга каж / раф-тор+э-кан.  
- - - v - / - - v -  
мустафъилун / мустафъилун  
солим солим

1-, 2-, 3-мисралар вазни - ражази мураббаи музол  
4-мисра вазни - ражази мураббаи солим

2.Ражази мусаммани солим (музол)  
Ражази мусаммани солимга мисол:

*Мушкин қошининг ҳайъати ул чаши музоллод устина,  
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина. (Оғаҳий)*

Муш-кин қо-ши / нинг ҳайъ-а-ти / ул чаш-ми жал / лод+ус-ти-на,  
- - v - / - - v - / - - v - / - - v -  
Қат-лим у-чун / нас кел-ти-рур / нун+ эл-ти-бон / сод+ус-ти-на.  
- - v - / - - v - / - - v - / - - v -  
Мустафъилун / мустафъилун / мустафъилун / мустафъилун  
Солим солим солим солим

Охирги руқнда мустафъилуннинг мустафъилон – музол тар-  
моги билан алмашиниб қўлланишидан ражази мусаммани музол  
вазни юзага келади:

*Гар истар эрсанг, эй кўнгул, қилмоқ сани мастур ганжс,  
Тутғил қаноат кунжиниким, ул эрур мавфур ганж.(Огаҳий)*

Гар ис-та-р+эр /санг, эй кў-нгул, / қил-моқ са-ни / мас-ру-р ганж,

- v - / - - v - / - - v - / - - v ~

Тут-ғил қа-но / ат кун-жи-ни / ким, ул э-рур / мав-фу-р ганж.

- v - / - - v - / - - v - / - - v ~

Мустафъилун/ мустафъилун / мустафъилун / мустафъилон

Солим солим солим музол

3. Ражази мусаммани матвийи махбун (махбуни музол). Бу вазн  
Мумтоз шеъриятимиз истеъмолидаги севимли ўлчовлардан бўлиб,  
Ақимли ва ўйноқи оҳангга эга.

*Кел, сенга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо,  
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон фидо (Нодира)*

Кел, са-нга, эй / ша-хи жа-ҳон, / мам-ла-ка-ти / жа-ҳон фи-до,

- v v - / v - v - / - v v - / v - v -

Дий-да-ла-рим / га қўй қадам, / ҳар қа-да-минг / га жон фи-до

- v v - / v - v - / - v v - / v - v -

Муфтаилун / мафоилун / муфтаилун / мафоилун

Матвий махбун матвий махбун

*Шукрки, айши базмидин еткурубон навид ийд,  
Аҳли жаҳонни айлади маст майи умид ийд. (Огаҳий)*

Шук-р-ки, ай /ш баз-ми-дин / ет-ку-ру-бон / на-ви-д ийд,

- v v - / v - v - / - v v - / v - v ~

Аҳ-ли жа-ҳон / ни ай-ла-ди / мас-т ма-йи / у-ми- д ийд.

- v v - / v - v - / - v v - / v - v ~

Муфтаилун / мафоилун / муфтаилун / мафоилон

Матвий махбун матвий махбуни музол

### **Мужтасс баҳри**

Мужтасс (луғавий маъноси: “томиридан узилган”) баҳри мустафъилун ва фоилотун аслларининг биркувидан (мустафъилун + фоилотун) хосил бўлади. Ўзбек шеъриятида у саккиз руқнили кўришишдагина қўллаб келинган.

1. Мужтасси мусаммани маҳбун. Бу вазн шеъриятимизда жуда кам қўлланган бўлиб, унинг 1- ва 3-руқнларида мустафъилун аслининг маҳбун тармоғи, 2- ва 4-руқнларида эса фоилотун аслининг маҳбун тармоғи келади. Асосан, Навоий шеъриятида учрайди. Мисол:

*Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,  
Фано қуюни етибон кулимни кўкка совурди. (А. Навоий)*

Я-на ба-ло / чо-қи-нин иш / қ тел-ба жо / ни-ма ур-ди,  
v - v - / v v - - / v - v - / v v -  
Фа-но қу-ю / ни е-ти-бон / ку-лим-ни кўк / ка со-вур-ди.  
v - v - / v v - - / v - v - / v v -  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаилотун  
маҳбун маҳбун маҳбун маҳбун

2. Мужтасси баҳрининг қўйидаги вазнлари ўзаро вариантдош ҳисобланиб, уларни бир асар таркибида қўллаш мумкин:

1. v - v - / v v - - / v - v - / v v -  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаилун  
маҳбун маҳбун маҳбун маҳбуни маҳзуф  
Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф

2. v - v - / v v - - / v - v - / v v ~  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаилон  
маҳбун маҳбун маҳбун маҳбуни  
мақсур

Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

3. v - v - / v v - - / v - v - / - -  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаълун  
маҳбун маҳбун маҳбун мақтуъ

Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

4. v - v - / v v - - / v - v - / - ~  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаълон  
маҳбун маҳбун маҳбун мақтуъи  
мусаббағ

Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъи мусаббағ

Түркій шеъриятда мужтасс бахри асосан юқоридаги күришіш-  
ларда қўлланган.

1. Агар қошимда ўшал гулъузор бўлса эди,  
*Fame йўқ эрди, гамим гар ҳазор бўлса эди. (Саккокий)*

А-гар қо-шим /да ў-шал гул / у-зо-р бўл / са э-ди,  
v - v - / v v - - / v - v - / v v -  
Ға-ме йўқ+эр / ди, ға-мим гар / ҳа-зо-р бўл / са э-ди.  
v - v - / v v - - / v - v - / v v -  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаилун  
махбун махбун махбун махбуни маҳзуф  
Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

2. Риёву ҳирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,  
*Эшиитмаким, ҳама афсун эрур фасонаи шайх. (Нодира)*  
Ри-ё-ву ҳир / су та-маъ сав / ти-дур та-ро / на-и шайх,  
v - v - / v v - - / v - v - / v v ~  
Э-шиит-ма-ким, / ҳа-ма аф-сун / э-рур фа-со / на-и шайх.  
v - v - / v v - - / v - v - / v v ~  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаилон  
махбун махбун махбун махбуни мақсур  
Мужтасси мусаммани махбуни мақсур

3. Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилғил,  
*Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил. (Навоий)*

Қа-ро кў-зум / ке-лу мар-дум / ли-ғ+эм-ди фан / қил-ғил,  
v - v - / v v - - / v - v - / - -  
Кў-зум қа-ро / си-да мар-дум / ки-би ватан / қил-ғил.  
v - v - / v v - - / v - v - / - -  
мафоилун / фаилотун / мафоилун / фаълон  
махбун махбун махбун мақтуъ  
Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ

4. Ҳатинг била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон,  
*Бири бинафша, бири ёсуман, бирирайхон. (Бобур)*

Ха-тинг би-ла / ю-зу-нгу ко / ку-лунг се-нинг / эй жон,  
 v - v - / v v - - / v - v - / - ~  
 Би-ри би-наф / ша, би-ри ё / су-ман, би-ри / рай-хон.  
 v - v - / v v - - / v - v - / - ~  
 мафоилун / файлутун / мафоилун / фаълон  
 махбун махбун махбун мақтуғи мусаббағ  
 Мужтасси мусаммани махбуни мақтуғи мусаббағ

### Хафиф баҳри

Хафиф (лугавий маъноси: “енгил” ) баҳри ҳам мужтасс баҳри каби мустафъилун ва фоилотун асллари асосида ҳосил бўлади бироқ унда мазкур асллар фоилотун+мустафъилун тартибида бирикади. Туркий шеъриятда мужтасс баҳри мусамман шаклида қўлланган бўлса, хафиф баҳри мусаддас қўринишидагина учрайди. Хафиф баҳрининг ўзбек шеъриятида ишлатилган тўрт вазни ўзаро вариантдош ҳисобланиб, қуйидагилардир:

1. фоилотун / мафоилун / файлун  
           - v - - / v - v - / v v -  
           солим махбун махбуни маҳзуф  
           Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф
2. фоилотун / мафоилун / фаълон  
           - v - - / v - v - / v v ~  
           солим махбун махбуни мақсур  
           Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур
3. фоилотун / мафоилун / фаълун  
           - v - - / v - v - / - -  
           солим махбун махбуни мақтӯъ  
           Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтӯъ
4. фоилотун / мафоилун / фаълон  
           - v - - / v - v - / - ~  
           солим махбун махбуни мақтуғи мусаббағ  
           Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуғи мусаббағ

Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф (махбуни мақсур, мақтӯъ, мақтуғи мусаббағ)вазнидаги каби хафиф баҳрида ҳам садр ва ибтидода *фоилотун* (*солим*) ўрнига айрим ҳолларда *фаилотун*

(махбун) келиши ҳам мумкин. Унда күйидаги күрениш юзага  
кеңілді:

1. файлотун / мафоилун / файлун  
     v v - - / v - v - / v v -  
     махбун      махбун      махбуни маҳзуф  
     Хафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф


2. файлотун / мафоилун / файлон  
     v v - - / v - v - / v v ~  
     махбун      махбун      махбуни мақсур  
     Хафифи мусаддаси маҳбуни мақсур

3. файлотун / мафоилун / фыльун  
     v v - - / v - v - / - - -  
     махбун      махбун      махбуни мақтуъ  
     Хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ

4. файлотун / мафоилун / фыльон  
     v v - - / v - v - / - - ~  
     махбун      махбун      мақтуъи мусабб  
     Хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъи м

!Оқоридаги вазнлардан исталган иккитаси бир байт таркибида ҳам келиши мумкин. Куйида хафиф баҳрига хос вазнларнинг ҳосил бўлиш тарзи кўрсатилган:

Фоилотун / мустафъилун / фоилотун



### Мисоллар:

- 1. Пистадек оғзинга шакар дедилар,  
Файб сирин не мұхтасар дедилар. (Лутфий)*

Пис-та-дек оғ / зи-нга ша-кар / де-ди-лар,  
- v - - / v - v - / v v -  
Фай-б сир-рин / не мух-та-сар / де-ди-лар.  
- v - - / v - v - / v v -  
фоилотун / мафоилун / файлун  
солим махбун махбуни махзуф  
Хафифи мусаддаси махбуни махзуф

2. Солди бошимга то замона фироқ,  
Манга ғам қунжисин этти хона фироқ. (Оғаҳий)

Сол-ди бо-шым / ға то за-мо / на фи-роқ,  
- v - - / v - v - / v v ~  
фоилотун / мафоилун / файлон  
солим махбун махбуни мақсур  
Ма-нга ғам кун /жи-н+эт-ти хо / на фи-роқ  
v v - - / v - v - / v v ~  
файлутун / мафоилун / файлон  
махбун махбун махбуни мақсур  
1-мисра вазни – хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур  
2-мисра вазни – хафифи мусаддаси махбуни мақсур

3. Кимки ўзлук иморатин бузди,  
Бўлди нақди фано анинг музди. (Навоий)

Ким-ки ўз-лук / и-мо-ра-тин / буз-ди,  
- v - - / Ӯ - v - / - -  
Бўл-ди нақ-ди / фа-но а-нинг / муз-ди  
- v - - / v - v - / - -  
фоилотун / мафоилун / фаялун  
солим махбун махбуни мақтуъ

Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ

4. Билгасен, эй хўёласста пай фарзанд,  
Жигарим бирла жонима пайванд. (Бобур)

Бил-га-сен, эй / хў-жас-та пай / фар-занд,  
 - v - - / v - v - / - ~  
 фоилотун / мафоилун / фаълон  
 солим махбун мактуъи мусаббағ  
 Жи-га-рим бир / ла жо-ни-ма / пай-ванд  
 v v - - / v - v - / - ~  
 файлутун / мафоилун / фаълон  
 махбун махбун мактуъи мусаббағ

1-мисра вазни - хафифи мусаддаси солими мактуъи мусаббағ

2-мисра вазни - хафифи мусаддаси мактуъи мусаббағ

Шарқ шеъриятида хафиф баҳридан ғазал, фард, янада кўпроқ  
 Китъя жанри намуналарини яратишда фойдаланилган. Шунингдек,  
 ўзбу вазнда Низомий, Дехлавий, Навоий “Хамса” ларининг  
 Баҳром мавзусидаги достонлари, жумладан, “Сабъаи сайёр”  
 достони ҳамда Жомийнинг “Силсилатуз-захаб” достони ёзилган.  
 Ўбурнинг фикҳ мавзусидаги “Мубаййин” асари, Муқимий “Тўй”  
 Ҳижвияси ҳам шу ўлчов асосида яратилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Махбун тармоги яна қайси аслнинг фуруъси сифатида  
Келиди?
2. Ражази мураббаъи солим (музол) баҳрида қандай асарлар  
ёзилган?
3. “Мужтасс” ва “хафиф” сўzlари қандай маънони билдиради?
4. Мужтасс ва хафиф баҳрларининг умумий ва фарқли  
жихатлари нимада?
5. Шарқ шеъриятида хафиф баҳридан кўпроқ қайси лирик  
жанри намуналарини яратишда фойдаланилган?
6. “Хамса” ларининг Баҳром мавзусидаги достонлари қайси  
вазнда ёзилган?

## **8-мавзу: Сареъ, мунсарех, мутақориб, мутадорик, комил баҳрлари.**

*Режас:*

1. *Мағъувлоту аслининг зиҳоф ва фуруълари. Сареъ ва мунсарех баҳрлари.*
2. *Фаувлун аслининг зиҳоф ва фуруълари. Мутақориб баҳри вазнлари.*
3. *Мутадорик ва комил баҳри.*

**Таянч тушунчалар:** мағъувлоту аслининг ўзига хос жиҳати матвийи макиуф, матвийи мавқуф, сареъ ва мунсарех баҳрларининг туркий шеъриятида қўлланадиган вазнлари, фаувлун асли фуруълари: мусаббаг, маҳзуф, мақсур, аслам, асрар, мақбуз, мутақориб баҳри вазнлари, мутатаввал ўлчовлар, комили мусаммани солим, мутадорики мусаммани мақтуъ.

Ароздаги саккиз асл орасида фақат мағъувлоту руқнигина солим ёки тармоқ руқнлар кўринишида мустақил равишда вазн ҳосил қила олмайди. Унинг фуруълари мустафъилун аслининг фуруълари билан бириккан ҳолда сареъ, мунсарех ва муқтазаб баҳрларини ҳосил этишда иштирок этади. Булардан муқтазаб баҳри араб шеъриятига махсусдир. Биз мустафъилун аслидан юзага келадиган тармоқ руқнлар билан танишиб ўтдик. Навоий “Мезонул-авзон”да мағъувлоту аслининг 9 зиҳофи ва 14 фуруъсини кўрсатиб ўтган. Бироқ ўзбек шеъриятида улардан асосан қуйидагилари қўлланилган:

№	Зиҳофлар	Фуруъ	Номланиши	Қўлланиш ўрни
1	Тайй, кашф	Фоилун - v -	матвийи макиуф	1-ҳашвда, аруз ва зарбда (охирги руқнда)
2	Тайй, вақф	Фоилон - v ~	матвийи мавқуф	аруз ва зарбда (охирги руқнларда)

### **Сареъ баҳри**

Сареъ (лугавий маъноси “тез”) баҳрини ҳосил қилишда мустафъилун ва мағъувлоту асллари қуйидагича бирикади:

мустафъилун + мустафъилун + мағъувлоту

Сареъ баҳрининг туркий шеъриятда қўлланадиган шакли тубай-  
дагича ҳосил бўлади:

мустафъилун / мустафъилун / мафъувлоту

↓                  ↓                  ↓

муфтаилун / муфтаилун / фоилун

- v v - / - v v - / - v -

(фоilon)

- v ~

Мазкур ўлчов сареъи мусаддаси матвийи макшуф (матвийи  
мавқуф) деб номланади. Мисоллар:

1. Ўзни кўнгул айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унумтқонни унумтмоқ керак. (Бобур)

Ўз-ни кў-нгул / ай-ш+ила тут / моқ қе-рак,

- v v - / - v v - / - v -

Биз-ни у-нут / қон-ни у-нут / моқ қе-рак

- v v - / - v v - / - v -

муфтаилун / муфтаилун / фоилун

матвий                матвий                матвийи макшуф

Сареъи мусаддаси матвийи макшуф

2. Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андинки бирор берса ганж. (Навоий)

Бир ди-ра- м+ол / моқ че-ки-бон / дас-т ранж,

- v v - / - v v - / - v ~

Ях-ши-ро-қ+ан / дин-ки би-ров / бер-са ганж

- v v - / - v v - / - v ~

муфтаилун / муфтаилун / фоilon

матвий                матвий                матвийи мавқуф

Сареъи мусаддаси матвийи мавқуф

Кўпгина ижодкорлар сареъи мусаддаси матвийи макшуф (мат-  
вийи мавқуф) баҳрининг имкониятларини ғазал жанрида синаб  
кўрган бўлсалар-да, бу вазнда кўпроқ лиро-эпик асарлар яратилган.

“Хамса”ларнинг фалсафий-ахлоқий характердаги муқаддимавий достонлари – Низомийнинг “Махзану-л-асрор”и ва унинг эркин таржимаси бўлган Кутб Хоразмийнинг “Гулшану-л-асрор” достони, Хисрав Дехлавийнинг “Матлаъу-л-анвор”, Жомийнинг “Тухфату-л-аҳрор”, Навоий “Ҳайрату-л-аброр” достонлари, шунингдек номаълум муаллифнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Нишотийнинг “Хусну Дил” достонлари, Гулханий “Зарбулмасал”идаги “Маймун билан Нажжор”, “Туя билан Бўталоқ” шеърий масаллари, Муқимиининг “Танобчилар” ҳажвияси каби асарлар сареъи мусаддаси матвийи макшуп (матвийи мавқуф) вазнида яратилган.

Навоий ўзининг “Ҳайрату-л-аброр” достонида ушбу ўлчовният имкониятларидан унумли фойдаланиб, айрим мисраларда мустафъилун аслининг тайй тармоғи бўлган муфтаилун –ўрнига унинг мағъувлун – мақтуъ тармоғини қўллаган. Бунда у арузда икки қисқа хижонинг бир чўзиқ хижо билан алмашиниб келиши мумкинлигини эътиборга олган. А.Хожиахмедов Навоий томонидан сареъ баҳрининг бу тарзда қўлланишини аruz илмидаги ихтиро деб баҳолайди.<sup>1</sup> Масалан, достондаги

*Ошиқлар кўнгли уйидек йиқуз,*

*Тирлари ҳар тарафидин чиқуз*

байтининг 1-мисраси қўйидаги ўлчовга эга:

О-шиқ-лар / кўнг-ли у-ий / дек йи-куғ,

- - - / - v v - / - v -

мағъувлун / муфтаилун / фоилун

мақтуъ      матвий      матвийи макшуп

Вазн номи: сареъи мусаддаси мақтуъи матвийи мавқуф

### Мунсареҳ баҳри

Мунсареҳ (лугавий маъноси “осон”) баҳри ҳам сареъ баҳри каби мустафъилун ва мағъувлоту асллари асосида ҳосил бўлади. Лекин сареъ баҳрида аввал икки марта мустафъилун, кейин бир марта мағъувлоту келса, мунсареҳ баҳрида бу асллар навбатма-навбат тақрорланади (мустафъилун+мағъувлоту). Туркий шеъриятда мунсареҳ баҳри асосан мусамман кўринишда қўлланади:

<sup>1</sup> Хожиахмедов А. Навоий арузи нафосати. Тошкент: Фан, 2006. Б.209

мустафъилун / мафъувлоту / мустафъилун / мафъувлоту

↓                  ↓                  ↓                  ↓

муфтаилун / фоилун / муфтаилун / фоилун

- v v - / - v - / - v v - / - v -

(фоилон)

- v ~

Мазкур ўлчов мунсарехи мусаммани матвийи макшуф (мавқуф)  
дөб номланади.

Мисоллар:

1. Қайси чаманзорни лолаву гулнорисан?

Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

(Комил Хоразмий)

Қай-си ча-ман / зо-р-ни / ло-ла-ву гул / но-ри-сан

- v v - / - v - / - v v - / - v -

Сўй-ла ма-нга, / эй са-нам, / ким-ни се-вар / ё-ри-сан

- v v - / - v - / - v v - / - v -

муфтаилун / фоилун / муфтаилун / фоилун

матвий

матвийи

матвий

матвийи

макшуф

макшуф

Мунсарехи мусаммани матвийи макшуф

2. Бода мени айламиши зухду риёдин халос,

Зухду риёй ўўқки, минг ранжсу анодин халос. (Навоий)

Бо-да ме-ни / ай-ла-миш / зух-ду ри-ё / дин ха-лос,

- v v - / - v - / - v v - / - v ~

Зух-ду ри-ё / йўқ-ки, минг / ран-жу а-но / дин ха-лос

- v v - / - v - / - v v - / - v ~

муфтаилун / фоилун / муфтаилун / фоилон

матвий        матвийи        матвий        матвийи

макшуф

мавқуф

Мунсарехи мусаммани матвийи мавқуф

Бу вазн жуда жозибали, ўйноқи оҳангта эга бўлганлиги сабабли ўтмишда халқ орасида ҳам кенг тарқалган. Навоий “Мезонул-авзон”да шу ўлчовдаги қўшиқнинг туркий улус орасида “чинга” деб аталиши ва қиз узатиш маросимида куйланиши, унинг радифи ўрнида “ёр-ёр” лафзи тақорланиб, бағоят таъсирли эканлиги хусусида маълумот берган.<sup>1</sup> Бобур эса “Мухтасар”да айни қўшиқни “ўланг” номи билан тилга олган: “Атрок орасида бир суруд борким, “ўланг” дерлар, аксар тўйларда айтурлар. Бу вазн анга маҳсусдур. Аввал сурудга тақсим қилурда ҳар мисрадин сўнг “ёр-ёр” лафzin келтирурлар.

*Мунча жсафо жсонима чоғламадим, (ёр-ёр)  
Душман эмиш дўстлар, англамадим, (ёр-ёр)  
Найири аъзаммудур таълатингиз, (ёр-ёр)  
Хуллаи ҳавромудур хилъатингиз, (ёр-ёр). ”<sup>2</sup>*

### Мутақориб баҳри

Мутақориб (лугавий маъноси: “бир-бирига яқинлашувчи”) баҳри фаувлун асли асосида юзага келади. Фаувлун аслининг куйидаги зиҳоф ва фуруълари туркий шеъриятда қўлланади:

№	Зиҳофлар	Фуруъ	Номланиши	Қўлланиш ўрни
1	Тасбиг	Фаувлон v - ~	мусаббағ	аруз ва зарбда (охирги рукнларда)
2	Ҳазф	Фаул v -	маҳзуф	
3	Қаср	Фаувл v ~	максур	
4	Салм	Фаълун - -	аслам	Садр, ибтидо, кейинги ҳашвда (1-, 3-рукнларда)
5	Сарам	Фаълу - v	асрам	
6	Қабз	Фаувлу v - v	мақбуз	

Ўзбек мумтоз шоирлари ижодида мутақориб баҳри асосан мусамман кўринишида қўлланган.

I. Мутақориби мусаммани солим (мусаббағ). Бу вазн кам қўлланган бўлиб, асосан Навоий шеъриятига хос. Мисол:

*Сочинг ранги анбармудур, мушики Чинму?  
Лабинг таъми шаккармудур, ангабинму? (Навоий)*

<sup>1</sup> Навоий А. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тошкент: Фан, 2000. Б. 93

<sup>2</sup> Бобур. Мухтасар, Тошкент: Фан, 1978. Б.172

Со-чинг ран / ги ан-бар / му-дур, муш / ки Чин-му?  
 v - - / v - - / v - - / v - -  
 Ла-бинг таъ / ми шак-кар / му-дур, ан / га-бин-му?  
 v - - / v - - / v - - / v - -  
 Фаувлун / фаувлун / фаувлун / фаувлун  
 солим солим солим солим  
 Мутақориби мусаммани солим

Агар охирги сўз ўта чўзиқ хижо билан тугаса, сўнгти руҳи фаувлон бўлиб, вазн мутақориби мусаммани мусаббағ номини олади.

## II. Мутақориби мусаммани маҳзуф(мақсур)

*Иродаттин ўлгай эдим бандаси,  
 Агар топсан эрди бир озода шайх. (Навоий)*

И-ро-дат / ти-н+ўл-ғай / э-дим бандаси,  
 v - - / v - - / v - - / v -  
 фаувлун / фаувлун / фаувлун / фаул  
 солим солим солим маҳзуф  
 А-гар топ / са-м+эр-ди / би-р+о-зо / да шайх.  
 v - - / v - - / v - - / v ~  
 фаувлун / фаувлун / фаувлун / фаувл  
 солим солим солим мақсур

1-мисра вазни - мутақориби мусаммани маҳзуф

2-мисра вазни - мутақориби мусаммани мақсур

Мазкур вазн ўзбек арузида қўлланган илк ўлчовлардан бўлиб, унда Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойик” достонлари яратилган. Умуман олганда, бу вазн Шарқда ижтимоий-сиёсий бошқарув билан боғлиқ панднома исарлар ҳамда шоҳ-хукмдорлар ҳақидаги маснавийлар вазни салган. Фирдавсий “Шоҳнома”си, “Хамса”ларнинг Искандар мавзусидаги достонлари, жумладан, Навоийнинг “Садди Искандарий”-си, шунингдек, Фазлийнинг Амирийга бағишиланган “Мажмуаи шоирон” шеърий тазкираси, Огаҳийнинг Ферузнинг тахтга ўтириши муносабати билан яратилган “Қасидаи насиҳат”и каби исарлар мутақориби мусаммани маҳзуф(мақсур) вазнида ёзилган.

## III. Мутақориби мусаммани аслам

*Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган девоналарга. (Машраб)*

Кўр-сат / жа-мо-линг / мас-то / на-лар-ға,  
- - / v - - / - - / v - -  
Иш-қинг / да куй-ган / де-во / на-лар-ға  
- - / v - - / - - / v - -  
Фаълун / фаувлун / фаълун /фаувлун  
асlam / солим / аслам / солим

Мазкур вазн ёқимли ва шўх оҳангта эга бўлиб, Машраб, Хувайдо, Муқимий каби шоирлар унда халқона руҳдаги ажойиб газалларни яратганлар.

#### IV. Мутақориби мусаммани мақбузи аслам

*Қамар юзингдин бўлур мунаввар,  
Шакар сўзингдин келур мукаррар. (Сайфи Саройи)  
Қа-мар ю / зинг-дин / бў-лур му / нав-вар,  
v - v / - - / v - v / - -  
Ша-кар сў/ зинг-дин / ке-лур му / кар-рар.  
v - v / - - / v - v / - -  
Фаувлу / фаълун / фаувлу / фаълун  
мақбуз / аслам / мақбуз / аслам*

Мазкур вазн ҳам ўйноқи ва жозибали бўлишига қарамай, ўзбек мумтоз шеъриятида кам қўлланган.

Арузшуносликда агар байт саккиздан ортиқ рукидан ташкил топган бўлса, у “мутатаввал” (“узун”, “чўзик”) деб номланади. Бундай байтлардан иборат шеър битиш ижодкордан катта маҳоратни талаб этади. Шу сабабли мутатаввал вазнлардан санъаткор шоирларгина муваффақият билан фойдалана билганлар. Ўзбек мумтоз шеъриятида қўлланган мутатаввал ўлчовлар асосан мутакориб ва мутадорик баҳрларига тегишилидир. Бу ўлчовларга Навоий, Оғаҳий, Фурқат каби истеъоддли шоирлар мурожаат этганлар. Мисол:

16 рукили мутақориби аслам ( аслами мусаббағ)

*Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон, султони хўбон,  
Ул бир табассум, айлаб такаллум, бўлди намоён чун моҳи тобон.  
(Фурқат)*

Лқ-лим / ни ол-ди, / ҳай-рат/га сол-ди / бир тур/фа жо-нон,/сул-тő/ни хў-бон,  
 - - / v - - / - - / v - - / - - / v - - / - - / v - ~  
 Ул бир /та-бассум, / ай-лаб /та-кал-лум,/бўл-ди / на-мо-ён /чун мо/ҳи то-бон  
 - - / v - - / - - / v - - / - - / v - - / - - / v - ~  
 фаълун/ фаувлун / фаълун / фаувлун / фаълун / фаувлун / фаълун/ фаувлун,

Шеъриятимизда 16 рукили мутақориби мақбузи аслам (фаувлұ/ фаълун фаувлұ/фаълун фаувлұ/фаълун фаувлұ/фаълун) ўлчови ҳам учраб, унда ёзилган камсонли шеърлар Навоий ва Огахий каби забардаст лирик шоирлар ижодига ҳосдир.

### Комил ва мутадорик баҳрлари

Комил (лугавий маъноси: “камолга етган”) баҳри мутафоилун асли асосида ҳосил бўлади. Ўзбек шеъриятида унинг фақат комили мусаммани солим кўринишигина қўлланган. Бу вазн Навоий, Увайсий, Огахий, Мунис, Муқими, Завқий каби шоирлар ижодида учрайди. Мисол:

*Қаду оғзи ҳажрида дарду ғам етадур аламзада жонима,  
 Етур, эй сабо, бу хабарни ул қади сарву гунча даҳонима. (Огахий)  
 Қа-ду оғ-зи ҳаж / ри-да дар-ду ғам / е-та-дур а-лам / за-да жо-ни-ма,  
 v v - v - - / v v - v - / v v - v - / v v - v -  
 Е-ту-р+эй са-бо / бу ха-бар-ни ул / қа-ди сар-ву гун/ча да-ҳо-ни-ма.  
 v v - v - / v v - v - / v v - v - / v v - v -  
 мутафоилун / мутафоилун / мутафоилун / мутафоилун*

Комили мусаммани солим вазни таркибида қисқа бўғинлар кўп бўлганилиги сабабли унда ёзилган шеърлар тез, шитоб билан билан ўқилиб, ўйноқи оҳангни ҳосил қиласди. Шоир Завқий ушбу вазнинг имкониятларини сатира жанрида ҳам синаб кўрган ижодкордир. Унинг “Илтимос”, “Таладинг баринг”каби ҳажвий шеърлари шу ўлчовда яратилган.

Мутадорик (лугавий маъноси: “бир-бирига уланувчи”) баҳри фоилун асли асосида юзага келиб, унинг қуидаги тармоқ рукилари шеъриятимизда қўлланган:

№	Зихофлар	Фуруъ	Номланиши	Кўлланиш ўрни
1	Хаби	файлун v v -	махбун	
2	Катъ	фаълун - -	Мактубъ	Барча рукиларда

Мутадорик баҳри вазнлари туркий шеъриятда анча кам кўлланган. Унинг мутадорики мусаммани солим (фоилун / фоилун / фоилун) кўринишида Навоий ўзининг иккита ғазалини яратган. Мутадорик баҳрининг яна бир ўлчови бўлган мутадорики мусаммани мақтуъ вазни ҳам кам кўлланган вазнлардан бўлиб унда фоилун аслининг фаълун – мақтуъ деб аталган тармоғи 8 марта тақрорланади:

*Бўлманг бизга ҳаргиз мойил,  
Не ҳолинг бордур, эй қотил. (Навоий)  
Бўл-манг / биз-га / ҳар-гиз / мо-йил,  
- - / - - / - - / - -  
Неxo /линг бор /дур, эй / қо-тил  
- - / - - / - - / - -  
Фаълун /фаълун /фаълун /фаълун  
Мақтуъ / мақтуъ / мақтуъ / мақтуъ*

Оғаҳий фоилун аслининг фаилун (vv-) – маҳбун фуруъси тақорига асосланган 16 руқишли мутадорики маҳбун ўлчовида ғазал яратган.

#### **Назорат саволлари:**

- 1. Мағъувлоту аслининг бошқа аслий руқнлардан фарқланувчи жиҳати қайси?*
- 2. Мағъувлоту асли иштирокида ҳосил бўлувчи баҳрла мқайсилар?*
- 3. Мунсаҳеҳ ва сареъ баҳрларининг умумий ва фарқли жиҳатлари қайсилар?*
- 4. Навоий ва Бобур мунсаҳеҳи мусаммани матвийи мавқуф вазнининг ҳалқ оғзаки ижодида қўлланиши ҳақида қандай маълумотларни берганлар?*
- 5. Фаувлун аслига хос тармоқ руқнларни айтинг.*
- 6. Мутақориби мусаммани маҳзуф(мақсур) вазнида ёзилган қайси асарларини биласиз?*

## II. ТАҚТЕЙ ТУЗИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Тақтей аруз амалиётининг асосини ташкил этади. Тақтей тузишнинг ўзига хослиги шундаки, у аруз илми бўйича олинган билимларни бир вактнинг ўзида амалиётга татбиқ этишни назарда тутади. Бунинг учун талаба ҳижолар таснифи, васл ҳодисаси, асллар ва улардан ҳосил бўладиган тармоқ рукнларнинг тузилиши ва номланиши, баҳрларнинг таркиби, уларга хос вазн кўринишлари, бу вазнларнинг туркий шеъриятда қўлланиш даражаси кабилар юзасидан назарий маълумотларни яхши билиши керак. Бу билимларни билан қуролланган тақдирда ҳам талаба байт тақтейини мустақил туза олиши учун ўқитувчининг услугубий мададига муҳтож бўлади. Бунинг учун ўқитувчи қуидагиларга эътибор килиши керак:

I. Тақтей тузиш байтдаги ҳижолар чўзиқ-қисқалигини аниқлашдан бошланади. Бу жараённинг мураккаб жиҳати шуки, туркий сўзлардаги очик бўғинларда арабий ва форсий сўзлардан фарқли равишда унлилар қатъий чўзиқ-қисқаликка эга эмас, улар вазн талабига кўра талаффуз этилади. Тақтей тузмагунча эса вазни аниқлаб бўлмайди. Мумтоз шеърият лексикаси асосан туркий, арабий ва форсий сўзлардан ташкил топган. Арабча ва форсча сўзларда унли эски ўзбек ёзувида ифодаланса, чўзиқ, ёзувда ифодаланмай ҳаракатлар орқали берилса, қисқа саналади. Бу сўзлардаги унлиларни ҳозирги графикада акс эттирганда *а* ҳарфи қисқа, *о* ҳарфи чўзиқ унлини ифодалайди. Колган *и*, *э*, *ү* ҳарфлари эса қатъий равишда чўзиқ ёки қисқа унли товушга мос келмайди. Масалан, *мунис*, *муносабат* каби арабий сўзларда, *гул*, *гумроҳ* каби форсий сўзларда у ҳарфи қисқа унлини ифодаласа, *маълум*, *манзур* арабча сўзларида, *хуши*, *гардун* форсча сўзларида чўзиқ унлини билдиради. *И* ҳарфи ҳам қисқа (*бидоя*, *кишвар*) ва чўзиқ (*мунир*, *чин*<sup>1</sup>) унлиларни ифодалайди. Ў ҳарфи асосан чўзиқ (*гўши*, *хўб*) унлини, *е* ҳарфи эса ҳам қисқа (*мехнат*, *мехр*), ҳам чўзиқ (*беша*, *мезон*) унлиларни акс эттириши мумкин. Кўринадики, арабча ва форсча сўзлардаги унлилар чўзиқ-қисқалигини билиш учун уларнинг араб ёзувидаги шаклидан хабардор бўлиш керак. Туркий сўзларда очик бўғинлардаги *а* ҳарфи кўпроқ қисқа, *о* ҳарфи кўпинча чўзиқ унлини ифодаласа-да, вазн талаби билан *а* чўзиқ, *о* қисқа унлини билдириши мумкин. Колган унлиларнинг ҳам очик бўғиндаги чўзиқ-

<sup>1</sup> Катлам, ажин маъносида

қисқалиги вазнга боғлиқ.<sup>1</sup> Туркий сўзлардаги ёпик бўғинларда о унлисидан бошқа ҳамма унли ҳарфлар қисқа товушни ифодалайди. Шу сабабли бил-дир, кун-дуз каби сўзлардаги ёпик бўғинларнинг барчаси ўта чўзиқ ҳижо эмас, чўзиқ ҳижо саналади. Туркий сўзларда таркибида о унлиси бўлган ёпик бўғинларгина вазн талаби билан ҳам чўзиқ, ҳам ўта чўзиқ бўлиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, ягона фонетик қонуниятларга бўйинсунмайдиган туркий, арабий ва форсий сўзлар истеъмолига асосланган мумтоз шеърлар вазнини фақат унлилар чўзиқ-қисқалигига суюнган ҳолда тўғри аниқлаб бўлмайди. Бу ҳол вазн аниқлашда ҳижонинг сифат таркибини белгилашга ўзига хос ёндашувни талаб этади: ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалигини мисралаги кетма-кетмалигига кўра эмас, мисралараро тагма-таглигига кўра аниқлаш лозим. Бошқача қилиб айтганда, *вазнни аниқлаш йўналиши горизонтал* эмас, *вертикал характеристерга эга бўлиши керак*. Бунинг учун мисралар бўғинларга бўлиниб ёзib чиқилади. Ҳар бир ҳижонинг чўзиқ-қисқалигини белгилашдан олдин қўйидаги мисраларда унинг тартиб ўрнига мос келувчи ҳижолар кўздан кечирилади. Улар орасида ундош билан тутаган ёпик чўзиқ ҳижо бўлса, шу вертикал қатордаги барча ҳижолар чўзиқ бўлади. Аксинча, агар уларнинг ҳаммасини очиқ бўғинлар ташкил этса (бунда васл ҳоди сасига учраш натижасида ёпик чўзиқ ҳижонинг қисқага айланishiни ҳам эътиборга олиш керак), бу ҳижолар қисқа бўлади. Демак, ҳижонинг сифатини аниқлашда ундошдан олдин келган ёпик чўзиқ ҳижо асос вазифасини бажаради: *текширилаётган ҳижолар орасида у учраса, бу ҳижолар чўзиқ, учрамаса, қисқа бўлади*. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўз охирида келиб, ундан кейинги сўз унли билан бошланадиган ёпик бўғинлар асос вазифасини бажара олмайди. Чунки уларда вазн талабига кўра васлга учраш эҳтимоли мавжуд. Мисол:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Би	Лур	сен	ким	Ке	чар	дун	Ё	йи	Фо	Ни
Қу	Линг	га	қил	Ма	ғил	жав	Ру	жа	Фо	Ни
Ба	Се	кўп	ваъ	Да	лар	қил	Ди	нгу	Бор	Динг
Ке	л+эм	ли	ваъ	Да	ға	қил	Фил	ва	Фо	Ни
V	-	-	-	V	-	-	-	v	-	-

<sup>1</sup> Айрим форсий сўзларда ҳам унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги туркий сўзлардаги каби вазн талабига кўра белгиланади. Форсий изофа вазифасидаги и унлиси, боғловчи вазифасидаги у унлиси шунингдек, *на*, *-ки* боғловчилари шулар жумласидандир. Тахаллуслар сўнгидаги келиб, нисбат маъносини билдирувчи ва араб ёзувида *σ* ҳарфи билан бериладиган кўшимишча чўзиқ (Лутфий Саккокий), айрим ўринларда вазн талаби билан қисқа (Лутфи, Саккоки) бўлиши мумкин.

Тақтеңи тузилаётган шеърий мисолнинг мисралари қанчалик кўп бўлса, вазнни аниқлаш шунча осонлашади. Чунки бунда хижони кейинги мисралардагилари билан чоғиштириб, тўғри хуло-сага келиш имкони кенгаяди. Шу сабабли арузни энди ўзлаштираётган талабалар учун амалий машгулотларда бир мисра ёки байтдан иборат мисолларни бериш ўзини методик жиҳатдан оқламайди. Мисолларнинг камида икки байтдан ташкил топган бўлиши мақсадга мувофиқ. Эсдан чиқармаслик керакки, мисра охиридаги бўгин очиқ бўлса ҳам ҳеч қачон қисқа бўлмайди.

*II. Вазнни тўғри аниқлашда ўта чўзиқ ҳижо ва васл ҳодисасига алоҳида эътибор қаратиш керак.* Васл – сўз охиридаги ундошнинг ўзидан кейинги сўзни бошловчи унлига қўшилиб кетиш ҳодисаси. Таъкидлаш жоизки, васл факат сўз охиридаги ёпиқ бўғин (ёпиқ чўзиқ ҳижо ёки ўта чўзиқ ҳижо) ва ундан кейинги сўз бошидаги унли ўртасида юз бериб, васлга учраган ўта чўзиқ ҳижо чўзиқ ҳижога, ёпиқ чўзиқ ҳижо эса қисқа ҳижога айланади. Куйидаги мисолда аслида ўта чўзиқ ҳижодан иборат “ҳажр” (-v) сўзидаги *r* ундоши васл туфайли кейинги бўғин таркибига ўтиб кетгани учун унинг ўрнида “ҳажс” (-) чўзиқ ҳижоси қолган:

*Ғам била жсонимга еттим, гамгусоре кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилситоне топмадим. (Навоий)*

Ғам би-ла жо /ним-ға ет-тим, / ғам-гу-со-ре /кўр-ма-дим,  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Ҳа ж-р+ и-ла дил/хас-та бўл-дим,/ дил-си-то-не / топ-ма-дим  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Ёки:

Ман ўлтурмоқ тилаб, илгин тутуб тушдим аёқиға,  
Ул истиғно қилиб зоҳир манга, ўлтурмай ўлтурди. (Оғаҳий)

Ман+ ўл-тур-моқ /ти-лаб, ил-гин/ ту-туб туш-дим / а-ё-ки-ға,  
v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Ул+ ис-тиғ-но / ки-либ зо-ҳир/ ма-нга<sup>1</sup>, ўл-тур / май+ ўл-турди.  
v - - - / v - - - / v - - - / v - - -  
ма-фо-ий-лун / ма-фо-ий-лун / ма-фо-ий-лун / ма-фо-ий-лун

Ман (-), ул (-), май (-) чўзиқ ҳижолари юқоридаги байтда васла урагани сабабли уларнинг ўрнида *ма(v)*, *у(v)*, *ма(v)* киска ҳижолари қолган. Талабаларга шуни алоҳида эслатиш лозимки, васл фақат вазн талаби билан амалга ошади. Қуйидаги икки мисолга эътибор қаратайлик:

1-мисол:

Жонга чун дермен: “Не ўлди ўлмаким кайфияти?”  
Дерки: “Боис ўлди жисм ичра маразнинг шиддати”  
(Навоий)

Жон-га чун дер/мен: “Не ўл-ди/ ўл-ма-ким кай/ фи-я-ти  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
Дер-ки: “Боис/ ўлди жисм+ ич/ра ма-раз-нинг/ шиддати  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
фо- и- ло -тун/фо- и- ло - тун/ фо- и -ло - тун/ фо- и- лун

2-мисол:

Дема ҳижронимда чекмайсен фигону нола кўп,  
Жисм айларму фигон бўлгон нафас жондин жудо.  
(Навоий)

Де-ма ҳиж-ро/ним-да чек-май/сен фи-го-ну/ но-ла кўп,  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
Жис-м ай-лар/му фигон бўл /гон на-фас жон/дин жу-до  
- v - - / - v - - / - v - - / - v -  
фо и- ло -тун/фо- и-ло - тун/ фо- и -ло - тун/ фо- и- лун

Ҳар иккала байтдаги “жисм” сўзидан кейин унли билан бошли нувчи сўз келган. Иккала байт ҳам рамали мусаммани маҳзуз вазнида ёзилган. Лекин вазн талаби билан биринчисида васл қилинади, иккинчисида эса қилинмайди.

<sup>1</sup> Арузда манга, санга, анга сўзларидаги ўг аксар ҳолларда бир товуш каби талаффуз этилиб, бу сўзлар *ма-nга*, *са-nга*, *а-nга* тарзида қўринишида ҳижоларга ажратилади.

Маълумки, ўта чўзиқ бўғин – таркибида чўзиқ талаффуз этиладиган унлиси бор ёпиқ бўғин ёки охири қўш ундош билан тутаган бўғин. Ўта чўзиқ ҳижо мисра охирдан бошқа ўринларда бир чўзиқ ва қисқа бўғинга тенг ҳисобланади. Унинг икки турини шундай номлаш мумкин:

1. Содда ўта чўзиқ ҳижо – зор

2. Кўш ундошли ўта чўзиқ ҳижо – дард

Одатда, кўш ундошли ўта чўзиқ ҳижони белгилаш қийинчилик туғдирмайди. Содда ўта чўзиқ ҳижо эса тузилиш жиҳатидан чўзиқ ҳижога ўхшаб кетади: иккаласининг таркибида ҳам унли мавжуд, иккаласи ҳам ундош билан тутайди. Шу сабабли вазни белгилашда талаба уларни адаштириб юбориши мумкин. Эсдан чиқармаслик керакки, бундай ҳолларда унлининг қисқа ёки чўзиқлиги ҳижонинг қайси турға мансублигини ҳал қиласди. Агар унли чўзиқ бўлса, бундай ҳижо ўта чўзиқ, қисқа бўлса, чўзиқ ҳисобланади. Ўз навбатида унлининг чўзиқ ёки қисқа бўлиши сўзниң қайси тилга хослигига боғлик:

а) туркий сўзларда фақат *o* унлисигина содда ўта чўзиқ ҳижони ҳосил қилиши мумкин. Мисол:

*Ким эрмас ул ой мубталоси,  
Ёлғуз манга йўқ аниңг балоси. (Саккокий)*

Ким эрма /с+у-л+о-й муб /талоси,  
- - v / v - v - / v -  
Ёлғуз ма / нга йўқ аниңг / балоси.  
- - v / v - v - / v -  
Мафъувлу / мафоилун / фаввлун

Бу байтда *ой* сўзи таркибидаги *o* чўзиқ бўлиб, *ой* ўта чўзиқ бўғин саналади. Шуни айтиш керакки, бундай ҳолатлар кўп учрамайди. Туркий сўзлардаги таркибида *o* унлиси бор ёпиқ бўғинлар аксар ўринларда ўта чўзиқ эмас, чўзиқ ҳижо вазифасида келади. Худди шу *ой* сўзи Бобур қаламига мансуб қўйидаги байтда чўзиқ ҳижо бўлиб келган:

*Гурбатта ул ой ҳажри мани тир қилибдур,  
Гурбат била ҳижрон манга таъсир қилибдур.*

Гурбатта /ул+ой ҳажри / мани пи-р / қилибдур,  
- - v / v - - v / v - - v / v - -  
Гурбат би / ла ҳижрон ма / нга таъси-р / қилибдур.  
- - v / v - - v / v - - v / v - -  
Мафъувлу / мафоийлу / мафоийлу / фаувлун

### Ёки

*Сочининг савдоси тушибди бошима бошдин яна,  
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошибдин яна*

байтидаги *бош, қош* сўзлари туркий сўзлар бўлиб, чўзиқ ҳижога тенг. Туркий сўзларда о унлисидан бошқа барча унлилар содда ўти чўзиқ ҳижко ҳосил қилмайди.

б) арабий ва форсий сўзларда таркибида а унлиси бор ёпик бўгинлар чўзиқ саналади: *мак-таб, сар, май* каби. Қолган унлилар нинг ёпик бўгинларда чўзиқ ёки қисқа бўлишини билиш учун луғатга мурожаат қилиш керак бўлади. Масалан, *ман-зил* сўзидағи зил чўзиқ, *рафиқ* сўзидағи *фиқ* ўта чўзиқ ҳижко саналади. *Беш*<sup>1</sup> сўзи ўта чўзиқ ҳижога, *бек* сўзи чўзиқ ҳижога тенг. Таркибида чўзиқ унлиси бўлиб, н ундоши билан тугаган бўгинлар юқоридаги қоидадан мустасно ҳолда, яъни улардаги унлиларнинг араб ёзувида ифодаланишига қарамай ўта чўзиқ эмас, чўзиқ ҳижко ҳисобланади. Чидхун, жон сўзлари шундай сўзлардир. Буни тақтесь тузишда ёдда тутиш лозим. Масалан, рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган қуйидаги байтдаги *ҳайрон, саргардон* сўзларининг охирги бўгинлари чўзиқ ҳижолардир:

*Эй, қуёшдек оламоро ҳуснунга ҳайрон улус,  
Зарра янглиғ ул қуёш даврида саргардон улус. (А.Навоий)*

Эй, қу-ёш-дек / о-ла-мо-ро / ҳус-ну-нга ҳай / рон у-лус  
- v - - / - v - - / - v - - / - v - -  
Зар-ра янг-лиғ / ул қу-ёш дав / ри-да сар-гар / дон у-лус  
- v - - / - v - - / - v - - / - v - -  
Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилотун

Юқоридагилардан вазни луғат ёрдамидагина аниқлаш мумкин деган хulosса чиқмайди. Биринчидан, ўта чўзиқ ҳижко бир мисради

<sup>1</sup> Кўп, ортиқ маъносини билдирувчи форсий сўз

1-2 та, айрим ҳолларда З тагача бўлиши ёки, аксинча, умуман бўлмаслиги мумкин. Иккинчидан, унинг кўш ундошлиқ турини белгилаш муаммо туғдирмайди. Қолган кўринишларига келадиган бўлсак, мисрадаги асосий фоизни ташкил этувчи қисқа ва чўзиқ ҳижолар орқали вазннинг курилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу ўринда вазн аникловчининг вазифаси аникланмай қолган содда ўта чўзиқ ҳижоларни уларга мослаштиришдан иборат бўлади.

Ўта чўзиқ ҳижо ва васл ҳолатлари талабаларнинг ёдида яхши қолиши учун уларни шартли белгилар билан ажратиб кўрсатишга одатлантириш керак. Масалан, ўта чўзиқ ҳижо таркибидағи қисқа бўғинни айлана ичига олиб, васлни стрелка ва қўшув аломатлари поситасида белгилаш мумкин:

Вафо айлаб / йирокдин о/  кор+оҳис /та-оҳиста,  
Бир+ишиқим ай / ладинг, жоно,/ ҳазор+ оҳис / та-оҳиста.  
мафойилун / мафойилун / мафойилун / мафойилун

III. Тақтесь тузишнинг навбатдаги муҳим босқичи ҳижоларининг ғузик-қисқалиги аникланиб олинган мисраларни муайян рукиларга бўлишdir. Буни бехато амалга оширишининг энг маъқул йўли аруз амалиётида кўп учрайдиган вазн кўринишларини ёд олишиdir. Ўқи-тuvчи талабаларнинг асосий эътиборини туркий ижодкорлар шеъриятида кўлланиб келган мустаъмал (истеъмолдаги) ўлчовларга каратиши керак. Талаба амалиётда дуч келмайдиган арабий ва форсий шеъриятга хос баҳрлар, шунингдек, саноқли ҳоллардагина учрайдиган мухтараъ (шоир томонидан ихтиро қилинган) вазнларни кида умумий тасаввур билан кифояланиши мумкин. Чунки уларни ҳам ўзлаштириш, биринчидан, жуда катта хотиравий кучни ташиб этади, иккинчидан, вазнни тўғри аниклашда чалғитиб, адаптириши мумкин. Зарурат туғилса, бундай вазнлар ҳақида тўлиқроқ миълумот олиш учун “Мезонул-авзон”, “Мухтасар” каби манбаларни бошқа қўлланмаларга мурожаат этиш мумкин. *Бошлангич амалий машғулотларда ҳар бир талаба ёнида қўйидаги вазнлар акс тиган жадвал бўлиши мақсадга мувофиқ:*

### **Хазаж баҳри вазнлари:**

1. ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур)  
Мафойлун / мафойлун / фаувлун (мафойил)
2. ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (мақсур)  
Мафъувлу / мафойлун / фаувлун (мафойил)
3. ҳазажи мусаммани солим (мусаббағ)  
Мафойлун / мафойлун / мафойлун/ мафойлун  
(мафойлон)
4. ҳазажи мусаммани аштар  
Фоилун / мафойлун / фоилун / мафойлун
5. ҳазажи мусаммани ахраб  
Мафъувлу / мафойлун / мафъувлу / мафойлун
6. ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мақсур)  
Мафъувлу / мафойлту / мафойлту / фаувлун (мафойил)
7. ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод  
Мафъувлу / мафойлту / мафойлту /фаувлун /  
мафъувлу / фаувлун

### **Рамал баҳри вазнлари:**

1. Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)  
фоилотун/ фоилотун/ фоилун (фоilon)
2. Рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф( маҳбуни мақсур,  
мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)  
Фоилотун / фаилотун / файлун  
(фаилотун) (фаилон)  
(фаълун)  
(фаълон)
4. Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)  
Фоилотун/ фоилотун/ фоилотун/ фоилун (фоilon)
5. Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф( маҳбуни мақсур,  
мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)  
Фоилотун / фаилотун / фаилотун /файлун  
(фаилотун) (фаилон)  
(фаълун)  
(фаълон)

6. Рамали мусаммани машқул  
фаилоту/ фоилотун/ фаилоту/ фоилотун

**Музореъ баҳри вазнлари:**

1. Музореъи мусаммани ахраби солим  
Мафъувлу / фоилотун / мафъувлу / фоилотун
2. Музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф(мақсур)  
мафъувлу /фоилоту / мафоийлу / фоилун  
(фоilon)

**Ражаз баҳри вазнлари:**

1. Ражази мусаммани солим (музол)  
мустафъилун/ мустафъилун/ мустафъилун/мустафъилун  
(мустафъилон)
2. Ражази мусаммани матвийи маҳбун  
муфтаилун/ мафоилун/муфтаилун/ мафоилун

**Хафиф баҳри вазнлари:**

1. Ҳафиғи мусаддаси маҳбуни маҳзуф ( маҳбуни мақсур,  
мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)  
Фоилотун / мафоилун / файлун  
(фаилотун) (фаilon)  
(фаълун)  
(фаълон)

**Мужтасс баҳри вазнлари:**

1. Мужтасси мусаммани мусаммани маҳбуни маҳзуф  
(маҳбуни мақсур, мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)  
Мафоилун / фоилотун / мафоилун /файлун  
(фаilon)  
(фаълун)  
(фаълон)

### **Сареъ баҳри вазнлари:**

1. Сареъи мусаддаси матвийи макшуф(мавқуф)  
муфтаилтун/муфтаилтун/фоилтун(фоилон)

### **Мунсареҳ баҳри вазнлари:**

1. Мунсареҳи мусамани матвийи макшуф(мавқуф)  
муфтаилтун/фоилтун/муфтаилтун/фоилтун(фоилон)

### **Мутақориб баҳри вазнлари:**

1. Мутақориби мусаммани маҳзуф(мақсур)  
Фаувлун/ фаувлун/ фаувлун/ фаул( фаувл)
2. Мутақориби мусаммани аслам  
фаълун/фаувлун /фаълун/фаувлун

Талаба асллар ва фуруълар, баҳрларга хос турли ўлчовларни яхши билиб олгандан кейин унга ҳар бир вазн кўринишига бир байт мисолни оҳангидан билан ёд олишни топшириқ қилиб бериш лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи танланган мисолларни ўз оҳангига ўқиб кўрсатиб бериши керак. Шундан кейин шеър вазнини аввалги тўрт ҳижонинг чўзиқ-қисқалигини белгилаб олиш орқали ҳам аниклаш мумкин. Масалан, вазнини аниклаш учун қуидаги мисол берилган. Унинг бошидаги тўрт ҳижонинг чўзиқ-қисқалиги белгиланади:

Ишқингда қуюб, жоно, хоки таҳи по бўлдум,

- - v v

Совурди ғаминг боди алқисса фано бўлдум.

- - v v

Ҳар кеча талаб айлаб даргоҳи илоҳидин.

- - v v

Офтоби камолингни, машғули дуо бўлдум.

- - v v

Бу таркибга мос келувчи бирорта аслий ёки тармоқ руҳи мавжуд эмас. Демак, мисралардаги биринчи бўлиниш 3-ҳижодан кейинга тўғри келади:

- - v /v

мафъувлу /

Маълум бўладики, бу вазнинг 1-рукнини мафъувлу – мафоийлун аслининг ахраб тармоғи ташкил этади, 2-рукни эса қисқа хижо билан бошланади. Туркий шеъриятда қўлланадиган газал вазнлари ичидаги 3 та ўлчов мос келади:

1. ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф(мақсур)

мафъувлу/ мафоилун/ фаувлун (мафоийл)

- - v / v - v - / v - - (v - ~) 10 хижо

2. ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мақсур)

мафъувлу/ мафоийлу/ мафоийлу/фаувлун (мафоийл)

- - v / v - - v / v - - v / v - - (v - ~) 14 хижо

3. ҳазажи мусаммани ахраб

мафъувлу/ мафоийлун / мафъувлу/ мафоийлун

- - v / v - - - / - - v / v - - - 14 хижо

Кўриниб турибиди, берилган мисол 10 ҳижоли эмас. Демак, кейинги икки 14 ҳижоли вазнлардан бирида ёзилган. Шу икки ўлчовга ёд олинган байтларни эсга олиб, вазни аниқланаётган мисолни шу оҳангга солиб ўқиб кўриш орқали қайси бир вазнда ёзилганини аниқлаш мумкин. Шундай қилингандаги байтлар ҳазажи мусаммани ахраб вазнидан ҳосил бўладиган оҳангга мос келади. Буни тақтөй орқали текшириб кўриш мумкин:

Ишқингда / қуюб, жоно, / хоки та / ҳи по бўлдум,

- - v / v - - - / - - v / v - - -

Совурди / ғаминг боди / алқисса / фано бўлдум.

- - v / v - - - / - - v / v - - -

Ҳар кеча / талаб айлаб / даргоҳи /илоҳидин.

- - v / v - - - / - - v / v - - -

Офтоби /камолингни, /машғули/дуо бўлдум.

- - v / v - - - / - - v / v - - -

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, шеърни вазнга солиб ўқиб кўриш жараёнида ўта чўзиқ ҳижолар ва васл ҳодисасининг қаерда келишини оҳангнинг ўзи белгилаб беради. Вазни бу тарзда аниқлаш мусиқани эслаб қолиш қобилиятига эга талабаларга, айниқса,

кўл келади. Бундай қобилиятга эга бўлмаган талабалар эса ҳижонинг чўзиқ-қисқалигини охиригача белгилаб, кейин руқнларга бўлганлари маъкул. Демак, ўқитувчи вазн аниқлашга ўргатишда талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиши лозим бўлади.

*IV. Тақтөй тузишини осонлаштирувчи яна бир омил айрим вазнларнинг ўзига хосликларини эътиборга олишидир.* Масалан, рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф (маҳбуни маҳзуф, мақтуъ, мақтуъи мусаббағ), рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф (маҳбуни маҳзуф, мақтуъ, мақтуъи мусаббағ), мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф (маҳбуни маҳзуф, мақтуъ, мақтуъи мусаббағ), хафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф(маҳбуни маҳзуф, мақтуъ, мақтуъи мусаббағ) вазнларининг барчасида аruz ва зарб – сўнгги руқнларда фоилотун аслининг фуруълари бўлган қуйидаги тўрт руқндан бири келиши мумкин:

файлун (v v ~)

файлон (v v ~)

фаълун (- -)

фаълон (- ~)

Вазни аниқланаётган мисраларнинг охирги руқнларида уч ҳижоли файлун(файлон)нинг икки ҳижоли фаълун(фаълон) билан аралаш ҳолда келиши агар у мусаддас ўлчов бўлса, рамал ёки хафиф эканлигини, мусамман ўлчов бўлса, рамал ёки мужтасс эканлигини кўрсатади.

*V. Тажриба шуни кўрсатадики, вазнлар орасида талабалар айрим пайтларда ўзаро адаштириб юбориши мумкин бўлган вазн жуфтликлари бор.*

Булар қуйидагилар:

1) Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)

фоилотун / фоилотун / фоилун (фойлон)

- v - - / - v - - / - v - (- v ~ )

Сареъи мусаддаси матвийи макшуф(мавқуф)

муфтаилун / муфтаилун / фоилун (фойлон)

- v v - / - v v - / - v - (- v ~ )

2) Рамали мусаддаси маҳзуф

фоилотун / фоилотун / фоилун

- v - - / - v - - / - v -

Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф  
фоилотун / файлотун / файлун

- v - - / v v - - / v v -

(файлутун)

v v - -

3) Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф( махбуни мақсур,  
мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)

Фоилотун / файлотун / файлун

- v - - / v v - - / v v -

(файлутун) (файлон)

v v - - v v ~

(фаълун)

- -

(фаълон)

Хафиғи мусаддаси махбуни маҳзуф( махбуни мақсур,  
мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)

Фоилотун / мафоилун / файлун

- v - - / v - v - / v v -

(файлутун) (файлон)

v v - - v v ~

(фаълун)

- -

(фаълон)

4) Рамали мусаммани маҳзуф

фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф

фоилотун / файлотун / файлотун / файлун

- v - - / v v - - / v v - - / v v -

(файлутун)

v v - -

5) Ражази мусаммани солим

мустафъилун/ мустафъилун/ мустафъилун/мустафъилун

- - v - / - - v - / - - v - / - - v -

Ражази мусаммани матвийи маҳбун  
муфтаилун / мафоилун/муфтаилун/ мафоилун  
- v v - / v - v - / - vv - / v - v -

Жуфтликларни ташкил этган бу вазнларда мисралар бир хил ўринларда руқнларга ажралади. Ҳар иккала вазннинг руқнларини ўзаро қиёсласак, фақат бир ҳижосининг чўзиқ-қисқалигига кўра фарқланиши, баъзи руқнларнинг эса бир хиллиги маълум бўлади. Бу вазнларни адаптириш тафовутли ҳижоларда очик бўғинлар кўлланганда юз беради. Чунки, таъкидланганидек, туркий сўзларда очик ҳижо вазн талаби билан чўзиқ ҳам, қисқа ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Огаҳий қаламига мансуб

*Чеккуси жонни зулфиға лаъли зулоли хол ила,  
Домига банд этар ҳамул қушни бу обу донаси.*

байтини икки хил вазнда белгилаш мумкин:

1) Ражази мусаммани матвийи маҳбун

Чеккуси жон /ни зулфиға / лаъли зулоли хол+ила,

- v v - / v - v - / - v v - / v - v -

Домига банд /д+этар ҳамул/ қушни бу о /бу донаси.

- v v - / v - v - / - v v - / v - v -

Муфтаилун / мафоилун / муфтаилун / мафоилун

2) Ражази мусаммани солим

Чеккуси жон /ни зулфиға / лаъли зулоли хол+ила,

- - v - / - - v - / - - v - / - - v -

Домига банд /д+этар ҳамул / қушни бу о /бу донаси.

- - v - / - - v - / - - v - / - - v -

мустафъилун / мустафъилун/ мустафъилун/мустафъилун

Баъзан шоирлар икки ёки ундан ортиқ ортиқ вазнда ўқиш мумкин бўлган байт ёки шеърларни ўзларининг аруздаги маҳоратларини кўрсатиш учун ижод қилишган бўлиб, бу санъат муталаввин (“ранг-баранг”, “төвланувчи”), зулбаҳрайн (“икки баҳрли”), зубуҳур (“кўп баҳрли”) номлари билан юритилган. Рашидиддин

Ватвотнинг “Ҳадойиқус-сехр фи дақойиқу-ш-шөйр” рисоласида маълумот берилишича, Аҳмад Мангурий Самарқандий деган шоир уч хил вазнда ўқиши мумкин бўлган “Канзу-л-ғаройиб” номли асар ёзган. Бобур ҳам “Мухтасар”да ўзи ижод қилган муталаввин байтлар ҳакида маълумот берган. Байтнинг муталаввинлик хусусиятига эга бўлиши тасодифий бўлиши ҳам мумкин. Бундай байт учраган шеърнинг ўлчовини топиш учун унинг бошқа байтлари вазнини аниқлапи керак бўлади. Юқоридаги Оғаҳий шеърининг ҳақиқий вазнини билиш учун кейинги байт тақтеъини тузиш кифоя:

*Даҳр тараб гаҳи басе дилкашу хўб эрур, vale,  
Ҳайфки, йўқ турур анинг ишрати жосвидонаси.*

Даҳ-р тараб / гаҳи басе / дилкашу хў / б+эрур, vale,  
- v v - / v - v- / - v v - / v - v -  
Ҳай-фки, йўқ /турур анинг / ишрати жо / видонаси.  
- v v - / v - v- / - v v - / v - v -  
Муфтаилун / мафоилун / муфтаилун / мафоилун

Демак, ғазал ражази мусаммани матвийи маҳбунда ёзилган. Ўқитувчи талабаларга ўзаро яқин бўлган вазнларни жсуфт ҳолда ёдда олиб қолишилари мақсадга мувофиқ бўлишини уқтириши керак. Аruz амалиётида бундай ўлчовларни синчиклаб текшириш бирини иккинчиси билан адаштирмасликка сабаб бўлади.

Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” рисоласида “арузнинг бизнинг тилга ярамаганлиги”ни далиллаш мақсадида келтирган мисоллар орасида Бобурнинг

*Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак*

байтини ҳам кўрсатиб, унинг вазнини рамали мусаддаси маҳзуф деб белгилайди. Ундаги “унутқонни” ва “унутмоқ” сўзларидағи биринчи ҳижоларнинг вазн талаби билан чўзиб айтилиши туркий тил оҳангини бузишга олиб келишини таъкидлайди. Бу шеър рамали мусаддаси маҳзуфга эмас, сареъи мусаддаси матвийи макшуф вазнига ҳам тушиши мумкин:

Ўзни, кўнгул, / айш+ила тут / мөқ керак,  
- v v - / - v v - / - v -  
Бизни унут / қонни унут / мөқ керак  
- v v - / - v v - / - v -  
муфтаилун / муфтаилун / фоилун

Бу вазн талабига кўра Фитрат чўзиқ талаффузи билан қулоққа нохуш эшитилишини айтган ҳижолар қисқа ўқилади ва шўх, жозибали, табиий оҳангни ҳосил қиласди. Демак, шеърнинг вазни ҳақида узил-кесил хulosага келиш учун айрим пайтларда унинг бир байтини кўздан кечириш етарли бўлмайди.

*VI. Талабалар айрим сўзлар вазн талаби билан икки хил кўринишида қўлланишини ёдда тутмоқликлари керак.* Масалан, шоҳ – шоҳ, мөҳ – маҳ, ики – икки, ачиқ – аччиқ каби. Уларда тақтеъ тузиш малакаси шаклангач, мумтоз матнлар нашрида учраб турадиган матбаа хатолари туфайли бундай сўзларнинг вазнга номувофик шакли қўлланган бўлса, уни тузатишга ўргатиб бориш лозим.

### **ІІІ. МАКТАБ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЎРГАНИЛАДИГАН МУМТОЗ АСАРЛАРНИНГ ВАЗН КҮРСАТКИЧЛАРИ**

#### **Ҳазаж баҳри**

##### **1. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур)**

Мафоийлун / мафоийлун / фаувлун (мафоийл)

V - - - / V - - - / V - - (V - ~)

Сайфи Саройи. “Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ” маснавийси

Сайфи Саройи. “Суҳайл ва Гулдурсун” достони

Хоразмий. “Мухаббатнома”

Хўжандий. “Латофатнома”

Атоий. “Жамолин васфини қилдим чаманда” ғазали

Атоий. “Қўнгулни олғали зулфинг каманди” ғазали

Атоий. “Лабинг қоним тўкарга ташналабдур” ғазали

Атоий. “Сипехри ҳусн ичинда моҳ сенсен” ғазали

Атоий. “Менгиз ё равзай ризвонмудур бу?” ғазали

Гадоий. “Бути сийминбарим, бизни унутма” ғазали

Лутфий. “Нигоро, сенсизин мандин не ҳосил?” ғазали

Лутфий. “Агар сен бўлмасанг гулдек чаманда” ғазали

Лутфий. “Аёқингта тушар ҳар лаҳза гису” ғазали

Лутфий. “Ҳақ-ул кунким, жамолинг бор этибдур” ғазали

Алишер Навоий. “Камол эт касбким, олам уйидин” қитъаси

Алишер Навоий. “Фарҳод ва Ширин” достони

Сўфи Оллоҳёр. “Саботу-л-ожизин” достони

Ҳувайдо. “Роҳати дил” достони

Нодира. “Манга ишқ ичра савдойи жунун бас” ғазали

Мунис. “Басе ғам боридин чекмиш оғирни” ғазали

Мунис. “Бало қўҳсорининг Фарҳоди менмен” ғазали

Оғаҳий. “Илоҳи ҳар қунинг наврӯз бўлсун” ғазали

Оғаҳий. “Совукға бу қиши ортиб шиддату кин” ғазали

Оғаҳий. “Баланд айлаб қуёшта поя наврӯз” ғазали

Оғаҳий. “Бўлуб андоқ биноким селу офат” маснавийи  
 (“Дошҳовли” тасвири)

Дилшоди Барно. “Ажойиб дилкушодир Ўратепа” ғазали

Аваз Ўтар. “Фидойи халқим ўлсун танда жоним” ғазали

Аваз Ўтар. “Биродарлар, жаҳоннинг йўқ вафоси” ғазали

## **2. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (мақсур)**

Мағъувлу / мафоилун / фаувлун (мафойил)

- - V / V - V - / V - - (V - ~)

Саккокий. “Ким эрмас ул ой мубталоси” ғазали  
Атоий. “Қон бўлди кўнгул фироқи бирла” ғазали  
Алишер Навоий. “Лайли ва Мажнун” достони  
Амирий. “Қошингта тегузмагил қаламни” ғазали  
Завқий “Ҳажви аҳли раствор” ҳажвияси  
Аваз Ўтар. “Дил ишқинга мубтало бўлубдур” мухаммаси  
(Навоий ғазалига тахмис)

## **3. Ҳазажи мусаммани солим (мусаббағ)**

Мафоилун / мафоийлун / мафоийлун / мафоийлун (мафойлон)

V - - - / V - - - / V - - - / V - - - (V - - ~)

Сайфи Саройи. “Таололлоҳ, зихи сурат, зихи маҳбуби равҳони”  
ғазали

Саккокий. “Жаҳондин кетти тапловишу мабодийи амон келди”  
қасидаси (“Улугбек мадҳи”)

Алишер Навоий. “Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл аҳлоқидин  
хурсанд” ғазали

Алишер Навоий. “Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас”  
ғазали

Алишер Навоий. “Манга номеҳрибон ёр ўзгаларга меҳрибон  
эрмиш” ғазали

Алишер Навоий. “Навоий щеъри тўққиз байту ўн бир байт, ўн ўн  
байт” қитъаси

Бобур “Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда” ғазали

Бобур. “Не хуш бўлгайки, бир кун уйқулик баҳтимни уйғотсан”  
ғазали

Бобур. “Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдум” ғазали

Бобур. “Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим” ғазали

Бобур. “Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур” ғазали

Бобур. “Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур” ғазали

Бобур. “Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур”  
ғазали

Машраб. “Бу тани хокийни-ю руҳи равонни на қилай?” ғазали

Машраб. “Санамнинг шавқида тинмай юруб оввора Машрабман”  
ғазали

Машраб. “Муҳаббат ўтига бағрим қуюб бирёна йиғларман” ғазали

Машраб. “Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар” ғазали  
Машраб. “Малаксан ё башар ё хуру гилмонсан билиб бўлмас” ғазали  
Машраб. “Муродингга етай десант, қаландар бўл, қаландар бўл”  
ғазали  
Увайсий. “Мени расво қилаң кимдирки, сен сийминбадан нозик”  
ғазали  
Увайсий. “Келибман даргахинта, шохи хубоним, қабул эткил” ғазали  
Увайсий. “Ажаб йўқ тун-кун ўлсам маҳвашимнинг жустижүсинда”  
ғазали  
Увайсий. “Букун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим” ғазали  
Амирий. “Не кўзлардурки, торож этмака хунхорлардурлар” ғазали  
Амирий. “Сабо, лутф эт, манга ул ёр пайғомин равон келтур” ғазали  
Амирий. “Кўнгул лаъли таманноси била қон ўлди ўхшайдур” ғазали  
Амирий. “Қизартиб чехра майдин ошиқи зорингни куйдурма” ғазали  
Амирий. “Табибо, шарбати ўйнаб ичарга бермагин пандим” ғазали  
Нодира. “Таҳаммул ҳаддин ошти, эмди афғон этмасам бўлмас” ғазали  
Мунис. “Табассумда кўриб рангин лабингни ногаҳон гунча” ғазали  
Мунис. “Килурлар бир-бирининг сухбатин гарчи хавас аҳбоб” ғазали  
Мунис. “Чаманлар сайрига келгилки, фасли навбаҳор ўлмиш” ғазали  
Мунис. “Фалак шабгун кўнгул дудин намоён этдигумданур”.  
Фузулий ғазалига мухаммас  
Нодира. “Фигонким, гардиши даврон айрди шаҳсуворимдин” ғазали  
Огаҳий. “Олур ҳар лаҳза юз жон чашми фаттонингга салламно”  
ғазали  
Огаҳий. “Кел, эй чобуксуворимким, басе зору низорингман” ғазали  
Огаҳий. “Башар хайли вужуди боғига девор хильятдур” ғазали  
Огаҳий. “Дема ул чехраи гулранг узра чашми жодудур” ғазали  
Огаҳий. “Хароб ўлсун, илоҳӣ, гумбази даввор, чархи дун” ғазали  
Огаҳий. “Қатиғроқ келмади ҳаргиз жаҳонга ушбу қишлоғин қиши ғазали  
Огаҳий. “Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб бошингдин айлансан”  
ғазали  
Фурқат. “Фариби бир вилоят хонумонимдин адашганман” ғазали  
Фурқат. “Киши ҳолимни билмас, меҳрибонидин адашганман”  
мухаммаси  
Фурқат. “Манам шўрида булбул бўстонидин адашганман” мухаммаси  
Завқий. “Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди” ғазали  
Завқий. “Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас”  
мухаммаси

Комил Хоразмий. “Юзу холинг ғамидин гар эмасдур нотавон лола” ғазали  
Дилшоди Барно. “Бахор айёми келмасдин бўлурму ҳеч чаман оро” ғазали  
Анбар Отин “Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод” ғазали  
Аваз Ўтар. “Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон мактаб?” ғазали  
Аваз Ўтар. “Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб” ғазали  
Аваз Ўтар. “Ҳар одамнинг талаб йўлида гар ихлоси комилдур” мусаммани  
Абдулла Авлоний. “На ҳурлиқ, на қасолат – доимо афгор биз, миллат” ғазали  
Абдулла Авлоний. “Билинг, ўғлонларим, сизларни ғамдан куткарур мактаб” мусаддаси  
Муҳаммадшариф Сўфизода. “Муаллимни кувиб, мактабни ёпган чустидар бизлар” ғазали  
Ҳамза. “Эрур илму адаб, фазлу ҳунар осор мактабдин” ғазали (“Ўқишикитоби”дан)  
Ҳамид Олимжон. “На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам” ғазали

#### 4. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзур (мақсур)

Мафъувлугу / мафоийлу/ мафоийлу / фаувлун (мафоийл)

- - v / v - - v / v - - v / v - - (v - ~ )

Саккокий. “Эй гул, юзинга хуру пари баんだи жони” ғазали  
Атоий. “Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?” ғазали  
Лутфий. “Эй одамилар жони, париға не бўлурсан?” ғазали  
Лутфий. “Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма” ғазали  
Лутфий “Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг” ғазали  
Бобур. “Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибдур” ғазали  
Бобур. “Сендек манга бир ёри жафокор топилмас” ғазали  
Машраб. “Ишқ мазҳабиға тақви-ю тоат чидаёлмас” ғазали  
Машраб. “Дунёга келиб лойига билмай бота қолдим” ғазали  
Машраб. “Ногаҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим” ғазали  
Машраб. “Сетор ила савти наво айлаганинг хўб” ғазали  
Машраб. “Ишқ водисидин бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўттум” ғазали  
Машраб. “Қилди манга бир жилвае, ногаҳ боқа қолдим” ғазали  
Увайсий. “Мақсуди кўнгул – лаъли майи нобинга кулман” ғазали

Амирий. “Ул ёр жафоси мани безобита этти” ғазали  
Нодира. “Жонимга жафолар била жонона қилур баҳс” ғазали  
Мунис. “Бордим сари күйингга-ву хирмон била ёндим” ғазали  
Огахий. “Ишрат майин ахбоб тараб бирла ичинг сиз” ғазали  
Аваз Ўтар. “Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур” ғазали

#### 5. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод

Мафъувлу / мафойилу / мафойилу / фаувлун

- - v / v - - v / v - - v / v - -

мафъувлу /фаувлун

- - v / v - -

Мунис. “Ишқинг ўтида ўртанадур жони низорим  
ул навъки, машъал” мустаҳзоди

#### 6. Ҳазажи мусаммани ахраби солим

Мафъувлу / мафойилун / мафъувлу / мафойилун

- - v / v - - / - - v / v - -

Алишер Навоий. “Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғат”  
ғазали

Мунис. “Кулбам сари жононим келмасму экин оё?” ғазали

Фурқат. “Сайдинг кўябер, сайёд, сайёра экан мендек” мусаддаси

#### 7. Ҳазажи мусаммани аштари солим

Фоилун / мафойилун / фоилун / мафойилун

- v - / v - - / - v - / v - - -

Бобур. “Фоғил ўлма, эй соқий, гул чоғин ганимат тут” ғазали

Машраб. “Кокулингму анбардур жон ичинда, жонон қиз” ғазали

Увайсий. “Мехнату аламларга мубтало Увайсийман” ғазали

Амирий. “Лаб уюр такаллумға, зулфни паришон қил” ғазали

Фурқат. “Фасли навбаҳор ўлди кетибон зими斯顿лар” ғазали

#### Рамал баҳри

1. Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)

Фоилотун/ фоилотун/ фоилун(фоilon)

- v - - / - v - - / - v - (- v ~ )

Сайфи Саройи. “Ул юзи ойким, жаҳоннинг жонидур” ғазали

Лутфий. “Тўнга сифмасмен фараҳдин гул каби ”қитъаси

А.Навоий. “Яхши хотунлар сафои зухиддин” қитъаси  
Машраб. “Тушди савдои муҳаббат бошима ” ғазали  
Нодира. “Марҳабо, эй пайки султон, марҳабо” ғазали  
Нодира. “Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж” ғазали  
Феруз. “Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт” ғазали

2. Рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф (маҳбуни мақсур,  
мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)

Фоилотун / фоилотун/ фоилун (файлон, фаълон, фаълон)  
- v - - / v v - - / v v - (v v ~, - - -, - ~ )  
(Фоилотун)

Муҳаммад Солих. “Шайбонийнома” достони

### 3. Рамали мусаммани маҳзуф(мақсур)

Фоилотун/ фоилотун/ фоилотун/фоилун (файлон)  
- v - - / - v - - / - v - - / - v - (- v ~ )

Сайфи Саройи. “Бу фалак нечун мени доим қаро қинда тутар”  
ғазали

Сайфи Саройи. “Дилбаримнинг зулфи сунбул, чехраси гулзор  
эрур” ғазали

Атоий. “Ул санамким, сув яқосинда паритеқ ўлтуур” ғазали

Гадоий. “Оҳқим, девона кўнглум бедаво бўлди яна” ғазали

Гадоий. “Эй кўнгул, дилбар хаёли чунки ҳамдамтур санга” ғазали

Гадоий. “Ёз фасли эл бори бу лаззати ишрат билади” ғазали

Гадоий. “Ёна ёз бўлди-ю тоғти бўстон наштӯу намо” ғазали

Лутфий “Холиёким, даври ишраттур, иликтин жомни” ғазали

Лутфий “Кўргали лаълинг ақиқин кўнглим ул ён тортадур” ғазали

Алишер Навоий. “Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади”  
ғазали

Алишер Навоий. “Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга”  
ғазали

Алишер Навоий. “Жонға чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?” ғазали

Алишер Навоий. “Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ” ғазали

Алишер Навоий. “Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур”  
ғазали

- Алишер Навоий. “Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл” ғазали
- А.Навоий. “Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?” ғазали
- А.Навоий. “Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо” ғазали
- Алишер Навоий. “Ҳар гадоким, бўрёи факт эрур кисват анга” ғазали
- Алишер Навоий. “Кўнглум ўртансун агар ғайрига парво айласа” ғазали
- Алишер Навоий. “Тифллар тошики, жисмим қилди сартосар қаро” ғазали
- Алишер Навоий. “Гулрухи ръяноқадам чун боғ тавғ айлар бориб” ғазали
- Алишер Навоий. “Эй сабо, холим бориб сарви хиромонимға айт” ғазали
- Алишер Навоий. “Дўстлар, ахли замондин меҳр умиди тутмангиз” ғазали
- Алишер Навоий. “Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш” ғазали
- Алишер Навоий. “Кўкрагимдур субхнинг пироҳанидин чокрак” ғазали
- Алишер Навоий. “Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо” ғазали
- Алишер Навоий. “Ҳар қачонким, кемага ул ой сафар рактин солур” ғазали
- Алишер Навоий. “Навбаҳор айёми бўлмиш, ман дисру брсиз” ғазали
- Алишер Навоий. “Оразин ёпқач, қўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш” ғазали
- Алишер Навоий. “Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф” ғазали
- Алишер Навоий. “Мехр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим” ғазали
- Алишер Навоий. “Ман жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл” ғазали
- Алишер Навоий. “Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки” ғазали
- Алишер Навоий. “Ёрдин хижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар” ғазали
- Алишер Навоий. “Лолагун тўн ичра, ёраб, ул ғазоли Чин эрур” ғазали

Алишер Навоий. “Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз” ғазали

Алишер Навоий. “Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг” ғазали

Алишер Навоий. “Хильъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил” ғазали

Алишер Навоий. “Кўнглум ичра дарду ғам аввалғиларға ўхшамас” ғазали

Алишер Навоий. “Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон” қитъаси

Алишер Навоий. “Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки” муҳаммаси

Хусайнин. Ғазаллар:

Бобур. “Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?” ғазали

Бобур. “Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна” ғазали

Бобур. “Гул жамолин ёпқан ул гулнинг ики райҳонидур” ғазали

Бобур. “Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ” ғазали

Бобур. “Борму эркин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон” фарди

Машраб. “Ҳар кишини дарди бўлса, йиғласун ёр олдида” ғазали

Машраб. “Эй манинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?” ғазали

Машраб. “Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлиғ билан” ғазали

Машраб. “Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади” муҳаммаси

Хувайдо. “Ох, мани дарду балоға мубтало қилди фироқ” ғазали

Хувайдо. “Ўтдилар бу дунёдин дилҳоҳлар, гумроҳлар” ғазали

Амирий. “Тушти тори зулфи юздин кўнглум ичра печу тоб” ғазали

Амирий. “Ишқ асрорини пинҳон айларам ағёр аро” ғазали

Амирий. “Эй пари, май бирла юзни аргувон қилмок надур?” ғазали

Нодира. “Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат” ғазали

Нодира. “Ҳажрдин маҳмурмен, сокий, лабо-лаб жом тут” ғазали

Нодира. “Оҳким, беҳад манга жавру жафо айлар фалак” муашшари

Нодира. “Бўлди ул фурсатки, тарки сухбати олам туттай” ғазали

Турди. “Тор кўнгиллик беклар, манман деманг, кенглик килинг” ғазали

Турди. “Қатраям ночиз, аммо зоти қулзум Турдиман” ғазали

Турди. “Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк” ғазали

Турди. “Бошима бир кўхи ғам бир от коҳу емидин” ғазали

Турди. “Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман” муҳаммаси

Увайсий. “Оҳ, гулрухсора жоғон, қордурмас! ишқида” ғазали  
Увайсий. “Қыл амон, ё раб, адудылар мөжабоидин мани” таржибанди  
Увайсий. “Ул на гумбаздур, эшики, гүнгүгидин йўқ нишон” чистони  
Увайсий. “Ул надурким сабзтушик, сўз яғочнинг бошида” чистони  
Махмур. “Келгил, эй ахбоб, аввал тарзи рафтормин кўр” ҳажвий  
ғазали (“Ғазали қози Мұхаммадражаб Авж дар бораи худ”)  
Мунис. “Дўстлар, менсиз dame оҳанги ишрат қилмангиз” ғазали  
Мунис. “Давлатинг боридадурлар барча олам ошно” ғазали  
Мунис. “Ваҳки, ул золим мени мазлумга қотил ҳануз” ғазали  
Мунис. “Кунглума бир гул ғамидин санчилибдур хорлар” ғазали  
Мунис. “Қайси гулнинг мен киби бир андалиби зори бор?” ғазали  
Мунис. “Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга” ғазали  
Мунис. “Гарчи аввал бор эди маҳбуби гулрухсора сўз” ғазали  
Мунис. “Истадинг, эй дил, кўзин, жонинг керакмасму санга?” ғазали  
Мунис. “Бўлмаса жинси жамолингга харидор офтоб” ғазали  
Мунис. “Тунчалар очилди-ю қўнглум очилмайдур ҳануз” ғазали  
Мунис. “Ваҳки, мандин ишқ аро озурдажонроқ йўқ киши” ғазали  
Мунис. “Ашқ хун, рухсор зарду дил ҳазин, толеъ қаро” ғазали  
Мунис. “Ёрни кўрдим қизил тўни била ағёр аро” ғазали  
Мунис. “Гарчи авваллар ниёзимни кўриб ноз этти дўст” ғазали  
Мунис. “Муждаким, меҳру вафо расмини оғоз этти дўст” ғазали  
Огахий. “Мехри рухсорингки то олам ародур нурфош” ғазали  
Огахий. “Сокиё, майхоралар жисмидин олди тоб қиши” ғазали  
Огахий. “Даҳр бир майхонадурким, қулфат онинг жомидур” ғазали  
Огахий. “Муждаким, келди бўлуб ҳақ лутфига мазҳар баҳор” ғазали  
Огахий. “Ўйла еткурди жаҳонга зийнату оро баҳор” ғазали  
Феруз. “Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?” ғазали  
Феруз. “Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй нигор” ғазали  
Феруз. “Эй фалак, нетдим сани, душманлиғ изҳор айладинг” ғазали  
Феруз. “Лаъли ширинингни таъриф айлаб ўлмиш шаҳдком” ғазали  
Муқимий. “Ошиқ эрмасман юзингта якка бу Фарғонада” ғазали  
Муқимий. “Мумкин ўлса кўрмоғим, эй сарви раъно, суратинг” ғазали  
Муқимий. “Хеч ким мендек, илоҳи, ёридин айрилмасун” ғазали  
Муқимий. “Навбаҳор. Очилди гуллар, сабза бўлди боғлар” ғазали  
Муқимий. “Кўчага чиқмоққа лекин саҳт ҳайрон қилди лой” ҳажвий  
ғазали  
Фурқат. “Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда” ғазали  
Фурқат. “Сурмадин кўзлар қаро, кўллар ҳинодин лоларанг” ғазали

Фурқат. “Не балолиғ эрди, эй шүхи дилоро, суратинг” ғазали  
Комил Хоразмий. “Кўрмамиш сандек жаҳонда ҳеч бир гулзор гул”  
ғазали  
Комил Хоразмий. “Манзилим чун бўлди ушбу йил диёри Тошканд”  
ғазали  
Дилшоди Барно. “Исминг Анбар, жисминг анбар, лоларухсан,  
лаъллаб” ғазали  
Дилшоди Барно. “Васл ҳангомини кутдим, келди бу ҳангом талх”  
ғазали  
Аваз Ўтар. “Эй кўнгул, ишқ ичра кирдинг, жон керакмасму санга?”  
ғазали  
Аваз Ўтар. “Бўлма, эй қимса, ҳамиша бу сифат мағрури ганж”  
ғазали  
Мухаммадшариф Сўфизода. “Яшнатиб дил ғунчасин фасли баҳор  
айлар газет” ғазали  
Ҳамза. “Қўзимизга қўриниб турган ҳама асбоблар” шеъри (“Ўқиш  
китоби”дан)  
Ҳамза. “Қорадур гарчи изи, нури ҳақиқатдур ўзи” шеъри (“Ўқиш  
китоби”дан)  
Ҳамза. “Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечук” шеъри  
 (“Ўқиш китоби”дан)

#### 4. Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф (махбуни мақсур, мақтуъ, мақтуъи мусаббағ)

Фоилотун / фаилотун/ фаилотун/ фаилун(фаилон, фаълун, фаълон)  
- v - - / v v - - / v v - - / vv - (v v ~, - - , - ~ )  
Лутфий. “Мени шайдо қиласурғон бу кўнгулдуру, бу кўнгул” ғазали  
А.Навоий. “Қойи ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин” ғазали  
Нодира. “Эй хушо, шиша аро оби ҳаёти ҳукамо” ғазали  
Нодира. “Кийма деб айламади ҳеч киши парвонага баҳс” ғазали  
Махмур “Эй жаҳондори зафар, кавкабай даври фалак” ҳажвий  
ғазали  
Мунис. “Кимники дўст дедим, душмани жон топтим ани” ғазали  
Комил Хоразмий. “Ҳар неча айлабон изҳор фасоҳат шуаро” ғазали

#### 5. Рамали мусаммани машкул.

Фаилоту / фоилотун / фаилоту /фоилотун  
v v - v / - v - - / v v - v / - v - -

Лутфий. “Бу кечар жаҳонда, соқий, чу эмас умр нишони” ғазали

### Хафиф баҳри

#### 1. Хафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф(маҳбуни мақсур, мақтӯй, мақтӯи мусаббағ)

Фоилотун /мафоилтун / файлун (фаилон, фаълун, фаълон)

- v - - / v - v - / vv - (vv ~, - - -, - ~ )

(Файлутун)

v v - -

Алишер Навоий. “Улки, ифлосдин аёғинда ” қитъаси

Алишер Навоий. “Сабъай сайдер” достони

Мунис. “Ютубон бу замонда қон шуаро” ғазали

Комил Хоразмий. “Ютубон бу замонда қон фузало” ғазали

### Мужтасс баҳри

#### 1. Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф(маҳбуни мақсур, мақтӯй, мақтӯи мусаббағ)

Мафоилун/файлутун / мафоилун/файлун (фаилон, фаълун, фаълон)

v - v - / vv - - / v - v - / vv - (vv ~, - - -, - ~ )

Атоий. “Сени мен онгладим, бевафо эмиштуксен” ғазали

Алишер Навоий. “Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилғил”  
ғазали

Алишер Навоий. “Фано тариқида ҳар кимки ҳосил этти русух” ғазали

Алишер Навоий. “Ҳаво хуш эрди-ю оллимда бир қадаҳ майи ноб”  
ғазали

Алишер Навоий. “Манинг фирокиму онинг висоли тун била тонг”  
ғазали

Алишер Навоий. “Оқора бошлади бошу тўкила бошлади тиш” ғазали

Бобур. “Кўнгулга бўлди ажойиб қаро бало сочинг” ғазали

Бобур. “Балойи ишқки, ҳар дам манга жафоедур” ғазали

Комил Хоразмий. “Не суд очилса гўл, ўлса баҳор ғурбат аро” ғазали

Комил Хоразмий. “Эмас кишига бу дунёда мулкү мол камол” ғазали

### Ражаз баҳри

#### 1. Ражази мураббаи солим (музол)

Мустафъилун / мустафъилун (мустафъилон)

- - v - / - - - v - (- - - v ~)

Муқимий. “Саёҳатнома”  
Завқий. “Шоҳимардон хотираси” саёҳатномаси

**2. Ражази мусаммани солим (музол)**  
Мустафъилун/мустафъилун/ мустафъилун / мустафъилун  
(мустафъилон)  
- - v - / - - v - / - - v - / - - v - (- - v ~ )

Мунис. “Ширинсухан Лайливаллим вақтики қохир бўлғуси”.  
Навоий ғазалига мухаммас  
Оғаҳий. “Эй шўх, кўзу қошингта олам гадо, ман ҳам гадо” ғазали  
Оғаҳий. “Бўл шоду хуррам, эй кўнгулким, мавсуми наврўз эрур”  
ғазали  
Оғаҳий. “Мушкин қошининг ҳайъати ул чапми жаллод устина”  
ғазали  
Феруз. “Айб айламанг бўлсан ул ой ишқида нолон, эй рафиқ” ғазали  
Аваз Ўтар. “Кўнглум агар ғайри сари майлу тақозо айласа” ғазали  
Аваз Ўтар. “Жонимға ўт тушсун агар ғайрига парво айласа” ғазали  
Аваз Ўтар. “Эй дўстлар, даҳр ахлига ҳамраҳу ҳамдам бўлмангиз”  
ғазали

**3. Ражази мусаммани матвийи маҳбун**  
Муфтаилун / мафоилун / муфтаилун / мафоилун  
- v v - / v - v - / - v v - / v - v -  
Атоий. “Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?” ғазали  
Оғаҳий. “Бизки буқун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз” ғазали  
Оғаҳий. “Дарди дилим анго дедим, дема ани манго деди” ғазали

#### **Музореъ баҳри**

**1. Музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мақсур)**  
Мафъувлу / фоилоту / мафойилу / фоилун(фоилон)  
- - v / - v - v / v - - v / - v - (- v ~ )  
Саккокий. “Сентек жаҳонда кўзлари айни бало қани?” ғазали  
Лутфий. “Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуий” ғазали  
Алишер Навоий. “Кўз қонидин дема этагим лолавордур” ғазали  
Алишер Навоий. “Гузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илгари”  
қитъаси  
Бобур. “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим” ғазали  
Бобур. “Келтурса юз балони ўштал бевафо манга” ғазали  
Аваз Ўтар. “Хусн ичра ул нигор парилар ягонаси” ғазали

### **Сареъ баҳри**

#### **1. Сареъи мусаддаси матвийи макшуф (матвийи мавқуф)**

муфтаилун / муфтаилун / фоилун (фойлон)

- vv - / - vv - / - v - (v ~)

Алишер Навоий. “Ҳайратул-аброр” достони  
 Бобур. “Ўзни, кўнгул, айш ила тутмок керак” ғазали  
 Нодира. “Ёр манга гайри жафо айламас” ғазали  
 Гулханий “Маймун билан нажжор”, “Туя билан бўталок” шеърий  
 масаллари (“Зарбулмасал”)  
 Муқимий. “Танобчилар” ҳажвияси  
 Муҳаммадшариф Сўфизода. “Мунҷа ямон” шўрлади пешоналар”  
 мусаддаси

### **Мунсаҳ баҳри**

#### **1. Мунсаҳи мусаммани матвийи макшуф**

муфтаилун / фоилун / муфтаилун / фоилун

- vv - / - v - / - vv - / - v -

Комил Хоразмий. “Қайси фалак буржининг меҳри пуранворисан”  
 мухаммаси

### **Мутақориб баҳри**

#### **1. Мутақориби мусаммани маҳзуф(мақсур)**

фаувлун / фаувлун / фаувлун / фаул (фаувл)

v - - / v - - / v - - / v - (v ~)

Юсуф Ҳос Ҳожиб “Қутадғу билиг” достони  
 Аҳмад Юғнакий. “Ҳибату-л-ҳақойик” достони  
 Алишер Навоий. “Садди Искандарий” достони  
 Алишер Навоий. “Мани ишқдин манъ этар сода шайх” ғазали  
 Алишер Навоий. “Кетур, соқий, ул майки субҳи аласт” таржибанди  
 Нодира. “Хатинг иштиёқин савод айладим” таржибанди  
 Гулханий. “Каж ва Фаж” ҳажвий ҳикояти (“Зарбулмасал”)  
 Мунис. “Узорингда нуре аёндур, аён” ғазали  
 Муқимий. “Масковчи бой таърифида” ҳажвияси

#### **2. Мутақориби мусаммани аслам**

Фаълун / фаувлун / фаълун / фаувлун

- - / v - - / - - / v - -

Машраб. “Ишқинг ўтига куйголи келдим” ғазали  
Машраб. “Кўрдум юзунгни – девона бўлдум” ғазали  
Машраб. “Кўрсат жамолинг мастоналарға” ғазали  
Муқимий.“ Арзимни айтай боди сабога” ғазали

### 3. Мутакориби мусаммани мақбузи аслам

Фаувлу / фаълун / фаувлу / фаълун

v - v / - - / v - v / - -

Сайфи Саройи. “Қамар юзингдин бўлур мунааввар” ғазали

#### Комил баҳри

##### A. Комили мусаммани солим

мутафоилун / мутафоилун / мутафоилун / мутафоилун

v v - v - / v v - v - / v v - v - / v v - v -

Огаҳий. “Не ажаб шикаста қўнгул иши туну кун фигон ила ноладур” ғазали

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Adabiyot (Majmua). Akademik litseylarning ikkinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Toshkent: Cho‘lon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-12 жиллар, 16-жилд. Тошкент: Фан, 1987-1994, 2000.
3. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
4. Бобур. Мухтасар. Тошкент: Фан, 1978.
5. Завқий. Ажаб замона. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 2003.
6. Захириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. Тошкент: Фан, 1993.
7. Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
8. Машраб. Мехрибоним, қайдасан. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
9. Муқимий. Асарлар. 2 жилдлик. Тошкент: Ўздавнашр, 1960-1961.
10. Нодира-Комила. Девон. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001
11. Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 1-2-жиллар. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1872.
12. Рустамов А. Аруз ҳакида сұхбатлар. Тошкент: Фан, 1972.
13. Султонов И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
14. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Тошкент: Фан, 1985
15. Увайсий. Кўнгул гулзори. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
16. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
17. Фитрат. Аруз ҳақида. Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
18. Фурқат. Танланган асарлар. 2 томлик. 1-том. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1959.
19. Ҳаёт васфи. Ўзбек адабиёти бўстони. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
20. Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. Тошкент: Фан, 1981.

Mail: [saxroikabr@bk.ru](mailto:saxroikabr@bk.ru)

Telegram kanal: [t.me/sherkhan1117](https://t.me/sherkhan1117)